



Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси

Тошкент – 2019 й.

Муаллифлар гуруҳи:

Жаҳон банки:

Хидеки Мори, Mustafa Dinc, Juderica Dias, Эскендер Трушин,
Аслиддин Одилов

Давлат статистика қўмитаси:

Б.А. Бегалов, Б.М. Мирусманов, А.А. Икромов, М.Д. Зиядуллаев,
З.М. Зияев, О.Т. Мамадалиев, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик
тадқиқотлар институти, қўмита марказий аппаратининг тармоқ ҳамда
худудий статистика идоралари раҳбарлари.

Ушбу китоб 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида
статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясига бағишланади.

Статистикани ривожлантириш миллий стратегияси (СРМС) –
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Жаҳон
банкнинг ташаббусидир. У фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини
қондиришга қаратилган статистиканинг долзарблигини ошириш,
статистик тизимларни бошқариш ва мувофиқлаштиришни
такомиллаштириш, мамлакатда миллий статистика тизимининг барқарор
ривожланишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу тўплам 2020-2025 йилларда статистикани ривожлантириш
ҳамда мамлакат миллий статистика тизими вакиллари ва ушбу соҳадаги
барча қизиққан мутахассислар учун таъсис этилган асосий ҳужжат,
илмий-амалий манба бўлиб хизмат қилади.

Фикрлар ва таклифларни қуйидаги манзилга юбориш мумкин:
100170, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63 уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тел. (998-71)
239-80-09, 239-81-70, 230-80-99 info@stat.uz

Мундарижа

МУҚАДДИМА	– 8
Қисқартмалар рўйхати	– 12
1. КИРИШ	– 15
1.1. Маълумот учун	– 15
1.2. СРМСнинг мақсади, таркиби, фойдаланувчилари ва фойдаланиш усуллари	– 17
Мақсади ва таркиби	– 17
Фойдаланувчилар ва СРМСдан фойдаланиш усуллари	– 18
1.3. Тегишли миллий стратегиялар ва уларнинг статистика билан алоқаси	– 19
Миллий ривожланиш стратегияси	– 19
Барқарор ривожланиш мақсадлари	– 23
1.4. Ривожланиш бўйича халқаро ҳамкорларнинг сўнги ва жорий фаолияти	– 23
2. УЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ	– 27
2.1. Баҳолаш жараёни	– 27
2.2. Мақсад ва миссия ҳақида баёнот	– 28
2.3. Қадриятлар тизими ва тамойиллар	– 29
2.4. Институционал-ҳуқуқий асослар	– 31
Статистика тизимининг ташкилий тузилмаси	– 31
Бошқа статистика маълумотларни ишлаб чиқарувчилар	– 33
Миллий статистик режалаштириш	– 37
Меъёрий-ҳуқуқий инфратузилма	– 40
Статистика фаолиятини мувофиқлаштириш, амал қилинадиган механизмлар ва бошқарув	– 41
Маълумотлар ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро алоқалар	– 42
2.5 Ташкилий инфратузилма	– 43
Давлат статистика қўмитаси ташкилий тузилмаси	– 43
Кадрлар ресурслари	– 46
Ўқитишга эҳтиёж, стратегия ва инфратузилма	– 48
Сифатни бошқариш	– 50

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
статистикани ривожлантириш миллий стратегияси

2.6. Статистика соҳаси инфратузилмаси	– 51
Таснифлар ва стандартлар	– 51
Статистик регистрлар	– 55
Статистик усуллар	– 57
Танланма	– 57
Мавсумий тузатишлар ва динамик қаторлар маълумотлари	– 62
Саволномалар дизайнини ишлаб чиқиш тартиби	– 63
Респондентлар билан алоқалар	– 64
Фойдаланувчилар билан алоқалар	– 64
Маълумотларни тарқатиш амалиёти	– 65
2.7. АКТ инфратузилмаси ва физик инфратузилма	– 67
Институционал механизмлар	– 67
Аппарат таъминоти	– 68
Маълумотларни бошқариш тизими	– 70
Худудий статистика идоралари инфратузилмаси	– 71
2.8. Статистика дастури ва операцион фаолият	– 72
Рўйхатга олиш тадбирлари	– 72
Миллий ҳисоблар	– 76
Нархлар статистикаси	– 81
Ташқи савдо статистикаси	– 81
Энергетика сектори статистикаси	– 82
Атроф-муҳит статистикаси	– 83
Корхоналар статистикаси	– 83
Давлат молияси статистикаси	– 84
Ташқи сектор статистикаси	– 86
Демографик статистика	– 87
Таълим статистикаси	– 87
Соғлиқни сақлаш статистикаси	– 89
Ижтимоий соҳа статистикаси	– 90
Уй ҳўжаликлари кузатувлари	– 91
Барқарор ривожланиш мақсадлари статистикаси	– 92
Илм-фан ва инновациялар соҳасидаги статистика	– 92

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
статистикани ривожлантириш миллий стратегияси

Гендер статистикаси	– 93
Меҳнат статистикаси	– 93
Туризм соҳаси статистикаси	– 95
Транспорт статистикаси	– 95
Қишлоқ хўжалиги статистикаси	– 96
Қурилиш соҳасида статистикаси	– 97
Хизматлар соҳаси статистикаси	– 98
Маъмурий маълумотлар манбалари	– 99
2.9. SWOT-таҳлил (кучли ва кучсиз томонлар, имкониятлар ва таҳдидлар)	– 100
3. СТАТИСТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	– 108
3.1. Стратегик мақсадлар	– 109
3.2. Устувор йўналишлар	– 113
4. СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАР ВА ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР	– 118
4.1. Ташкилий-ҳуқуқий инфратузилмани такомиллаштириш	– 118
Статистика қонунчилигини такомиллаштириш	– 118
Статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчилар фаолиятини мувофиқлаштириб боришни яхшилаш	– 120
Миллий статистика тизимининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш	– 122
Миллий статистика тизими учун сифатни таъминлашнинг миллий таянч принципларини ишлаб чиқиш	– 123
Статистика тизимининг кадрлар салоҳиятини яхшилаш	– 125
Статистика тизимига кадрларни тайёрлаш стратегиясини такомиллаштириш	– 127
4.2. Статистик инфратузилмани такомиллаштириш	– 128
Таснифлагичлар ва бошқа инструментарийларни такомиллаштириш	– 129
Статистик регистрларни яратиш	– 132
Саволномаларни ишлаб чиқиш жараёнлари ва усулларини такомиллаштириш	– 133
Танланма усулларини такомиллаштириш	– 134
Вақт бўйича қаторларни таҳлил қилиш, мавсумий тузатиш усуллари ва маълумотларни қайта кўриб чиқиш сиёсатини жорий қилиш	– 135

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
статистикани ривожлантириш миллий стратегияси

Тадқиқот, таҳлил ва мониторинг қилиш бўйича ишларни такомиллаштириш	– 136
4.3. Статистик маълумотлардан фойдаланувчилар ва етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш	– 137
Фойдаланувчилар билан ўзаро алоқаларни такомиллаштириш	– 138
Статистик маълумотларни тарқатиш сиёсатини такомиллаштириш	– 140
Статистик маълумот етказиб берувчилар бўйича сиёсатни такомиллаштириш	– 141
4.4. Статистик маълумотларни қайта ишлаш бўйича ахборот-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш	– 142
Статистик маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича интеграциялашган тизимни яратиш	– 144
Давлат статистика қўмитаси ва бошқа статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчи вазирлик ва идораларнинг жиҳозлари ва дастурий таъминотини янгилаш	– 145
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, шаҳар, туман статистика бўлимлари инфратузилмасини такомиллаштириш ва модернизация қилиш	– 146
4.5. Алоҳида статистик йўналишлар ва методологияларни такомиллаштириш	– 147
Рўйхатга олишлар соҳасида статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш	– 147
Миллий ҳисобларни такомиллаштириш	– 149
Нархлар статистикасини такомиллаштириш	– 151
Уй хўжаликлари кузатувларини такомиллаштириш	– 153
Ташқи савдо статистикасини такомиллаштириш	– 155
Энергетика соҳасида статистикани такомиллаштириш	– 156
Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида статистикани такомиллаштириш	– 156
Корхоналар статистикасини такомиллаштириш	– 158
Давлат молияси статистикасини такомиллаштириш	– 159
Ташқи сектор бўйича статистикани такомиллаштириш	– 160
Пул-кредит ва молия сектори статистикасини такомиллаштириш	– 161
Демографик статистикани такомиллаштириш	– 162
Таълим статистикасини такомиллаштириш	– 162
Соғлиқни сақлаш статистикасини такомиллаштириш	– 163

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
статистикани ривожлантириш миллий стратегияси

Ижтимоий соҳа статистикасини такомиллаштириш	– 164
Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича статистикани такомиллаштириш	– 165
Илм-фан ва инновациялар соҳасида статистикани такомиллаштириш	– 166
Гендер статистикасини такомиллаштириш	– 167
Меҳнат статистикасини такомиллаштириш	– 168
Туризм соҳаси статистикасини такомиллаштириш	– 169
Транспорт статистикасини такомиллаштириш	– 170
АКТ соҳасидаги статистикани такомиллаштириш	– 171
Яширин иқтисодиёт бўйича статистикани такомиллаштириш	– 171
Қишлоқ хўжалиги статистикасини такомиллаштириш	– 172
Уй-жой статистикасини такомиллаштириш	– 173
Адолат ва жиноятчилик статистикасини такомиллаштириш	– 174
Инвестициялар ва қурилиш соҳасидаги статистикани такомиллаштириш	– 175
Ердан фойдаланиш, мулкчилик ва баҳолаш статистикасини такомиллаштириш	– 176
5. АМАЛГА ОШИРИШ ТУЗИЛМАСИ	– 177
5.1. Умумий тамойиллар	– 177
5.2. Хатарлар	– 177
5.3. Барқарорлик	– 178
5.4. Амалга ошириш графиги ва ресурслар	– 179
5.5. СРМСни амалга оширишни бошқариш тузилмаси	– 179
6. МОНИТОРИНГ ВА БАҲОЛАШ	– 183
6.1. Кутилаётган натижалар	– 183

МУҚАДДИМА

“Энди ҳар бир топшириқнинг ижро этилгани қоғозга қараб эмас, эришилган пировард натижага қараб баҳоланади...Шу боис, барча даражадаги ижро органларида интизомни кучайтириш, белгиланган вазифа ва топшириқлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш зарур...Ижро ҳокимияти идоралари қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказиш орқали ва бошқа шаклларда кенг жамоатчилик фикрини мунтазам равишда ўрганиб бориши керак.”

(2020 йил 21 январдари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқидан)

Ўзбекистон Республикасида давлат статистикаси тизимини яратиш борасида чора-тадбирлари изчил амалга оширилиши натижасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда расмий статистик маълумотларни йиғиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва нашр этишнинг яхлит тизими шакллантирилди. Маълумки, статистик маълумотлар – XXI аср, рақамлаштириш асрининг “ёқилғиси” ҳисобланади. Маълумотлар дунёдаги энг қимматбаҳо манба бўлиб, ривожланиш ва тараққиёт асосидир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатда бошқарув тизимини такомиллаштириш ва давлат бошқарувини модернизация қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар статистика соҳасида ҳам ўз аксини топди, бу ўз ўрнида мамлакат ичидаги фойдаланувчилар ҳамда халқаро статистика ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Хусусан, биргина ўтган уч йил ичида статистика фаолиятини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бешта қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, уларни амалга оширишга қаратилган 30 дан ортиқ ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Эълон қилинаётган статистик маълумотлар рўйхати ва таркиби сезиларли даражада кенгайтирилди, республиканинг ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизимига қўшилиши таъминланди ҳамда ахборот сифати ва унинг мазмуни бўйича Очiq маълумотлар портали фаолияти такомиллаштирилди.

Бунинг асосида, тақдим этилаётган маълумотларнинг долзарблиги, ишончлилиги, очiqлиги, шаффофлиги ва қулайлиги орtdи, натижада фойдаланувчиларнинг статистик маълумотларга бўлган талабларини сезиларли даражада қондириш имконияти яратилди ва бу ишлар расмий статистикага бўлган ишончни оширди.

Шу билан бирга, давлат миқёсидаги тадбирлар, хусусан, 2020 йилда Мултиндикатор кластер кузатувлари (МИКК), 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш, 2023 йилда қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш, шунингдек, Халқаро таққослаш дастури – 2020 йил раундида иштирок этиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан стратегик қарорлар қабул қилишда статистик маълумотларнинг долзарблиги ва аҳамиятлилигини таъминлашнинг зарурлиги ва узлуксиз такомиллаштириб борилиши тўғрисида мустақкам тушунча ҳосил бўлди. Шу билан бирга, Жаҳон банки кўмагида миллий статистика тизимини янада ривожлантиришнинг яхлит модели ишлаб чиқилди.

Жаҳон банки кўмагида ишлаб чиқилган Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси (бундан буён матнда - СРМС) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ташаббуси бўлиб, фойдаланувчилар эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берадиган, статистиканинг долзарблигини оширишга, статистика тизимларини бошқариш ва мувофиқлаштиришни такомиллаштиришга ҳамда мамлакат миллий статистикасининг барқарорлиги ва бардавомлигини таъминлашга қаратилган мақсадлар ва комплекс тадбирлар мажмуидир.

СРМСда, миллий статистика тизими расмий статистик маълумотларни йиғадиган, ишлаб чиқариш ва тарқатиш жараёнларини уйғунлаштирадиган ҳамда ривожланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва иқтисодий ислохотларни белгилаш, жараёнларни мониторинг қилиш ва баҳолашда расмий статистикадан фойдаланишни қўллаб-қувватловчи барча давлат органларини ўз ичига қамраб олиши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, жамоатчиликни статистика бўйича саводхонлиги ва хабардорлигини ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларига кенг жалб қилиш ва провардида мамлакат статистика тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

СРМС қуйидаги стратегик мақсадларга асосланади:

- мамлакатда амалга оширилаётган сиёсат ва қабул қилинаётган қарорлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган асосий миллий кўрсаткичларни лозим даражада ва етарли акс эттириш;

- кучли сифатни бошқариш, мониторинг ва баҳолаш тизимини йўлга қўйиш;

- маълумотларни ишлаб чиқиш ва тарқатишнинг аниқ сиёсатини ҳамда самарали фаолият юритадиган миллий статистика тизими йўлга қўйиш;

- изчил ва барча жиҳатларни ҳар томонлама қамраб олган кучли ҳуқуқий асосларни, шунингдек, миллий статистика тизимининг мустақиллигини ва ҳолислигини сақлаб қолишга қаратилган мувофиқлаштирувчи механизмларни яратиш;

- барча миллий статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчилар жамиятда расмий статистик маълумотларга бўлган талабни қондиришга, фойдаланувчиларни мавжуд статистик маълумотлардан хабардор бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга ва расмий статистикани тарғиб қилиш орқали жамиятни хабардор қилишга ўз ҳиссаларини қўшишни давом эттирадилар.

2020-2025 йилларда СРМСни амалиётга жорий қилиш орқали қуйидаги стратегик натижаларга эришилади:

- фойдаланувчини статистик маълумотлар билан юқори даражада қондириш;
- статистик маълумотларни етказиб берувчилар иш сифатини оширишга интилиш;
- ҳукумат ва ҳамкорларнинг миллий статистикани ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши;
- ходимларнинг мотивацияси ва юқори малакаси;
- мамлакатнинг бутун миллий статистика тизимини самарали мувофиқлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчи бошқа вазирлик ва идоралар томонидан профессионаллик, мустақиллик, холислик, сифат, ишончлилик, очиқлик ва шаффофлик каби қадриятларни таъминлаш, аввало барча манфаатдор ҳамкорлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларига асосланади. СРМСни амалга оширилиши натижасида ушбу қадриятлар тизими ҳаётда ўз аксини топади ва расмий статистиканинг асосий халқаро тамойилларига мувофиқ институционаллашади.

Албатта, юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши умумэътироф этилган стандартларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси миллий статистика тизимини модернизация қилиш ва такомиллаштириш ҳамда унинг халқаро статистика ҳамжамиятига тўлиқ интеграциялашувига мустаҳкам замин яратади.

Қисқартмалар рўйхати

ОТБ	Осиё тараққиёт банки
ТБ	Тўлов баланси
ХВЖ	Халқаро валюта жамғармаси
ТБҚ-6	ХВЖнинг 6-таҳрирдаги тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича Қўлланмаси
МДХ Статистика қўмитаси	Мустақил Давлат Ҳамдўстилиги Давлатлараро статистика қўмитаси
ДБОФТ	Давлат бошқаруви органлари функциялари таснифи
МШИТ	Мақсадлар бўйича шахсий истеъмол таснифи
ЕИХФМСТ	Европа иқтисодий ҳамжамиятининг фаолият бўйича маҳсулотларнинг статистик таснифи
ИНИ	Истеъмол нархлари индекси
КМОСТИ	Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти
МСБТ	ХВЖнинг маълумотлар сифатини баҳолаш тизими
ЕЭСУ	Европа эркин савдо уюшмаси
к-МТУТ	ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатиш умумий тизими
КТЯДР	Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри
ТБОАТ	Таълимни бошқаришнинг очиқ ахборот тизими
ЕИ	Европа иттифоқи
БМТ	Бирлашган миллатлар ташкилоти
ФАО	Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (БМТ)
РСАП	Расмий статистиканинг асосий принциплари (БМТ)
ЯИМ	Ялпи ички маҳсулот
ДМС	Давлат молияси статистикаси
ГАТ	Географик ахборот тизими
РСНҚ	Расмий статистика бўйича намунавий қонун (БМТ)
СМИЧНМ	Статистик маълумотларни ишлаб чиқаришнинг намунавий модели
УБК	Уй-хўжаликлари бюджети кузатувлари

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
статистикани ривожлантириш миллий стратегияси

ТТКУТ	Товарларни тавсифлаш ва кодлаштириш бўйича уйғунлашган тизим
СМЖХТ	Статистик мақсадларда жинойтларнинг халқаро таснифи
КХТ	Касалликлар бўйича халқаро тасниф
ХТД	Халқаро таққослашлар дастури
БҲХТ	Бандлик ҳолатининг халқаро таснифи
АКТ	Ахборот-коммуникация технологиялари
ХИП	Халқаро инвестицион позиция
ХМТ	Халқаро меҳнат ташкилоти
ТСХТ	Туризм статистикаси бўйича халқаро тавсиялар
ТХСТ	Таълим бўйича халқаро стандарт таснифлагич
КХСТ	Касблар бўйича халқаро стандарт таснифлагич
СХТ	Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот
ИКК	Ишчи кучи кузатувлари
ПКМСҚ	Пул-кредит ва молиявий статистика бўйича қўлланма
ПКМТ	Пул-кредит ва молия тизимлари
МИКК	Мултииндикатор кластер кузатувлари
АҲМ	Англашув ва ҳамкорлик Меморандуми
ЕИИФТТ	Европа иттифоқининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таснифлагичи
СРМС	Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси
МСО	Миллий статистика органи
МСТ	Миллий статистика тизими
ИҲТТ	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти
Париж21	XXI-асрда ривожланиш мақсадлари бўйича статистика соҳасида ҳамкорлик ташкилоти
ИЧИ	Ишлаб чиқарувчилар индекслари
СБР	Статистик бизнес-регистр
МТМС	Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандарти
БРМ	Барқарор ривожланиш мақсадлари
ССҲТ	Соғлиқни сақлаш ҳисоблари тизими

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
статистикани ривожлантириш миллий стратегияси

МҲТ	Миллий ҳисоблар тизими
SPSS	Ижтимоий фанлар статистикасини қайта ишлаш дастурлари тўплами
STATA	Маълумотларни статистик қайта ишлаш дастури
SWOT-таҳлил	Кучли ва заиф томонларни, имкониятлар ва таҳдидларни таҳлил қилиш
СТПМА БМТ	Сифатни таъминлаш принциплари бўйича миллий асослари (БМТ)
БМТТД	БМТ Тараққиёт дастури
БМТ ЕИК	БМТ Европа иқтисодий комиссияси
ЮНФПА	БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси
ЮНЕСКО	БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти
ХССТ	Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти
ЮНИСЕФ	БМТнинг Болалар жамғармаси
ЮНИДО	БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти
БМТ ГМЖБ	БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси
ХСТ	Халқаро савдо ташкилоти
ЯМД	Ялпи миллий даромад
ИФУТ	NACE Rev.2 – иқтисодий фаолият турлари бўйича умумий статистик таснифлагич
ТТКУТ	Товарларни таснифлаш ва кодлаштириш бўйича уйғунлаштирилган тизим

1. КИРИШ

1.1. Маълумот учун

Ўзбекистон Республикаси денгизга чиқиш имконияти йўқ бўлган, Марказий Осиёда жойлашган давлатдир. Ер майдони 447 000 кв.км., аҳоли сони 33,2 млн.киши ва Atlas усулида ялпи миллий даромади (ЯМД) 2018 йилда 2 040 АҚШ доллари миқдорида баҳоланади.

2018 йилда ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсиш суръати 5,1 фоизни ташкил этади. Инвестицияларнинг барқарор ўсиб бориши ва ислохотларни чуқурлаштириш дастурлари асосида Ўзбекистоннинг иқтисодий прогнози 2019 йилда 5,3 фоиз ва 2021 йилга келиб 6 фоиз миқдорида ўсиш билан ижобий баҳоланмоқда. Ҳозирга қадар республика табиий ресурслардан, асосан, энергия ва сувдан фойдаланишга таяниб келмоқда, бу уларнинг узоқ муддатли барқарорлигидан ташвиш туғдирмоқда. Келгуси йилларда газ экспортининг кўпайиши кутилмоқда, минераллар экспорти эса савдо шериклари томонидан талаб камайган тақдирда ҳам амалга ошиши мумкин.

Ниҳоят, иқлим ўзгариши сув, энергия ва қатор экологик муаммоларни кучайтириши мумкин. Жараёнлар шуни кўрсатадики, ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсиш ва янги иш ўринлари ташкил этиш масалалари қазиб олиш ва оғир саноатида бошқа тармоқларига нисбатан пасаяди. Бундай шароитда Ўзбекистоннинг ривожланиши йўналиши табиий ресурсларга асосланган иқтисодиётдан самарадорликка асосланган иқтисодиётга босқичма-босқич ўтиб бориши керак.

Ўзбекистоннинг жадал ўсиб бораётган меҳнат ресурслари ҳисобига янги иш ўринларини ташкил этиш билан боғлиқ яна бир ривожланиш муаммоси мавжуд. Бунинг учун, авваламбор, давлатда етакчилик ролига эга бўлган иқтисодиётдан хусусий секторга йўналтирилган бозорга иқтисодиётга ўтиш талаб этилади.

Давлат сектори меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кўплаб иш ўринларини ташкил эта олмайди, уларнинг ўсиши, прогнозга кўра, 2040 йилгача давом этади. Шу сабабли хусусий секторни ривожлантириш ва унга инвестиция киритиш жуда муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан, урбанизация иш ўринларининг яратилиши асосан шаҳарларда тўпланишига олиб келади, яъни қишлоқ жойлардан шаҳарларга кўчиб бориш жадаллашади, шунингдек, қишлоқ хўжалигида бандлик даражаси қисқариб боради ва яқин йилларда янги ташкил этилаётган иш ўринларининг катта қисми шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади.

Босқичма-босқич ўзгаришлар амалга оширилаётганига қарамай, Ўзбекистондаги бошқарув тузилиши асосан марказлаштирилган бўлиб, ҳисобдорлик ва ошкоралик асосий масалага айланган.

Сўнги йилларда ҳукумат шаффофликни ошириш бўйича аниқ чораларни кўриб бормоқда, жумладан Молия вазирлигининг веб-сайтида бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлардан фойдаланиш, тасдиқланган бюджет ва бюджет ижроси бўйича маълумотларни эълон қилиш ва янгиланиб бориш йўлга қўйилди. Шундай қилиб, 2014 йилдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонун, қабул қилинган ҳукумат қарорлари тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда нашр этилиши ва жамоатчиликка етказилишини таъминлашга қаратилган. Шунга қарамай, муҳим иқтисодий, молиявий ва ижтимоий маълумотларнинг чекланганлиги батафсил ижтимоий-иқтисодий таҳлиллар ва далилларга асосланган сиёсатни ўтказишни қийинлаштиради.

Шундан келиб чиқиб, 2017 йилда Ўзбекистонда кенг таркибий ислохотлар бошланди. Хусусан, улар чет эл валюталарининг айирбошлаш курсини бирхиллаштириш, валюта бозори ва виза режимини либераллаштириш, Марказий банкнинг мустақиллигини

ошириш, банк сектори барқарорлигини баҳолаб бориш, муҳим давлат корхоналарида молиявий соғломлаштириш дастурларини амалга ошириш, нархларни либераллаштириш ва 2018 йилнинг декабр ойидан ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини қайта тиклашни ўз ичига олди. 2018 йил январ ойидан бошлаб солиқлар сезиларли даражада пасайди, шунингдек, рақобат ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга қаратилган янги қонунчилик қоидалари ишлаб чиқилди.

Масъул ваколатли органлар ҳам ўзларининг мақсадларига содиқ қолмоқдалар, яъни 2030 йилга келиб даромад даражаси ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган мамлакат мақомига эришиш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, шунингдек янги иш ўринларини тезкор равишда ташкил этишни қўллаб-қувватлаш учун инфратузилмани ривожлантириш.

1.2. СРМСнинг мақсади, таркиби, фойдаланувчилари ва фойдаланиш усуллари

Мақсади ва таркиби

СРМСни иккита асосий мақсади мавжуд. Биринчидан, у Ўзбекистон Республикаси миллий статистика тизимининг жорий ҳолатини баҳолаб беради, иккинчидан эса, тегишли режаси ва бюджети билан мамлакат миллий статистика тизимини келгуси беш йилликда риволаниш стратегияси бўлиб хизмат қилади.

Баҳолаш бутун статистика тизимининг институционал ва ташкилий тузилмаси, статистик инфратузилмаси, статистик фаолият натижалари ва физик инфратузилманинг долзарблиги ва аҳамиятлилигини ўрганишга қаратилган.

Олинган натижалар асосида Ўзбекистон миллий статистикасининг ривожланиш ҳолати тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиб, тизимдаги мавжуд муаммолар ва камчиликларни аниқлаш мумкин.

Баҳолаш, шунингдек, статистика тизими фаолияти самарадорлигини қайд этиш, тизимнинг асосий кучли ва заиф томонларини, шунингдек, имкониятлари ва таҳдидларни намойиш этиш имкониятига эга бўлади (SWOT таҳлили асосида).

Баҳолаш асосида, стратегияни ишлаб чиқиш бўлими - статистика тизимининг стратегик мақсадлари ва устуворликлари белгилаб берилади, технологик ва инсон ресурсларини ривожлантириш, амалиётга бошқарувнинг энг яхши усуллари, шунингдек, халқаро статистика стандартлари ва илғор тажрибаларни қўллаш орқали институционал ва ташкилий тузилмани мустаҳкамлаш бўйича таклиф этиладиган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Ушбу чора-тадбирлар, умуман олганда, Ўзбекистон миллий статистика тизимининг, хусусан Давлат статистика қўмитаси фаолияти самарадорлигини ва обрўсини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон СРМСга эга бўлмаган саноқли давлатлардан бири бўлиб, бу кейинги ислохотлар учун тартибли тузилма ва йўл харитасининг мавжуд эмаслигини англатади. Таклиф этилаётган СРМС ҳукуматнинг статистика соҳасида режалаштирилган ислохотлар дастурининг асоси бўлиб, мамлакат Президенти томонидан соҳа олдига белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ёрдам беради.

Фойдаланувчилар ва СРМСдан фойдаланиш усуллари

Умуман олганда СРМС қуйидагиларда фойдаланиш учун мўлжалланган:

- Давлат статистика қўмитаси ва бошқа маълумотлар ишлаб чиқарувилар томонидан ўзларининг йиллик ва узоқ муддатли дастурларини мувофиқлаштирилган ҳолда белгилаш ва амалга оширишда;

- мамлакат ҳукумати учун миллий статистика тизимини тушуниш, унинг кучли ва заиф томонларини билиш, такомиллаштириш бўйича тадбирларни белгилаш, шунингдек, фаолият ва бошқарув самарадорлигини баҳолашга;
- халқаро ва бошқа ҳамкор ташкилотлар учун Давлат статистика қўмитаси ва бошқа маълумотлар ишлаб чиқарувилар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ишларни мувофиқлаштириб бориш учун.

СРМС қўидагиларни назарда тутати:

- Ўзбекистон Республикаси миллий статистика тизимини ҳар томонлама ўрганиш;
- Стратегик мақсадларни аниқлаш;
- Мақсадларга эришиш юзасидан аниқ тадбирларни белгилаш;
- Ҳукумат томонидан миллий статистика тизимини такомиллаштиришга инвестицияларни жалб этишни асослантириш;
- Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти учун тадбирларни белгилаш ва бюджетини аниқлашга зарур маълумотларни тайёрлаш.

1.3. Тегишли миллий стратегиялар ва уларнинг статистика билан алоқаси

Миллий ривожланиш стратегияси

2017 йилдан бошлаб ҳукумат нисбатан ёпиқ бўлган бошқарувдан очиқ бозор иқтисодиётига ўтиш масалаларида, шу жумладан барқарор ривожланиш секторида буюк мақсадларга йўналтирилган қатор таркибий ислохотларни амалга оширишни бошлади. 2017 йилнинг февраль ойида асосида мамлакатни бошқариш соҳасида, шунингдек иқтисодиётнинг барча муҳим соҳаларида кенг қамровли ва бозорга йўналтирилган ислохотларни амалга ошириш назарда тутилган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни (Стратегия) тасдиқлади.

Ушбу Стратегия кенг қамровли, динамик ва буюк мақсадларни ўз ичига олган миллий ислохотлар дастуридир ва мамлакатнинг барқарор ривожланишини жадаллаштиришнинг муҳим пойдевори ҳисобланиб, қуйидаги бешта устувор йўналишга эътибор қаратади:

I. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш:

- демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш;
- давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш;
- «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш;
- жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш.

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш:

- суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш;
- маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш;
- суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш;
- юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш.

III. Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш:

- йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш;
- миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш;
- иқтисодийда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш;
- ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш.

IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириш:

- аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш;
- ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш;
- арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш;
- таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш;
- ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.

V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсатни юритиш:

- хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик устуворликлари;
- мувозанатли, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни амалга оширишнинг устувор йўналишлари.

Стратегиянинг умумий муваффақияти кўп жиҳатдан давлат идораларининг индивидуал тармоқ стратегияларини амалга оширишга боғлиқ бўлади, бу ўз навбатида, Давлат статистика қўмитасининг масъулиятини янада оширади ва ундан стратегик режаларини амалга ошириш ва мониторингни юритиши учун бошқа давлат идоралари томонидан маълумотларни тақдим этиш масалаларида яқиндан ишлашни талаб қилади.

Давлат статистика қўмитаси олдида турган муаммоларнинг самарали ечимини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.07.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори қабул қилинган ва қўмита олдида қуйидаги вазифалар қўйилган:

- а. таҳлилий ишларни такомиллаштириш, маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича замонавий усуллар ва халқаро тажрибаларни жорий қилиш;
- б. давлат статистика органларининг ахборот тизимларини янада такомиллаштириш ва давлат интерактив хизматлари сифатини ошириш;
- с. тўпланадиган кўрсаткичлар таркиби ва қўлланиладиган ҳисоблаш усулларини янада такомиллаштириш, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши ҳисобини юритиш ҳамда статистикада акс эттириш бўйича ишларни жадаллаштириш;

- d. халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шу жумладан ахборотларни тарқатиш соҳасида;
- e. статистика идоралари кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш.

Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати яқинда миллий эҳтиёжлардан келиб чиқиб 16 та миллий мақсадларни ўз ичига олувчи барқарор ривожланиш мақсадларини (БРМ) тасдиқлади. Уларнинг ижросини таъминлаш учун эса Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди ва тадбирларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тайёрланди¹.

Умуман олганда, тадбирлар 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унинг ижроси бўйича ишлаб чиқиладиган йиллик Давлат дастурларига мос келади ҳамда мамлакатда БРМга эришишнинг ўзига хос йўли сифатида қаралади.

1.4. Ривожланиш бўйича халқаро ҳамкорларнинг сўнгги ва жорий фаолияти

Статистика соҳасида мамлакатда амалга оширилиб, яқинда якунланган ва ҳозирда давом этаётган тадбирларни аниқлаш, шунингдек такрорланишнинг олдини олиш учун ушбу ҳаракатларни СРМС билан мувофиқлаштиришни таъминлаш муҳимдир. Қуйида халқаро ҳамкорлар билан ҳозирги вақтда амалга оширилаётган ва яқин келажақда режалаштирилаётган тадбирлар келтириб ўтилган (1-жадвал).

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.10.2018 йилдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон қарори//www.lex.uz

1-жадвал

**Ривожланиш бўйича халқаро ҳамкорларнинг сўнги
ва жорий фаолияти**

№	Халқаро ташкилот	Фаолиятнинг асосий йўналишлари ва лойиҳалар
1.	Жаҳон банки	<ul style="list-style-type: none"> • СРМСни ишлаб чиқиш ва жорий этишда кўмаклашиш; • уй-хўжаликлари бюджети кузатувларини такомиллаштиришга кўмаклашиш; • Очиқ маълумотлар миллий порталини такомиллаштиришга кўмаклашиш.
2.	ХССТ	<ul style="list-style-type: none"> • ахборот ва электрон соғлиқни сақлаш соҳасида миллий стратегияни ишлаб чиқиш ва жорий этишда кўмаклашиш.
3.	ОТБ	<ul style="list-style-type: none"> • технологик инновациялар ва беш йўналиш бўйича салоҳиятни ошириш йўли билан статистик салоҳиятни яхшилашга техник кўмак кўрсатиш; • маъмурий ва кузатув маълумотлари асосида танланмани амалга ошириш жараёнларини рақамлаштириш бўйича дастурий таъминотни ишлаб чиқишга кўмаклашиш; • статистик инфратузилмани такомиллаштириш ва миллий ҳисобларни шакллантириш жараёнлари сифатини оширишга кўмаклашиш; • замонавий стандартлар, усуллар ва маълумот тарқатиш тартибларини қўллаш ёрдамида меҳнат статистикаси сифатини оширишда кўмаклашиш; • статистика соҳасида технологик инновациялар бўйича кўникмаларни оширишга кўмаклашиш.
4.	ХВЖ	<ul style="list-style-type: none"> • к-МТУТга уланишда кўмаклашиш; • к-МТУТдан МТМСга ўтишда кўмаклашиш; • Миллий ҳисобларни такомиллаштиришда кўмаклашиш; • Давлат молияси статистикасини (ДМС) такомиллаштиришда кўмаклашиш;

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
статистикани ривожлантириш миллий стратегияси

№	Халқаро ташкилот	Фаолиятнинг асосий йўналишлари ва лойиҳалар
		<ul style="list-style-type: none"> • ташқи сектор статистикасини (ТСС) такомиллаштиришда кўмаклашиш; • пул-кредит ва молия статистикасини (ПКМС) такомиллаштиришда кўмаклашиш; • молиявий барқарорлик индикаторларини яхшилашда кўмаклашиш.
5.	ЮНФПА	<ul style="list-style-type: none"> • 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнларига техник кўмаклашиш.
6.	БМТТД	<ul style="list-style-type: none"> • БРМ веб-сайтини ривожлантириш бўйича молиявий ва техник кўмак кўрсатиш; • БРМ бўйича индикаторлар мониторингини олиб бориш юзасидан техник кўмак кўрсатиш; • қамбағаллик ва тенгсизлик бўйича статистикани шакллантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш; • ҳудудий статистикани ривожлантиришга кўмаклашиш; • сув ва унинг ишлатилишига оид статистикани яхшилашга кўмаклашиш; • уй-хўжаликлари кузатувларини такомиллаштиришга кўмаклашиш.
7.	ЮНЕСКО	<ul style="list-style-type: none"> • Таълимни бошқаришнинг очиқ ахборот тизими (ТБОАТ) шакллантириш ва ишга туширишда кўмаклашиш; • Таълим статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқишда кўмаклашиш; • Мактабгача таълим ва умумий таълимда таълимни бошқаришнинг очиқ ахборот тизимини (ТБОАТ) йўлга қўйиш.
8.	ЮНИСЕФ	<ul style="list-style-type: none"> • Ўзбекистон Республикасида 2020-2021 йилларда мультииндикатор кластер кузатувларини (МИКК) ўтказишда ҳамкорлик.

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
статистикани ривожлантириш миллий стратегияси

№	Халқаро ташкилот	Фаолиятнинг асосий йўналишлари ва лойиҳалар
9.	БМТ ГМЖБ	<ul style="list-style-type: none"> • тегишлилиги бўйича БРМ кўрсаткичларини миллийлаштириш, мониторингини олиб бориш ва ҳисобот беришни йўлга қўйишда кўмаклашиш; • статистик мақсадларда жиноятларнинг халқаро таснифини тарғиб қилиш ва жорий этиш; • гиёҳванд моддалар, жиноятчилик ва одам савдоси бўйича мамлакатнинг халқаро ҳисобот мажбуриятларини бажаришда кўмаклашиш; • Ўзбекистонда гиёҳвандликнинг тарқалиши ва янги тенденциялари бўйича миллий тадқиқотларни ўтказишда кўмаклашиш; • коррупцияга қарши курашиш ва виктимизация бўйича кузатувларни ўтказишда услубий ёрдам кўрсатиш.
10.	МДХ Статистика қўмитаси	<ul style="list-style-type: none"> • методологияларни такомиллаштиришда кўмаклашиш; • статистиканинг муҳим йўналишлари бўйича ходимларни ўқитиш; • 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнларига кўмаклашиш; • Ўзбекистон Республикасини глобал таққослашлар дастури 2020 йил раундида иштирок этишига кўмаклашиш.
11.	БМТ ЕИК	<ul style="list-style-type: none"> • амалиётда халқаро тавсиялар ва илғор тажрибаларни тадбиқ этиш юзасидан ўтказилган ҳамкорликдаги шарҳлар тавсияларини жорий этишда кўмаклашиш (2019 йил февраль); • халқаро семинарларда статистика идоралари ходимларини иштирок этишини ташкил этиш орқали уларнинг салоҳиятини оширишга кўмаклашиш.
12.	ФАО	<ul style="list-style-type: none"> • ФАОга тегишлилиги бўйича БРМ индикаторларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш.

2. ЎЗБЕКИСТОН СТАТИСТИКА ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ

2.1. Баҳолаш жараёни

СРМС Давлат статистика қўмитаси ва бошқа маълумотларни ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, асосий манфаатдор томонлар билан яқин маслаҳатлашувлар ва ҳамкорлик йўли тайёрланган. Маслаҳатлар тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари билан учрашувлар ва суҳбатлар чоғида ўтказилган.

Баҳолаш мавжуд ҳужжатларни, тизимда аввалги ўтказилган баҳолашлар ва шарҳларни ўрганиш билан бошланди, шундан сўнг асосий манфаатдор томонларнинг тегишли вакиллари билан маслаҳатлашувлар ўтказилди.

Маслаҳатлашув жараёни учрашувлар ва суҳбатларга, шунингдек, БМТ ЕИК томонидан ишлаб чиқилган ва кенг қўлланиладиган глобал баҳолаш сўровномаси ҳамда тармоқ вазирликлари ва идоралари учун СРМС бўйича сўровномадан фойдаланган ҳолда ўтказилган ўрганишларга асосланади.

СРМСни баҳолаш ва тайёрлаш жараёни Париж21нинг илғор тажрибаси ва қўлланмаларига мувофиқ амалга оширилди ҳамда асосий эътибор Ўзбекистон статистика тизимининг қуйидаги жиҳатларига қаратилди:

- ташкилий-ҳуқуқий инфратузилма;
- статистика соҳасидаги инфратузилма;
- маълумотлардан фойдаланувчилар ва маълумотларни етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатлар;
- ахборот соҳасидаги инфратузилма;

- алоҳида тематик дастурлар ёки статистик кўрсаткичлар.

СРМСнинг дастлабки лойиҳаси Давлат статистика қўмитасига ва асосий манфаатдор томонларга юборилди ва 2019 йил 14 ноябрда СРМС лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар ўтказилди.

СРМС лойиҳаси иштирокчиларнинг тавсиялари ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилди ва 2019 йил 11 декабрда кенг доирадаги СРМСни тақдимотига бағишланган семинар ташкил этилди. Ҳукумат томонидан тасдиқланган/маъқуллангандан сўнг, у нашр этилади ва кенг жамоатчиликка тарқатилади.

2.2. Мақсад ва миссия ҳақида баёнот

Давлат статистика қўмитасининг мақсади Ўзбекистоннинг равнақи учун мамлакат аҳолиси ва иқтисодиёти тўғрисида юқори сифатли маълумотларнинг самарали ва барқарор манбаси бўлишдан иборат.

Миссия ҳақида баёнот: Давлат статистика қўмитаси замонавий, очиқ ва таққосланадиган расмий статистикани халқаро миқёсда тан олинган стандартларга мувофиқ ишлаб чиқади ва тарқатади, асосланган қарорлар қабул қилинишига хизмат қилади ва барча эҳтиёжларни энг самарали ва амалий қондириш учун бошқа маълумотларни ишлаб чиқарувчилар, ҳукумат, бизнес, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда ҳаракат қилади.

Давлат статистика қўмитаси статистик маълумотларни холис, ошкора ва мустақил равишда тўплайди ҳамда уларни кенг жамоатчилик, ҳукумат, бизнес ва илмий ҳамжамиятга етказиш учун холис равишда тарқатади. Ушбу маълумотлар аниқ далиллар асосида қарор қабул қилиш учун жуда муҳимдир.

2.3. Қадриятлар тизими ва тамойиллар

Давлат статистика қўмитаси ва маълумотларни ишлаб чиқарадиган бошқа идораларнинг қадриятлар тизими **фойдаланувчиларга йўналтирилганлик, профессионаллик, ҳалоллик, юқори сифат, шаффофлик, ҳолислик, ишончлилик, очиқлик, барча манфаатдор шериклар билан яқиндан ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш принципларига** асосланган. Расмий статистиканинг Асосий тамойиллари асосида, ушбу қадриятлар тизими ҳаётга татбиқ этилади²:

1-тамойил. Расмий статистика ҳукуматга, иқтисодиётга ва жамоатчиликка ижтимоий, иқтисодий, демографик ва экологик вазият тўғрисида маълумот берадиган, демократик жамият ахборот тизимининг ажралмас қисмидир. Шу мақсадда, амалий фойдалилик мезонига жавоб берадиган расмий статистика маълумотлари расмий статистика органлари томонидан фуқароларнинг оммавий ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қилган ҳолда тузилиши ва холисона тақдим этилиши керак.

2-тамойил. Расмий статистикага бўлган ишончни сақлаш учун статистика органлари профессионал нуқтаи назардан, шу жумладан илмий тамойиллар ва касбий ахлоқ қоидалари асосида статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш усуллари ва тартиблари тўғрисида аниқ қарорлар қабул қилишлари керак.

3-тамойил. Маълумотларнинг тўғри талқин қилинишини таъминлаш учун статистика органлари статистик маълумотларни тўплаш манбалари, усуллари ва тартиблари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган стандартларга мувофиқ тақдим этишлари керак.

² БМТнинг Бош Асамблеяси резолюцияси, 29.01.2014 йил, № 68/261 – Расмий статистиканинг асосий принциплари// <https://unstats.un.org/unsd/dnss/gp/FP-New-E.pdf>

4-тамойил. Статистика органлари статистика маълумотларининг нотўғри талқин қилиниши ва фойдаланилишини олдини олиш учун зарур изоҳ ва тушунтиришлар бериш ҳуқуқига эга.

5-тамойил. Статистик мақсадлар учун маълумотлар ҳар қандай манбалардан, хоҳ статистик тадқиқотлар хоҳ маъмурий ҳужжатлардан олиниши мумкин. Статистика органлари маълумот манбаси, сифати, қабул қилиш вақти, харажатлар ва респондентларга юкласи бўйича мустақил танлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

6-тамойил. Статистикани тўплаш учун статистика органлари томонидан тўпланган шахсий маълумотлар, уларнинг жисмоний ёки юридик шахсларга тегишли бўлишидан қатъи назар, қатъий махфий сақланиши ва фақатгина статистик мақсадларда фойдаланилиши лозим.

7-тамойил. Статистика идоралари соҳага оид Қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, идоравий низомлар ва чора-тадбирларни ошкор қилишлари керак.

8-тамойил. Миллий даражадаги статистика органлари ўртасида мувофиқлаштириш статистика тизимининг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

9-тамойил. Ҳар бир мамлакатда статистика органлари томонидан халқаро концепциялар, таснифлар ва усуллардан фойдаланиш барча даражадаги расмий статистика тизимларининг фаолияти уйғунлиги ва самарадорлигига ёрдам беради.

10-тамойил. Статистика соҳасидаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлик барча мамлакатларда расмий статистика тизимларини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшади.

2.4. Институционал-ҳуқуқий асослар

Статистика тизимининг ташкилий тузилмаси

Ўзбекистонда статистика тизими марказлаштирилган ҳисобланади, аммо амалда бошқа вазирликлар (Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз ваколатларига тегишли соҳаларда маълумотларни йиғадилар ва тарқатадилар. Шу муносабат билан Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги ва Марказий банк расмий статистиканинг асосий ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади. Бошқа тармоқ вазирликлари ва давлат идоралари ўзларининг ваколат доираларига кирадиган турли мавзулар бўйича маълумотларни тақдим этадилар (2-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси мустақил давлат органи бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилда қабул қилинган "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонунига (кейинги ўзгартишлар билан) мувофиқ иш юритади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг соҳага доир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Давлат статистика қўмитаси нафақат Ўзбекистон Республикаси давлат статистикасининг ваколатли органи, балки миллий статистика тизимини мувофиқлаштирувчи органи ҳамдир ("Давлат статистикаси тўғрисида" ги қонуннинг 5-моддаси). Давлат статистика қўмитаси бир қатор статистик маълумотларни тайёрлаш ва бутун тизимни стратегик ташкил этиш, бошқариш ва умуман узоқ муддатли режалаштириш; амалий стандартлар ва услубий мезонларни белгилаш, халқаро муносабатларни амалга ошириш, шу жумладан БМТ тузилмалари ва бошқа ташкилотлар доирасидаги ҳисобот мажбуриятлари учун жавобгардир.

Статистик фаолият ҳар йили тасдиқланадиган давлат статистика ишлари Дастурига мувофиқ амалга оширилади. Ушбу дастур Давлат статистика қўмитаси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилади. Тасдиқланган дастур Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Дастур шакллантирилиши зарур бўлган статистик кўрсаткичларни аниқлайди, Давлат статистика қўмитаси уларни шакллантириш механизми учун жавоб беради ва фойдаланилган усуллар, стандартлар ва кузатувларни мувофиқлаштиради. Усулларнинг шаффофлигини ошириш ва асосий фойдаланувчилар, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва илмий ходимларнинг иштирокини кўпайтириш орқали расмий статистикага ишончни ошириш бўйича сезиларли ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Миллий статистика тизимидаги мувофиқлаштирувчи роли - устуворликларни мувофиқлаштириш ва ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш учун асосий маълумотларни ишлаб чиқарувчилар ва маълумотлардан фойдаланувчиларни ўз ичига олган Давлат статистика қўмитасининг Статистика кенгаши томонидан қўллаб-қувватланади.

Давлат статистика органлари бошқа давлат органлари ва юридик шахслар билан биргаликда Давлат статистика ишлари дастурини амалга оширишда бир-бирларига ёрдам кўрсатишлари шарт бўлган статистик ишларни амалга оширадилар («Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддаси).

Қоидага кўра, маълумотлар туман (шаҳар) ва вилоят бўлинмаларида тўпланади, қисман қайта ишланади, сўнгра якуний ишлов бериш, таҳлил қилиш ва тарқатиш учун марказий аппаратга юборилади. Худудий статистика органлари ҳам ҳудуд бўйича статистик материалларни тайёрлашлари мумкин.

Сўнги йилларда статистик маълумотларни тўплаш жараёнларини модернизация қилиш ва халқаро стандартларни жорий этиш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Халқаро стандартларнинг сўнги версиялари ва айрим соҳалардаги илғор тажрибаларга тўлиқ мос келишини таъминлаш учун тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда, кўп ҳолларда бу ишлар аллақачон бошланган ва яқин йилларда якунлаш режалаштирилган.

Давлат статистика қўмитаси фаолияти очиқликни таъминлаш ва халқаро статистика ҳамжамияти билан ўзаро муносабатларни кенгайтириш юзасидан амалий чоралар кўриб борилмоқда.

Шу билан бирга, амалдаги қонун ҳужжатларида "расмий статистика таъминотчилари" ва "расмий статистика ишлаб чиқарувчилари" тушунчалари аниқланмаган. Давлат статистика қўмитасидан ташқари бошқа статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчилар таркибида статистикага ихтисослашган бўлинмаларнинг зарурлиги қонунчилик билан мустаҳамланмаган.

Бошқа статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчилар

Миллий статистика тизимида Давлат статистика қўмитасидан ташқари бошқа маълумотлар ишлаб чиқарувчилар ҳам мавжуд бўлиб, улар ташқи савдо, тўлов баланси, давлат молияси, пул статистикаси, банк статистикаси, солиқ статистикаси ва меҳнат статистикаси каби кенг тарқалган статистик кўрсаткичларни тайёрлайдилар.

Ушбу статистик маълумотлар статистик инфратузилманинг таркибий қисми бўлиб, аҳолини рўйхатга олиш, кузатувлар, маъмурий ва бошқа маълумотларни тўплаш жараёни воситалари асосида ишлаб чиқилади.

**Статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчи бошқа вазирлик
ва идоралар рўйхати**

Вазирлик ва идоралар номи	Ишлаб сиқариладиган статистик маълумотлар тури	Таркибидаги статистика бўлими номи
Молия вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> • давлат молияси статистикаси. 	Давлат молияси статистикаси бўлими
Марказий банк	<ul style="list-style-type: none"> • пул-кредит статистикаси; • банк тизими статистикаси; • нобанк тизими статистикаси; • молиявий барқарорлик кўрсаткичлари; • тўлов тизимлари соҳасидаги статистика; • халқаро захиралар статистикаси; • тўлов баланси, халқаро инвестиция позицияси ва ташқи қарз масалалари бўйича статистика; • тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш. 	Статистика ва тадқиқотлар департаменти
Давлат солиқ қўмитаси	<ul style="list-style-type: none"> • солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича статистика. 	Статистика ва таҳлил бўлими
Давлат божхона қўмитаси	<ul style="list-style-type: none"> • ташқи савдо статистикаси; • махсус божхона статистикаси; • халқаро юк ташувлари статистикаси. 	Ташқи савдо операциялари ва божхона статистикаси мониторинги бошқармаси
Сув хўжалиги вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> • сув ресурсларидан фойдаланиш статистикаси. 	-
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> • қишлоқ хўжалиги ишларининг бажарилиши тўғрисида тезкор маълумотлар (ер ҳайдаш ишлари, экишга тайёргарлик, қишлоқ хўжалик экинларини экиш, қишлоқ хўжалик ишларининг бориши, ҳосилни йиғиб-териб олиш, тупроқ шўрини ювиш ва ҳ.к.); 	-

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
статистикани ривожлантириш миллий стратегияси

Вазирлик ва идоралар номи	Ишлаб сиқариладиган статистик маълумотлар тури	Таркибидаги статистика бўлими номи
	<ul style="list-style-type: none"> • Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги илмий-тадқиқот институтларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадқиқотлари ва ишланмалари тўғрисидаги маълумотлар; • Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибидаги олий таълим муассасаларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги таълим тўғрисидаги маълумотлари. 	
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> • меҳнат ресурслари статистикаси баланси; • ишчи кучини тадқиқ этиш; • бўш иш ўринлари тўғрисидаги статистика; • чет элга ишлаш учун кетаётган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида миграция статистикаси; • имконияти чекланган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича статистика. 	Алоҳида бўлинма мавжуд эмас
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> • Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими тиббий муассасалари маълумотлари асосида аҳоли саломатлиги статистикаси; • Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими тиббий муассасалари фаолияти тўғрисида маълумотлар; • соғлиқни сақлаш харажатлари статистикаси; • Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ишлайдиган персонал тўғрисида бирламчи статистик маълумотлар; • аҳолининг заиф гуруҳлари ижтимоий таъминоти тўғрисидаги статистик маълумотлар. 	Соғлиқни сақлаш ҳисоблари ва статистикаси бўлими

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
статистикани ривожлантириш миллий стратегияси

Вазирлик ва идоралар номи	Ишлаб сиқариладиган статистик маълумотлар тури	Таркибидаги статистика бўлими номи
Транспорт вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> • транспорт соҳасида статистика; • транспорт инфратузилмаси бўйича статистика; • хорижий давлатлар билан ташувларни амалга ошириш учун рухсатнома бланklarининг алмашинуви статистикаси. 	-
Маданият вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> • маданият ва санъат соҳасидаги муассаса ва ташкилотларнинг фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар. 	-
Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> • таълим тизимидаги таълим муассасалари ва мактаб муассасалари сони тўғрисидаги статистик маълумотлар. 	-
Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси	<ul style="list-style-type: none"> • ўқитиш натижаларини баҳолаш тўғрисидаги статистик маълумотлар; • хусусий таълим ташкилотлари сони тўғрисидаги маълумотлар; • аккредитация қилинган таълим ташкилотлари тўғрисидаги статистик маълумотлар. 	-
Монополияга қарши кураш қўмитаси	<ul style="list-style-type: none"> • товар-хом ашё ва молия бозорларида устун мавқени (монополияни) эгаллаб турган корхоналар статистикаси; • табиий монополия субъектларини рўйхатга олиш; • қўшиб олиш ва бирлашишлар бўйича статистика. 	Товар, молия ва рақамли бозорларни таҳлил қилиш бошқармаси
Давлат активларини бошқариш агентлиги	<ul style="list-style-type: none"> • мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, давлат мулки билан лизинг операциялари статистикаси. 	Алоҳида бўлинма мавжуд эмас
Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> • спорт-таълим муассасалари фаолияти ва спортни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги статистика. 	-

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
статистикани ривожлантириш миллий стратегияси

Вазирлик ва идоралар номи	Ишлаб сиқариладиган статистик маълумотлар тури	Таркибидаги статистика бўлими номи
Ички ишлар вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> йўл-транспорт ҳодисалари статистикаси. 	-
Бош прокуратура	<ul style="list-style-type: none"> жиноятчилик бўйича статистика. 	Жиноят ҳуқуқи статистикаси бошқармаси
Адлия вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> муассаса ва ташкилотлар реестри. 	-
Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси	<ul style="list-style-type: none"> ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш соҳаси статистикаси; Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси қошидаги илмий-тадқиқот институтлари ишланмалари ҳамда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги тадқиқотлар маълумотлари. 	-
Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси	<ul style="list-style-type: none"> ер ресурсларидан фойдаланиш статистикаси; уй-жой қурилиши соҳаси статистикаси. 	-

Миллий статистик режалаштириш

Статистикани ривожлантириш стратегияси Вазирлар Маҳкамаси ва/ёки Президент Администрацияси томонидан ишлаб чиқилади. Хусусан, сўнгги ўрта муддатли стратегия Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 31 июлдаги 3165-сон қарори билан тасдиқланган. Стратегия статистик ишларнинг кўп йиллик ва йиллик дастурларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу статистика фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ва статистик маълумотларнинг сифатини ошириш ва уни тарқатишга қаратилган.

Статистик ишлар кўп йиллик (беш йиллик) дастурга ва давлат статистика ишларининг йиллик дастурларига мувофиқ амалга оширилади. Кўп йиллик дастур Давлат статистика қўмитаси томонидан статистика маълумотларидан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш асосида давлат статистикаси соҳасидаги ваколатли орган сифатида ишлаб чиқилади ва давлат статистикасининг мақсадлари, йўналишлари ва ҳажмларини белгилайди.

Ушбу ҳужжат мамлакатда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида статистик маълумотларни тайёрлаш бўйича мақсадли вазифаларни ва статистик ишларни молиялаштириш ҳажмини ўз ичига олган ҳужжатдир. Кўп йиллик дастур Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Амалдаги кўп йиллик дастур 2017-2021 йилларга мўлжалланган.

Давлат статистика ишларининг кўп йиллик дастурини амалга ошириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси барча тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда, уларни бажариш муддатлари, даврийлиги ва давлат статистика кузатувлари шаклларини белгилаб, давлат статистика ишларининг йиллик дастурини ишлаб чиқади. Тасдиқланган дастур Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади. У яратилиши керак бўлган статистик кўрсаткичларни аниқлайди ва Давлат статистика қўмитаси уларни шакллантириш механизми, фойдаланиладиган усуллар, стандартлар ва кузатувларни мувофиқлаштириш учун жавобгардир.

Давлат статистика ишларининг йиллик дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Дастурларни тасдиқлашдан олдин уларнинг лойиҳалари ҳукумат порталида муҳокама қилиш учун жойлаштирилади ва фойдаланувчилар билан мувофиқлаштириш жараёнидан ўтади. Шаклларнинг равшанлигини ва уларни тўлдиришнинг қулайлигини оширишга қаратилган доимий такомиллаштириш жараёни амалга оширилади.

Йиллик дастур учта асосий бўлимдан иборат:

- ижтимоий-иқтисодий соҳанинг ҳолати ва ривожланишини тавсифлайдиган статистик кўрсаткичларни тайёрлаш;

- меъёрий-услубий базани (статистик воситаларни ривожлантириш), АКТ инфратузилмасини такомиллаштириш (ахборот технологияларидан фойдаланиш ва ўқитиш), давлат статистика органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиш;

- расмий статистик нашрлар, шунингдек, очиқ статистик маълумотлар билан ички ва халқаро ахборот алмашинуви.

Афсуски, расмий статистикани асосий тузувчиларининг йиллик ва кўп йиллик дастурларини умумлаштириш тартиби мавжуд эмас. Давлат статистика қўмитасига ваколатли статистика органи сифатида, қонун ҳужжатларига мувофиқ, маълумотлар ишлаб чиқарувчиларнинг статистика соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш вазифаси юклатиб қўйилганига қарамай, меъёрий-ҳуқуқий база ва мувофиқлаштириш механизмларини белгилаб берадиган тартибот ҳужжатларининг йўқлиги сабабли ушбу функцияни самарали ишламайди.

Йиллик дастурлар Давлат статистика қўмитасининг статистик фаолиятини ва қисман бошқа статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчиларнинг статистика соҳасидаги фаолиятини ўз ичига олади. Йиллик ва кўп йиллик дастурлар доирасидаги тадбирлар одатда давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади, аммо бюджетдан ташқари маблағлар ва халқаро ташкилотларнинг маблағларини ҳам ўз ичига олиши мумкин. Статистик бўлмаган маълумотларни йиғиш дастурларга киритилмайди. Янги вазифалар камдан-кам ҳолларда молиялаштириш билан таъминланади.

Давлат статистика қўмитаси мунтазам равишда мамлакатнинг йиллик ва кўп йиллик дастурлари ижросини кузатиб боради ҳамда чораклик ва йиллик асосда Вазирлар Маҳкамасига уларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Меъёрий-ҳуқуқий инфратузилма

Маълумки, 2002 йилги «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонун (кейинги ўзгартишлар билан) миллий статистика тизимининг статистика соҳасидаги фаолият ва муносабатларини тартибга солишда давлат статистикасининг ҳуқуқий асосидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан статистика фаолиятини тартибга солиш ва айрим ҳолатларда давлат статистикасини такомиллаштириш тўғрисида қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинган.

«Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунда давлат статистикасининг асосий тамойиллари белгилаб берилган. Хусусан, статистика фаолияти касбий мустақиллик, ишончлилик, холислик, беғаразлик, ошкоралик, долзарблик, қиёсийлик ва барқарорлик тамойилларига (4-модда) мувофиқ амалга оширилиши керак, 5-моддага кўра давлат статистикаси органларининг фаолиятига давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аралашшига йўл қўйилмайди.

Давлат статистика органлари маълумотлар манбаларини, статистика усуллари, таркиби, шакли, вақтини аниқлаш ва статистик маълумотларни тарқатишда мустақилдирлар.

Статистик маълумотларнинг махфийлиги қонун билан кафолатланади ва давлат статистика органлари бирламчи статистик маълумотларнинг махфийлигини, юридик шахсларнинг давлат сирлари ва тижорат сирларига риоя қилинишини, жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг анонимлигини таъминлаши шарт (7 ва 14-моддалар).

Умуман олганда, ҳуқуқий-қонунчилик базаси халқаро тавсияларга, БМТ ЕИК томонидан ЕЭСУ ва Евростат билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган расмий статистика тўғрисидаги намунавий қонунига (РСТНҚ) мувофиқдир. Ўзбекистон ҳукумати амалдаги қонунчилик самарали статистика тизими учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунади ва қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш учун "Расмий статистика тўғрисида" янги Қонунни ишлаб чиқиш зарур.

Статистика фаолиятини мувофиқлаштириш, амал қилинадиган механизмлар ва бошқарув

Миллий статистика тизимини мувофиқлаштириб бориш маълумотлар ишлаб чиқаришда иштирок этадиган барча идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, давлат статистикаси соҳасидаги ишларни мувофиқлаштиришга эришиш ва статистика ишларида такрорийликнинг олдини олиш учун муҳимдир.

Қонунга мувофиқ, давлат статистикасини ривожлантириш, фаолият кўрсатиши ва мувофиқлаштирилиши бўйича, шунингдек, фойдаланувчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда статистик методология ва статистик маълумотларни такомиллаштириш бўйича коллегиял маслаҳат органи ҳисобланган Статистика кенгашини шакллантириш орқали Давлат статистика қўмитасининг тизимдаги мувофиқлаштирувчи роли кучайтирилади (8-модда). У давлат статистикаси бўйича ваколатли орган ҳузурида ишлайди ва унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Давлат ва иқтисодий бошқарув органлари, илмий ҳамжамият, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Статистика кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин. Кенгаш мунтазам равишда мажлислар ўтказиб туради.

Шу билан бирга, таҳлиллар Статистика Кенгашининг етарли даражада ишламаётганлиги ва сўнгги йилларда маълумотлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида статистика тизимини мувофиқлаштирмаётганлигини кўрсатди. Маълумотларни ишлаб чиқарувчиларнинг салоҳиятини кучайтириш ва давлат статистикасида изчилликни таъминлаш каби йўналишларда Статистика Кенгашининг ролини кучайтириш орқали бу муаммоларни ҳал қилиш Ҳукуматнинг бугунги кундаги зудлик билан чоралар кўриши зарур бўлган долзарб масаладир.

Маълумотлар ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро алоқалар

Давлат статистика қўмитаси давлат статистикаси соҳасидаги ягона сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади, уни ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлайди.

«Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонун ва йиллик давлат статистика ишлари дастурлари маълумотларни йиғиш учун асос бўлиб, вазирликлар ва бошқа давлат органларидан зарурат бўлганда маъмурий маълумотларни тақдим этишни талаб қилади. Кўплаб маълумотлар етказиб берувчилар билан расмий шартномалар ва ўзаро англашув меморандумлари имзоланади. Миллий ва ҳудудий статистика органлари статистикани ҳеч қандай чекловларсиз алмашишлари мумкин. Шунингдек, амалда бошқа маълумотлар ишлаб чиқарувчиларнинг маъмурий маълумотларига киришда жиддий муаммолар мавжуд эмас, бироқ баъзи ҳолларда бу маълумотлар фақат қоғоз шаклида мавжуд. Давлат идораларида барча маълумотларни электрон форматга ўтказиш ва идоралараро маълумот алмашиш учун ягона маълумотлар базасини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат статистика қўмитаси мунтазам равишда статистик мақсадлар учун зарур бўлган маъмурий маълумотларнинг турларини йиллик давлат статистика ишлари дастурларини ва статистик шаклларни ишлаб чиқиш жараёнида баҳолайди. Бундай дастур ва шаклларни ишлаб чиқиш миллий миқёсдаги кузатувларнинг такрорланишига йўл қўймайди.

Шу билан бирга, Дастурда давлат статистика органларининг статистик фаолиятининг барча йўналишлари ҳам белгилаб берилмаган ва бошқа маълумот ишлаб чиқарувчилар зарур ҳолларда статистика соҳасидаги ўз фаолиятини ва статистик шаклларини Давлат статистика қўмитаси билан мувофиқлаштиришлари мумкин (жумладан, маъмурий мақсадлар учун маълумотларни йиғиш учун янги кузатув сўровномалари ва хоказо).

Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган таснифлагичлар, хусусан ИФУТ (NACE Rev.2-га асосланган) барча ташкилотлар фойдаланиши учун мажбурий саналади. Бироқ, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланмаган Давлат статистика қўмитасининг бошқа таснифлагичлари амалдаги тартиботларга мувофиқ мажбурий эмас, яъни янги статистик таснифлагичларни ишлаб чиқиш бошқа органлар билан мувофиқлаштиришни талаб қилади.

Давлат статистика ишларининг йиллик дастурига киритилган расмий статистик маълумотларнинг қарийб 60-70 фоизини ва к-МТУТ маълумотларининг 47,4 фоизини шакллантириш Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади. Қолган қисми бошқа статистик маълумот ишлаб чиқарувчилар (Марказий банк, Молия вазирлиги ва хоказо) ҳиссасига тўғри келади.

2.5. Ташкилий инфратузилма

Давлат статистика қўмитасининг ташкилий тузилмаси

Давлат статистика қўмитасини Раис бошқаради, унинг тўртта ўринбосари бор: Раиснинг биринчи ўринбосари, Раиснинг иқтисодий статистика бўйича ўринбосари, Раиснинг ижтимоий статистика бўйича ўринбосари ва Раиснинг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича ўринбосари.

Давлат статистика қўмитасининг раиси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси ҳисобланиб, Бош вазир тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланмаган муддатга тайинланади ва мақомига кўра вазирга тенгаштирилади.

Давлат статистика қўмитасининг ташкилий структурасига Марказий аппарат (26 бирлик), 14 та ҳудудий бошқарма (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ва 201 та туман ва шаҳар статистика бўлимлари киради. Марказий аппаратнинг штатдаги ходимлар сони 323 тани ташкил этади (1-илова).

Худудий бошқармалар, туман ва шаҳар статистика бўлимлари ходимларининг умумий сони 2106,5 штат бирлигидан иборат. Давлат статистика қўмитасининг ташкилий структурасида Тошкент шаҳрида жойлашган Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳам фаолият кўрсатди, унинг штатлар бирлиги 44 тадан иборат.

Марказий аппарат, асосан, давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш; давлат статистикаси соҳасида статистика ишларини мувофиқлаштириш ва функционал жиҳатдан тартибга солиш; халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона статистик методология ва давлат статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш; тизимда маълумотларни жорий қилиш ва сифатини бошқариш; маълумотлар ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчилар билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш; ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга оид статистик маълумотларни тайёрлаш ва тарқатиш учун жавобгардир.

Худудий бошқармалар маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш; тегишли худуд бўйича статистик маҳсулотларни ишлаб чиқариш; бўлинмаларининг иш услублари ва шаклларини янада такомиллаштириш; фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида жавоб бериш; ходимларнинг вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун жавобгарлигини ошириш; тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида танланма статистик кузатувлар ва сўровларни ўтказиш; юридик шахслар бўйича Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш; худудларни ривожлантириш дастурларининг бажарилиши тўғрисида ўз вақтида ва ишончли статистик маълумотларни тайёрланишини таъминлаш; шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тавсифловчи статистик маълумотларни тарқатишни амалга оширади.

Қоидага кўра, маълумотлар туман ва вилоят бўлинмаларида тўплангани ва қисман қайта ишланади, сўнгра якуний ишлов бериш, таҳлил қилиш ва тарқатиш учун Марказий аппаратга юборилади.

Давлат статистика қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, туман ва шаҳар бўлимлари ҳудудий ривожланиш дастурларини тизимли таҳлил қилиш, шу жумладан ҳудудий дастурларнинг бажарилиши ва амалга оширилиш ҳолати тўғрисида ишончли статистикани тайёрлаш масалалари бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Ҳудудий бошқармаларнинг раҳбарлари, маҳаллий ҳокимият органлари тақдимномасига кўра Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

2017 йилда Давлат статистика қўмитаси Марказий аппарати тармоқ бошқармаларнинг статистик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тарқатишдаги ролини оширган ҳолда АКТ ечимлари ва дастурий таъминотни ишлаб чиқишга масъул бўлган иккита янги бошқармани (*АКТни ривожлантириш ва интерактив давлат хизматлари бошқармаси ва Ахборот хавфсизлиги бошқармаси*) ташкил қилди.

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти Давлат статистика қўмитасининг мустақил таркибий бўлинмаси бўлиб, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек статистик методология ва амалиётнинг долзарб муаммолари бўйича статистик тадқиқотларни ўтказиш учун жавобгардир.

Сўнги беш йил давомида Давлат статистика қўмитасининг ташкилий ва кадрлар структурасини самарали шакллантиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди, бу унинг таҳлилий салоҳиятини кучайтирди ва статистика фаолиятини самарали ташкил этиш учун мавжуд ресурсларни жалб қилиш, статистик маълумотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини оширишга имкон берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ Давлат статистика қўмитасининг структураси тубдан қайта кўриб чиқилди, тармоқ бошқармалар таркибида таҳлил билан шуғулланувчи янги бўлимлар ҳамда Халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашиш бошқармаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги "Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4273-сон қарорига мувофиқ Очиқ маълумотлар порталининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ва бу борада давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича янги бошқарма (*Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси*) ташкил этилди.

Шунингдек, Давлат статистика қўмитаси фаолиятида Статистик маълумотларни ишлаб чиқаришнинг намунавий модели (СМИЧНМ) структурасини жорий қилиш режалаштирилган бўлиб, бу яқин беш йилликда унинг ташкилий структурасида қатор ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Кадрлар ресурслари

Статистика органлари тизимида 2473,5 штат бирлиги мавжуд. Тошкент шаҳрида жойлашган қўмита Марказий аппарати штати 323 та, ҳудудий статистика органлари (14 та ҳудуд ва 201 та туман, шаҳар) – 2106,5 та, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти – 44 та штат бирлигидан иборат. Давлат статистика қўмитаси тизимида бўш лавозимларнинг умумий улуши 4,0%ни ташкил қилади.

Жами 792 нафар аёл, шундан 121 таси Марказий аппаратда, 656 таси ҳудудий статистика органларида, 29 таси - Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида меҳнат қилади.

Давлат статистика қўмитаси тизимида АКТ масалалари бўйича 141 та штат бирлиги мавжуд, шундан Марказий аппаратда 29 та, ҳудудий статистика органларида – 112 та.

Ходимлар умумий сонида 1782 нафари олий, 644 нафари ўрта махсус маълумотга эга.

Умуман олганда, Давлат статистика қўмитасининг кадрлар ва молиявий салоҳияти давлат статистика ишлари дастури доирасида жорий фаолиятини амалга ошириш ва статистик ишларни бажариш учун етарли. Бироқ, дастурга киритилмаган қўшимча ишларни амалга оширишда кадрлар ва молиявий ресурсларнинг етишмаслиги кузатилади.

Шу билан бирга, Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти тизим фаолияти самарадорлигини ошириш учун маълумотларни автоматлаштирилган тарзда тўплаш/кодлаш/текшириш бўйича мавжуд усуллари модернизация қилиш, статистик маълумот ишлаб чиқаришнинг бутун циклини ўз ичига олувчи янги ва замонавий автоматлаштирилган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш масалалари ахборот технологиялари соҳасидаги долзарб вазифалар эканлигини англаб етади.

Бироқ, молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж статистик маълумотларни қайта ишлашда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга имкон бермайди.

Малакали мутахассисларни ёллаш ва уларга ойлик маошларни белгилашнинг амалдаги ҳолати умуман АКТ соҳаси ходимларининг разряд даражасига нисбатан пастлиги билан чекланган.

Самарадорлик ва натижадорликни ошириш учун Давлат статистика қўмитаси тегишли тайёргарликдан ўтган малакали кадрларга муҳтож.

Персоналнинг иш самарадорлиги вақти-вақти билан ахборот хавфсизлиги масалалари ҳамда малака ошириш натижалари бўйича асосий кўрсаткичларни қўллаган ҳолда баҳоланади. Персонални тайёрлаш ва уларнинг салоҳиятини ошириш масалалари ушбу стратегиянинг 4.1-бўлимида батафсил кўриб чиқилади.

Давлат статистика қўмитаси лаёқатли ва мотивацияланган ходимлар билан таъминланганиб, уларнинг иш ҳақи сўнгги йилларда муттасил ўсиб боришига қарамай, бошқа вазирлик ва идоралар билан таққослаганда ҳали ҳам рақобатбардош эмас, бу эса кадрлар қўнимсизлигининг юқори бўлишига олиб келмоқда. Статистика органларида кадрларни сақлаш, иш самарадорлигини ошириш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтиришга йўналтирилган лозим даражадаги самарали рағбатлантириш тизими мавжуд эмас.

Ўқитишга эҳтиёж, стратегия ва инфратузилма

Давлат статистика қўмитасининг Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти (Институт) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.01.2003 йилдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 8-сон қарорига мувофиқ давлат статистика органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институт фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Статистика органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадларига мувофиқ давлат статистика органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институт фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Тасдиқланган дастур асосида ҳар йили Институтда 1100-1200 нафар статистика органларининг ходимлари малака оширади, 30 га яқин киши қайта ўқитилади.

Институт чет эл статистикасида кенг қўлланиладиган статистик таҳлил усулларини, шунингдек, халқаро стандартларга жавоб берадиган кўрсаткичлар, баҳолаш мезонлари ва ҳисобот шаклларини амалиётга жорий этиш, маҳаллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижалари бўйича ишончлили, шаффоф ва ошкора статистик маълумотлар билан таъминлаш масаларида статистик тадқиқотлар олиб боради.

Институтнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари нисбатан юқори салоҳиятга эга. Ҳозирги кунда институтда ўн та тўлиқ штат ва битта тўлиқсиз штат бирлигидаги ходимлардан иборат иккита ўқув кафедраси (*Макроиқтисодий статистика ва миллий ҳисоблар кафедраси ҳамда Ахборот-коммуникация технологиялари ва бухгалтерия ҳисоби кафедраси*), олти илмий ходимдан иборат иккита илмий-тадқиқот бўлими (*Макроиқтисодий муаммолар бўйича статистик тадқиқотлар бўлими ва Ижтимоий муаммолар бўйича статистик тадқиқотлар бўлими*) мавжуд.

Ҳозирги кунда институтда бир нафар Академик, тўрт нафар фан доктори, уч нафар фан номзоди, беш нафар катта ўқитувчи ва олти нафар илмий ходим фаолият олиб боради.

Институтнинг илмий фаолияти асосан Давлат статистика қўмитасининг статистик методология ва амалиётининг долзарб масалалари бўйича топшириқларини бажаришга қаратилган. Ўз фаолиятини Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган йиллик иш режалари асосида амалга оширилади.

Институт ўз вазифалари ва функцияларини бажариш бўйича фаолиятини сифатлироқ ва тўлақонлироқ амалга оширишига қуйидаги муаммолар тўсқинлик қилади:

- a. моддий-техника базасининг етарли эмаслиги ва эскириб қолганлиги;
- b. электрон ва масофадан ўқитиш курсларини йўлга қўйиш учун молиявий ва кадрлар ресурсларининг етишмаслиги;
- c. тадқиқотлар ўтказиш ва тадқиқотчилик фаолиятини тижоратлаштиришга, буюртмаларни бажариш учун кадрлар ва техник салоҳиятнинг етарли эмаслиги;
- d. етакчи жаҳон статистика ташкилотлари билан халқаро ҳамкорлик даражасининг пастлиги.

Сифатни бошқариш

Сифатни бошқариш, мониторинг ва баҳолаш тизими статистика фаолияти натижалари ва жараёнларини сифат кўрсаткичларининг миллий ва халқаро сифат таҳлил тизимларига мос келишини таъминлайди. Бироқ, статистикани тайёрлаш жараёнининг барча босқичларида сифат мониторингини ҳужжатлаштириш учун ягона яхлит сиёсат ва сифатни бошқариш тизими мавжуд эмас.

Маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш соҳасида сифатни таъминлаш бўйича алоҳида ҳужжатлар қабул қилинган, аммо режалаштириш ва тарқатиш соҳасида ягона ҳужжат ҳали ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари, ушбу ҳужжатлар бир-бири билан боғлиқ эмас ва ягона сифат менежменти тизими билан уйғунлашмаган.

Давлат статистика қўмитаси статистик мақсадларда фойдаланиладиган маъмурий маълумотларнинг шакли ва сифатига, шаклларни (сўровномалар) ишлаб чиқилишида маслаҳат бериш орқали бошқа маълумотлар ишлаб чиқарувчилар фаолиятига таъсир қилиши мумкин.

Доимий равишда шаклларнинг аниқлигини ва уларни тўлдиришнинг қулайлигини оширишга қаратилган такомиллаштириш жараёни давом этмоқда.

Сифат менежменти соҳасидаги билимларнинг етарли эмаслиги ва сифат менежменти бўйича расмий ўқув дастурининг йўқлиги халқаро миқёсда қабул қилинган сифат менежменти концепцияларини (СТПМА БМТ, СХТ) амалга оширишга тўсқинлик қилувчи асосий омиллардир.

Давлат статистика қўмитаси тизимида сифат менежменти бўйича халқаро миқёсда тан олинган концепциялар асосида ходимлар малакасини оширишни таъминлайдиган сифат дастурини расман қабул қилиш зарурати мавжуд.

Давлат статистика қўмитаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий статистикада сифатни таъминлашнинг миллий асосий тамойиллари бўйича кўрсатмаларига (СТПМА БМТ кўрсатмалари) ва СХТ 9001-2008 сифат менежменти воситаларига мувофиқ сифатни таъминлаш тизимини жорий этишни режалаштирмоқда.

2.6. Статистика соҳаси инфратузилмаси

Таснифлагичлар ва стандартлар

Халқаро миқёсда қабул қилинган ва тавсия этилган методология, таснифлагичлар ва стандартлар давлат статистика органларига маълумотларни интеграция қилиш, уларнинг алмашинувини осонлаштириш ва тегишли статистик кўрсаткичларни тайёрлаш учун замин яратувчи асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат статистика қўмитаси томонидан фойдаланиладиган таснифлаш тизимлари, умуман олганда, халқаро стандартлар ва таснифларга мос келади, бу эса ўз фаолиятининг барча соҳаларида ҳамда бошқа статистик маълумотлар ишлаб чиқарувчиларни фаолиятида ўз тасдиғини топади (масалан, ИФУТ (NACE Rev.2), ЕИХФМСТ, ДМСҚ, ТБҚ). Халқаро таснифлаш, кўрсатмалар ва услубий тавсиялардан фойдаланиш статистиканинг барча соҳаларида кенг тарқалган (3-жадвал).

**Маълумотларни тайёрлашни амалга оширадиган ташкилотлар
томонидан фойдаланиладиган таснифлагичлар ва стандартлар**

Маълумот ишлаб чиқарувчи ташкilotлар	Таснифлагичлар ва стандартлар
Давлат статистика қўмитаси	<p>ИФУТ - NACE Rev.2 – иқтисодий фаолият турлари бўйича умумий статистик таснифлагич.</p> <p>МҲТ-1993 – миллий ҳисоблар тизими.</p> <p>ТХСТ - 2011 – 2011 йилги таълим халқаро стандарт таснифи - таълим соҳасидаги статистик маълумотлар ва кўрсаткичларни таснифлаш учун фойдаланилади.</p> <p>2013 йил бўлиб ўтган меҳнат статистикаси масалалари бўйича меҳнат статистиклари 19-халқаро анжумани тавсиялари.</p> <p>МШИТ-1999 – Мақсадлар бўйича шахсий истеъмол таснифи - жисмоний шахслар ва уй хўжаликлари якуний истеъмолини таснифлаш учун фойдаланилади.</p> <p>АМТ- 1.1 таҳрири – Асосий маҳсулотлар таснифи - ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси учун фойдаланилади.</p> <p>ОСЛО қўлланмаси 2018 й. – Инновациялар бўйича маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш бўйича тавсиялар - инновациялар ҳақида маълумот тўплаш учун фойдаланилади.</p> <p>Фраскати қўлланмаси 2015 й. - ИҲТТ илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини статистик ўлчашда амал қилинадиган тамойиллар - илмий тадқиқотлар ва ишланмалар соҳасини таснифлаш учун фойдаланилади.</p>

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
статистикани ривожлантириш миллий стратегияси

Маълумот ишлаб чиқарувчи ташкilotлар	Таснифлагичлар ва стандартлар
	<p>Камбағаллик чегараси - БМТ ва Жаҳон банкининг таърифларига мувофиқ ҳисоб чиқилади. Камбағалликнинг иккита чизиғи белгиланган: кунига 1,25 АҚШ долларида 2 долларгача даромадга эга бўлган аҳолининг улуши ва ўртача кунлик даромаднинг 50% дан кам даражада яшайдиган аҳолининг улуши.</p> <p>Савдо (ички ва ташқи) статистикаси - Товарлар халқаро савдоси статистикаси: концепциялар ва таърифларга (2010 й) мувофиқ тузилади.</p> <p>ЕИХФМСТ-2008 – Европа иқтисодий ҳамжамиятининг фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг статистик таснифлагичи.</p>
Молия вазирлиги	ДМСҚ-2014 – Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма (жорий қилиш режалаштирилган).
Марказий банк	<p>ТБҚ-2006 – Тўлов баланси бўйича қўлланма.</p> <p>ПКМСҚ 2000 – Пул-кредит ва молия статистикаси бўйича қўлланма.</p>
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	<p>2013 йилда ўтказилган меҳнат статистикаси бўйича 19-ХМС конференциясининг тавсиялари.</p> <p>Меҳнат соҳасидаги статистика - 2008 йил Касблар бўйича халқаро стандарт таснифлагич (КХСТ-08); Бандлик ҳолатининг халқаро таснифига (БХХТ-93) мувофиқ тузилади.</p>
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	<p>КХТ-10 – касалликлар бўйича халқаро тасниф.</p> <p>ССХТ-2011 – Соғлиқни сақлаш ҳисоблари тизими, 2011 йил ИХТТ, ЖССТ ва Евростат томонидан тасдиқланган халқаро стандартнинг иккинчи таҳрири.</p> <p>Соғлиқни сақлаш соҳасидаги статистика соғлиқни сақлаш соҳасида 100 та асосий индикатор Глобал рўйхатига мувофиқ тузилади (2015 й.)</p>

Маълумот ишлаб чиқарувчи ташкilotлар	Таснифлагичлар ва стандартлар
Олий ва ўрт-махсус таълим вазирлиги	ТХСТ 1997 – Таълим бўйича халқаро стандарт таснифлагич - таълим соҳасида статистика маълумотлари ва кўрсаткичларини таснифлаш учун фойдаланилади.
Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	ТТКУТ-2012 – Товарларни таснифлаш ва кодлаштириш бўйича уйғунлаштирилган тизим

Гарчи айрим ҳолларда халқаро стандарт ёки таснифнинг энг сўнгги версияси ишлатилмаса ҳам, уларга ўтишнинг аниқ режалари мавжуд. Масалан, ҳозирги пайтда миллий ҳисоблар Миллий ҳисоблар тизимининг 1993 йилги версиясига мувофиқ тузилмоқда, аммо МХТ-2008га ўтиш чоралари кўрилмоқда ва статистик ишларнинг кўп йиллик дастурига мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилади. Молия вазирлиги ДМСҚ-2014ни жорий қилишни режалаштирмоқда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ПКМСҚ-2016 стандартларини амалга ошириш жараёнида.

Ижтимоий статистиканинг баъзи соҳаларида халқаро тавсиялардан алоҳида ҳолларда оғишлар кузатилмоқда. Масалан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ишчи кучи кузатувларида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) стандартларини тўлиқ қўлламайди.

Ҳозирги кунда фақат эксперимент асосида ўтказилаётган бўш иш ўринлари кузатувлари бўйича ХМТ тавсиялари асосида кузатув сўровномаларини такомиллаштириш режалаштирилмоқда.

Миллий даражада давлат органлари томонидан қўлланиладиган кичик ва бошқа корхоналар таснифи мавжуд бўлиб, улар статистика ва қонунчилик мақсадларида кенг қўлланилади, аммо уларнинг ўлчамлари халқаро стандартларга нисбатан фарқ қилади.

Миллий таснифдан фойдаланган ҳолда маълумотларни шакллантиришнинг аниқ сабаби бор, чунки бу маълумотлардан миллий сиёсат мақсадлари учун қулай ва осон фойдаланиш мумкин, аммо уларни халқаро стандартларга мувофиқ нашр этиш ва халқаро миқёсда таққослаш ишларини қийинлаштиради.

Шунингдек, халқаро стандартларни жорий этиш баробарида фойдаланувчиларнинг ахборот саводхонлигини ошириб бориш бўйича мунтазам иш олиб бориш талаб этилмоқда. Хусусан, аҳоли билан ўтказилган маслаҳатлашувлар Давлат хизматчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг маълумотлардан тўғри фойдаланиш, таққослаш, таҳлил қилиш ва шарҳлашлари учун уларнинг ахборот саводхонлигини ошириш бўйича Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада кенгайтириш зарурлигини кўрсатди.

Стандартлар ва таснифлардан фойдаланиш маълумотлар талқини ва интеграциялаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа маълумотларни ишлаб чиқарувчилар ҳамда улардан фойдаланувчилар ўртасидаги маслаҳатлашув ва мувофиқлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш зарур. Бу ишлар қайта кўриб чиқиш сиёсати ва дастурларини ишлаб чиқиш (масалан, фойдаланувчиларнинг ахборот саводхонлигини ошириш), шунингдек, самарали фаолият кўрсатадиган Статистика кенгашини таъсис этишни ўз ичига олиши мумкин.

Статистик регистрлар

Иқтисодий статистикани тайёрлашда статистик бизнес-регистрлар (СБР) асосий рол ўйнайди. СБРлар статистик маълумотларни тайёрлаш жараёнларини оптималлаштиришга ёрдам беради ва бошқа, шу жумладан солиқ регистрлари каби маъмурий маълумот манбаларидан фойдаланишга имкон беради.

СБРлар статистика органлари томонидан юритиладиган маълумотлар базаси бўлиб, ишлаб чиқариш турлари ва ҳажмлари, шунингдек, ушбу фаолиятни олиб бораётган тармоқлар ва бошқа иқтисодий бирликлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни ўз ичига олади. Кўпинча бизнес-регистрларда корхоналар мулкчилик шакли, айланмаси ва персонал сони тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.

Ўзбекистон қонунчилиги маъмурий маълумотлар манбаларидан статистик мақсадларда фойдаланиш учун ҳуқуқий асосни таъминлайди. Ҳозирги вақтда Давлат статистика қўмитаси рўйхатга олиш органларидан (Адлия вазирлиги ва Марказий банк) олинган маълумотлар асосида корхона ва ташкилотларнинг (якка тартибдаги тадбиркорлар бундан мустасно) ягона давлат регистрини юритади.

01.10.2019 йил ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 695 986 тани, фаол бўлмаган юридик шахсларнинг умумий сони эса 191 958 тани ташкил этди. Бироқ, ушбу регистр СБР деб ҳисобланиши мумкин эмас, чунки унда фақат корхона ва ташкилотларнинг манзиллари, идентификация кодлари каби маълумотлар мавжуд холос. Юқори сифатли СБР доимий равишда янгиланиб туриши ва профилни яратиш учун субъектларнинг хусусиятлари тўғрисидаги батафсил маълумотларга эга бўлиши керак.

СБРдаги маълумотлар статистикани тузишда асосий манба сифатида фойдаланилиши сабабли, СБРнинг сифати иқтисодий статистика сифатига бевосита таъсир қилади.

Давлат статистика қўмитаси ишончли маълумотларни тўплаш учун, умуман, СБР ва иқтисодий статистиканинг сифати ва халқаро таққосланишини яхшилашга қаратилган самарали рўйхатга олиш тизимини йўлга қўйиши зарур бўлади.

СБР яратиш, юритиш ва такомиллаштириш бўйича Давлат статистика қўмитаси ходимларини ўқитишга зарурат мавжуд. Рўйхатга олиш идоралари ва Давлат статистика қўмитасининг электрон маълумотлар базалари интеграцияси маъмурий маълумотлар алмашишнинг тез ва самарали усулини таъминлайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён аҳоли, уй-жой фонди ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказмаганлиги боис, аҳоли, уй-жой фонди ва қишлоқ хўжалиги регистрлари ҳам юритилмайди.

Статистик усуллар

Статистика маълумотлари тўплаш учун Давлат статистика қўмитаси ва бошқа маълумотлар ишлаб чиқарувчилар барча эҳтимолий статистика усулларида, шу жумладан, аҳолини рўйхатга олиш, доимий танлама кузатувлар, махсус тадқиқотлар ва маъмурий манбалардан фойдаланадилар. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг қамрови истисно қилинади. Умуман олганда, Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлатиладиган статистик усуллар етарли, аммо улар такомиллаштирилиши мумкин.

Танлама

Уй хўжаликлари, бизнес ва қишлоқ хўжалиги танлама кузатувлари расмий статистик маълумотларни олиш учун энг муҳим восита ҳисобланади (4-жадвал). Кузатувлар рўйхати давлат статистика ишлари Давлат дастури доирасида тасдиқланади.

Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти танламани тўғри аниқлаш, унинг формати, ишончлилиги ва жамланма маълумот ишончлилигини таъминлаш учун муҳимлигини англайди. Хусусан, маслаҳатлашувлар танламани муваффақиятли амалга ошириш ва баҳолаш учун ёндашувлар ва танлаб олиш усулларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, уй-хўжаликлари кузатувлари аҳоли турмуш даражаси тўғрисидаги статистик маълумотларни олиш учун ўтказилади. Икки босқичли кластерли саралаш қўлланилади, яъни бирламчи уй хўжаликлари танламаси йилига икки марта, бирламчи намунадаги уй хўжаликлари эса ҳар ой 100 фоиз алмаштириш (ротация) билан амалга оширилади.

Давлат статистика қўмитаси иилига икки мартаба фермер хўжаликлари кузатувларини ўтказди, танлама ҳажми мавжуд хўжаликларнинг 10 фоизини ва деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг 0,5 фоизини қамраб олади. Танлама гуруҳини шакллантириш корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрдан (КТЯДР) фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Кичик бизнеснинг ривожланиши ҳақида статистика маълумотларини олиш учун кичик корхона ва микрофирмалар кузатувлари даврий ҳисоботларга асосланган ҳолда ташкил этилади. 2018 йилда иштирок этиш даражаси 99,6 фоизни ташкил этди, етишмаётган 0,4 фоиз эса корхоналарнинг ёпилиши ёки вақтинча фаолият олиб бормаганлиги билан боғлиқ.

Кузатувлар ҳар чорақда характеристикаларига қараб турли хил сўровномалар ёрдамида (даромадли фирмалар, даромадлари йўқ фирмалар, янги ташкил этилган фирмалар) ўтказилади, танлаб олиш эса кўп даражали стратификациялаш усулига асосланади.

Бундай ҳолда, танлама гуруҳи (ЕГРПО) бир-бирини истисно қиладиган ва бир-бирини тўлдирадиган кичик гуруҳларга (қатламларга) бўлинади. Кузатилиши лозим бўлган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг умумий сони (ҳар бир қатлам учун) махсус дастурий таъминот асосида аниқланади. Танлама гуруҳи ҳажми 5 фоиздан 45 фоизгача бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Давлат статистика қўмитаси ҳар чорақда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг савдо, хизмат кўрсатиш, саноат ва транспорт соҳаларидаги фаолиятини танланма кузатувлар асосида ўрганиб боради.

Саволномаларни тайёрлаш жараёнида Давлат статистика қўмитасининг барча тармоқлари, шу жумладан миллий ҳисобларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинади. Худудларнинг мутаносиб ривожланиши давлат сиёсатининг асосий йўналиши бўлганлиги сабабли, танлаб олиш методологияси ва усулларини худудларнинг (вилоят, туман) ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш зарур.

4-жадвал

Давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказилган кузатувлар рўйхати

Кузатув	Тадқиқот мақсади	Танлама гуруҳ	Маълумот тўплаш даврийлиги	Экспертлар тавсиялари-методология манбаси
Уй хўжаликларининг танлама кузатуви	Аҳолининг турмуш даражаси ҳақида статистик маълумотларни тайёрлаш	Мақсадли танланма гуруҳи сони мамлакатдаги 6565,6 минг уй хўжаликлари бўлиб, танланма гуруҳ таркиби мақсадли гуруҳнинг 0,2 фоизини ёки 10000 уй хўжалигини ташкил этади. Танлама гуруҳ 2010 йилда ўтказилган микро-рўйхатга олишга асосланган бўлиб, йилига икки марта (ҳажмига мутаносиб равишда) танлаб олинadиган қуйи маъмурий-худудий бирликлар	Ҳар ой	Жаҳон банки, БМТ ЕИК

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
статистикани ривожлантириш миллий стратегияси

Кузатув	Тадқиқот мақсади	Танлама гуруҳ	Маълумот тўплаш даврийлиги	Экспертлар тавсиялари-методология манбаси
		(маҳалла)/қишлоқ аҳоли пунктлари уй хўжаликлари сонидан шакллантирилади. Маҳалла/қишлоқ аҳоли пунктларини танлаш эҳтимоллиги уларда танланган уй-жойлар сонига боғлиқ бўлиб, алмаштириш (ротация) рўй берганидан кейин бир ой ичида кўриб чиқилади.		
Фермер хўжаликлари кузатувлари	Қишлоқ хўжалиги (деҳқончилик ва чорвачилик) маҳсулотлари, шунингдек, чорва моллари ва паррандалар сони бўйича статистик маълумотларни тайёрлаш	Танлама гуруҳ базаси КТЯДР маълумотлар базасидаги фермер хўжаликлари рўйхати ҳисобланади. Танлама гуруҳ мутаносиб равишда тақсимланади ва танлама учун 10 фоизлик база шакллантирилади. Ўтказилиши: март ойида 5 фоиз ва сентябр ойида 5 фоиз.	Йилда икки марта (март ва сентябр ойларида)	Европа Иттифоқи (фермер хўжаликлари тузилмаси бўйича кузатувлар - ҳар 2,5 йилда); ФАО (ҳосилдорлик бўйича кузатувлар - ҳар 5 йилда)
Кичик корхона ва микрофирмалар кузатуви	кичик бизнеснинг асосий кўрсаткичлари ни ҳисоб-китоб қилиш, миллий иқтисодиётдаги ўрнини	Кичик корхона ва микрофирмаларнинг танлама гуруҳларини шакллантириш КТЯДР ёрдамида, шунингдек йиллик "Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти тўғрисидаги"	Ҳар чорак	Евростат

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
статистикани ривожлантириш миллий стратегияси

Кузатув	Тадқиқот мақсади	Танлама гуруҳ	Маълумот тўплаш даврийлиги	Экспертлар тавсиялари-методология манбаси
	аниқлаш учун зарур маълумотларни олиш	давлат статистика ҳисоботи асосида амалга оширилади. Ушбу танловдан фақат I чорақда ўтказилган тадқиқот учун фойдаланилади. II чорақдан бошлаб танлама гуруҳлар ҳар чорақда янгиланади. Стратификацияланган танлама гуруҳга кичик корхона ва микрофирмаларнинг тасодифий 5-10 фоизи танлаб олинади.		
Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти кузатувлари	Савдо, хизматлар, саноат ва транспорт ҳажмлари бўйича статистик маълумотларни тайёрлаш	Кузатувга масъул бўлган Давлат статистика қўмитасининг ҳар бир бўлинмаси ўз методологиясига эга.	Ҳар чорақ	ЮНИДО (ҳар йили ўтказишни тавсия қилади)
Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) кузатувлари	Истеъмол нархлари бўйича статистикани тайёрлаш	Нархлар ва тарифлар мониторинги учун танлама гуруҳ истеъмолда мавжуд бўлган товарлар ва хизматлар нархини, савдо объектларининг сонини, турлари ва географик қамровини, ҳар бир товар ва хизматларга тегишли ҳажм-	Ҳар ой	ХВФ, ИҲТТ

Кузатув	Тадқиқот мақсади	Танлама гуруҳ	Маълумот тўплаш даврийлиги	Экспертлар тавсиялари-методология манбаси
		<p>ларни, шунингдек танланган объектлар орасидаги нархлар ва тарифлардаги фарқларни акс эттиради.</p> <p>Истеъмом нархлари мониторинги тўпламига янги товарлар ва хизматлар, уларнинг улуши аҳолининг умумий истеъмом харажатларидан камида 0,1 фоиз бўлган ҳолда киритилади.</p> <p>Истеъмомчининг сарфхаражатлари тўғрисидаги маълумотлар истеъмом саватчасидаги харажатларнинг миқдорини аниқлаш учун уй хўжаликлари бюджетини кузатувлари натижаларидан олинади.</p>		

Мавсумий тuzатишлар ва динамик қаторлар маълумотлари

Халқаро амалиётда статистик натижалар одатда динамик қаторлар шаклида жамоатчиликка тақдим этилади, чунки улар башорат қилиш ва бошқа таҳлил турлари учун қулайдир. Статистик маълумотларнинг динамик қаторлари имкон қадар узоқ вақтни қамраб олиши керак. Шу билан бирга, узоқ давр учун вақт бўйича қаторларни олишда қуйидагилар зарур бўлади:

белгиланган вақт давомида натижаларнинг методологик мувофиқлигини таъминлаш;

собиқ совет мамлакатларининг аксариятидаги каби анъанавий равишда йиғилган (кумулятив) маълумотларни эмас, балки дискрет кўрсаткичларни баҳолаш;

статистик маълумотларга мавсумий тузатишлар киритиб бориш;

маълумотларни олдинги натижаларни баҳолаш/янги натижаларни баҳолаш ҳолатида мунтазам равишда қайта кўриб чиқиш;

тегишли дефляцион индекслар ва усуллардан фойдаланиш.

Кетма-кетликдаги вақт даврларини таққослашни енгиллаштириш учун йил фасллари билан боғлиқ бўлган тизимли мавсумий тебранишларни (мавсумий натижаларни) бартараф қилиш йўли билан динамик қаторлар маълумотларини талқин қилишга имкон берадиган мавсумий тузатишлар киритиш ҳисобига чораклик ҳисоботлар сифатини яхшилаш устувор йўналиш ҳисобланади.

Давлат статистика қўмитаси ва бошқа маълумотларни ишлаб чиқарувчилар бу соҳада ўз салоҳиятини оширишлари керак.

Саволномалар дизайнини ишлаб чиқиш тартиби

Саволномалар дизайни жавоблар фоизига, нотўғри маълумотларнинг тақдим этилиш эҳтимоллигига, маълумотларни йиғишда қулайлик даражасига ва маълумотларни йиғишда хатоларнинг камайишига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу респондентларнинг ўз ҳисоботларини қандай юритиш (бухгалтерия усуллари), саволларни қандай изоҳлаш (когнитив тадқиқотлар) ва маълумотларнинг тўпланишини билишини назарда тутати.

Давлат статистика қўмитасида пухта ўйланган саволномаларни ишлаб чиқиш ва тўлдириш учун махсус стандартлар жорий этилмаган ва бу жиҳатлар сезиларли даражада такомиллаштиришни талаб қилади. Муаммолар маълумот тўплаш мақсадлари учун номувофиқ тил (қийин тушуниладиган сўзлар), махфийликни таъминлаш масалалари

ва респондентлар учун тўлдириш бўйича кўрсатмаларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, Давлат статистика қўмитаси янги дизайн бўйича стандартларни талаб қиладиган маълумотларни йиғишда АКТ ва планшетлардан фойдаланиш амалиётини ривожлантирмоқда.

Респондентлар билан алоқалар

Ўзбекистонда маълумот етказиб берувчилар (респондентлар) билан тизимли алоқа мавжуд эмас. Сўровномалар экспериментал ёки ҳақиқий кузатувларни ўтказишдан аввал потенциал респондентлар билан камдан-кам муҳокама қилинади. Шунингдек, респондентларга ҳисобот юкини камайтириш бўйича расмий сиёсат мавжуд эмас. Давлат статистика қўмитаси маълумот етказиб берувчилар учун халқаро амалиётга мувофиқ респондентларнинг ҳисобот юклагаси кўрсаткичларини белгилайдиган сиёсатни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак. Ушбу сиёсат респондентларга етказилиши керак.

Фойдаланувчилар билан алоқалар

Турли соҳаларда фойдаланувчиларни идентификация қилиш ва категорияларга бўлган ҳолда рўйхатини тузиш учун статистик ахборот ва маълумотларни тарқатиш бўйича сиёсат ёки тартиб мавжуд эмас. Давлат статистика қўмитаси вақти-вақти билан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари ва қониқиш даражасини аниқлаш учун тадқиқотлар ўтказди. Тадқиқотлар ҳисобот ва саволномаларни ҳамда уларни тўлдириш бўйича йўриқномалар сифатини ва аниқлигини оширишга қаратилган доимий такомиллаштириш жараёни амалга оширилмоқда. Фойдаланувчилар билан мувофиқлаштириш талаби "Давлат статистикаси тўғрисида"ги қонунда белгилаб қўйилганига қарамай, амалда у тўлиқ бажарилмаяпти.

Расмий статистиканинг объективлиги оммавий ахборот воситалари, фойдаланувчилар ва жамоатчилик томонидан танқид қилинмоқда. Ўз навбатида, Давлат статистика қўмитаси томонидан статистик усулларнинг ошкоралигини таъминлаш (Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайтида ҳисобот ва пресс-релизларни нашр этиш), манфаатдор томонлар иштирокида даврий семинарлар ўтказиш, уларда асосий фойдаланувчилар, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва илмий доираларнинг иштирокини кенгайтириш орқали расмий статистикага бўлган ишончни ошириш учун жиддий ҳаракатлар қилинмоқда. Шу билан бирга, статистика соҳасидаги хабардорлик даражаси пастлигича қолмоқда, бунинг учун соҳада ахборот тарқатишни янада фаоллаштириш зарур.

Статистика органларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга, обрў-эътиборини оширишга, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондирилишини таъминлашга, аҳолининг статистика бўйича саводхонлигини оширишга, статистика соҳасида ахборот тарқатишни фаоллаштиришга, веб-сайт ва очиқ маълумотлар портални доимий равишда такомиллаштиришга ҳуқуқий замин яратадиган "Расмий статистика тўғрисида"ги янги Қонуннинг қабул қилиниши Давлат статистика қўмитаси касбий мустақиллигини оширишнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб қўйилган.

Маълумотларни тарқатиш амалиёти

Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган статистик маълумотлар фойдаланувчиларга турли хил тарқатиш воситалари, шу жумладан медиа каналлар, Интернет ва босма ОАВ орқали тарқатилади. Ҳозирги пайтда Давлат статистика қўмитаси маълумотларни онлайн маълумотлар базаси ёрдамида тарқатиш устида шуғулланмоқда. Интернетда кенг жамоатчиликка йўналтирилган асосий макроиқтисодий ва тармоқ кўрсаткичлари бўйича жамланган статистик маълумотлар мавжуд. Шунингдек, статистик маълумотларни турли форматларда осонгина юклаб олиш мумкин.

Расмий статистик маълумотларни веб-сайтда бепул олиш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, фойдаланувчилар махсус тайёрланадиган маълумотларни буюртма бериб, уларни тайёрлаш билан боғлиқ хизматлар учун тўловни амалга ошириш орқали олишлари мумкин. Бироқ, нарх сиёсати аниқ кўрсатилмаган ва жамоатчилик учун очиқ эмас.

Ўзбекистон 2018 йил май ойидан бошлаб ХВФнинг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизимида (к-МТУТ) иштирок этмоқда, ҳозирда ваколатли органлар Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандартига (ССРД) ўтиш борасида ишларни олиб бормоқдалар.

Статистик маълумотларни эълон қилиш кунлари ва вақти аввалдан эълон қилиб борилади. Маълумотларни эълон қилиш бўйича 12 ойлик дастлабки тақвим фойдаланувчиларга тақдим этилади. Маълумотлар тақвимга мувофиқ белгиланган кунда эълон қилиб борилади. Маълумотларни тарқатишда юзага келган ҳар қандай оғишлар олдиндан эълон қилинмайди ёки тушунтирилмайди. Ўз вақтида нашр этилишини назорат қилиш тартибини тавсифловчи аниқ шаклланган ёзма ҳужжат мавжуд эмас.

Маълумотлар ва статистик ахборотни тарқатишнинг ягона сиёсати мавжуд эмаслиги сабабли, эълон қилинган статистик маълумотлардаги хатоликлар тузатилмайди ёки тузатилганлиги ҳақида эълон қилинмайди. Амалдаги усуллар ва тартиб-таомиллар тўғрисида барча маълумотлар очиқ эмас.

Микромаълумотлар учун очиқ маълумотлар сиёсати мавжуд эмас. Тадқиқот мақсадида фойдаланувчиларга микромаълумотларни тарқатиш сиёсати ҳали ишлаб чиқилмаган, Шу ўринда, Давлат статистика қўмитаси йиғилган ва/ёки анонимлаштирилган микромаълумотларни Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрацияси буйруқлари ва баённомалари асосида, шунингдек тижорат асосида органлар/муассасаларнинг талабларига биноан бепул шаклда тарқатиши мумкин.

2017 йилдан буён барча соҳага оид статистика маълумотлар изоҳлар ва таҳлилий материаллар билан бирга эълон қилиниши йўлга қўйилган. Усуллар ва тартиб-таомиллар тўғрисидаги маълумотлар веб-сайтда кутубхона бўлимида маълумотлардан алоҳида жойлаштирилган, бу маълумотлар доимий равишда янгиланиб туради. к-МТУТ тизимида талаб асосида статистик маълумотлар ва метамаълумотлар эълон қилинади. Фойдаланувчиларга маълумотларни олиш ва индивидуал жадваллар ва диаграммаларни яратишга имкон берадиган тарқатиш созламалари учун маълумотлар базаси мавжуд эмас.

Пресс-релизларни ёзиш ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича махсус тренингларни ўтказиш ходимлар учун маълумотларни тарқатишда муҳим восита бўлади.

Давлат статистика қўмитаси маълумотлар тарқатиш сиёсатини яхшилаш учун статистик маълумотларни визуаллаштириш ва таҳлил қилиш учун замонавий дастурий таъминотларни («R», «Stata», «SPSS» ва бошқалар) жорий этиш, веб-сайтида онлайн маълумотлар базасини яратиш, маълумотларни филтрлаш ва ҳар хил форматларда юклаб олиш, шунингдек маълумотларни тарқатиш ва визуализация қилиш учун ходимлар малакасини ошириш зарурлигини англаб етади.

2.7. АКТ инфратузилмаси ва физик инфратузилма

Институционал механизмлар

АКТ инфратузилмаси ва ушбу соҳада ечимлар ишлаб чиқиш иккита бошқармага юклатилган (АКТни ривожлантириш ва интерактив давлат хизматлари бошқармаси, Ахборот хавфсизлиги бошқармаси).

Ахборот хавфсизлиги бошқармаси Давлат статистика қўмитаси тизимда хавфсизликни таъминлаш учун масъул бўлган махсус бўлинмаси ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари Давлат статистика қўмитасининг тўлиқ ва хавфсиз ахборот маконини таъминлаш, хавфсиз Интернетга уланишни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш, белгиланган нормаларга мувофиқ Давлат статистика қўмитасининг ахборот

тизимлари ва хизматларига киришни чегаралаш, Давлат статистика қўмитаси ахборот тизимининг хавфсиз ишлашини таъминлаш (ташқи шароитларни назорат қилиш, дастурий таъминот версияларига ҳамроҳлик қилиш, маълумотларнинг захира нусхасини саклаш, номинал юкламани режалаштириш ва ҳ.к.), харид қилинган ахборот тизимларини дастурий-аппарат воситалари сертификатлари ва техник тавсифномалар талабларига риоя қилиниши устидан назорат, ахборот рискларини таҳлил қилиш, ҳимоя қилинадиган маълумотларнинг тарқалиши мумкин бўлган каналларини аниқлаш ва ёпишни таъминлаш ҳисобланади.

Технологиялар нуқтаи назаридан Давлат статистика қўмитасида энг катта муаммо - уч йилдан ортиқ тажрибага эга бўлган ходимларнинг нисбатан кам бўлгани, яъни АКТга масъул ходимларнинг қўнимсизлик даражасини юқорилиги. Бу билимларни узатишнинг аҳамиятини оширади ва ахборот технологиялари соҳасида аниқ стратегияни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Корпоратив алоқа канали марказий аппарат ва унинг ҳудудий бўлинмаларини VPN виртуал ҳимояланган тармоғи доирасида боғлайди. Марказий аппарат ва ҳудудий статистика бошқармалари VPN тармоғига 2 Мбит/с тезликда оптик-толали кабеллар орқали уланган, ҳудудий бошқармалар эса шаҳар, туман статистика бўлимлари билан 512 кбит/с тезликдаги ADSL технологиясига асосланган. Давлат статистика қўмитасининг доимий равишда ўсиб бораётган ҳисобот юкини ҳисобга олган ҳолда, VPN алоқа каналининг тезлигини камида 10 Мбит/с гача ошириш ва барча ҳудудий статистика идораларида оптик толали кабеллар орқали VPN алоқа каналини яратиш керак.

Аппарат таъминоти

Компьютер ускуналари (Давлат статистика қўмитаси тизимидаги 2710 та компьютер) етарли деб тан олинди, тахминан 25%-30% компьютерлар нисбатан янги ва ишлаш муддати уч йилдан кам. Эскирган (53,1%) ва ишга яроқсиз компьютерларни (4,8%) алмаштириш учун тизим бўйича 1568 та янги компьютер зарур.

Статистик маълумотларнинг катта қисми, гарчи баъзи маълумотлар базаларини қайта ишлашда Microsoft SQL-дан фойдалансада, Microsoft Access ва Excel офис дастурлари ёрдамида қайта ишланади. Баъзи ҳолларда марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларда турли хил дастурий таъминотлардан фойдаланилганлиги туфайли уларни умумлаштиришда қийинчиликлар юзага келади.

Ҳозирги вақтда очиқ кодли дастурий таъминотдан фойдаланиш фақат веб-серверлар билан чекланган. Компьютерда дастурий таъминот лицензияланмаганлиги сабабли, бундай носозликлар жуда кўп учрайди. Статистикани қайта ишлаш ва тарқатиш учун бепул очиқ кодли дастурий таъминотдан фойдаланилмайди. Фаолиятда зарур бўлган аксарият дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш мустақил равишда амалга оширилади, лекин баъзида ташқи пудратчилар ҳам (асосан йирик лойиҳаларда) иштирок этадилар.

Марказий аппарат ва ҳудудий статистика органларининг барча компьютерларида фойдаланиладиган операцион тизимлар, дастурий таъминот пакетлари ва бошқа зарур дастурларга лицензияларни сотиб олиш ёки бепул дастурий таъминот жорий қилиш зарур.

Давлат статистика қўмитаси тизимида жами 32 сервер жойлаштирилган ва барча ҳудудий статистика органларида ўз сервер хоналари мавжуд, бироқ уларни модернизация қилиш лозим. Хусусан, Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати сервер хонасида учта сервер мавжуд бўлиб, уларнинг 70-75 фоизи ресурсларидан фойдаланиб бўлинган. Маълумотларни гео-захиралаш тизими мавжуд эмас.

Давлат статистика қўмитасининг марказий аппаратида замонавий сервер ускуналарини ўрнатиш, шунингдек, маълумотларни юқори даражада ҳимоя қилишни ҳамда сақлаш ва қайта ишлашни таъминлайдиган ва автоматлаштирилган захира тизимига эга маълумотларни қайта ишлаш марказини яратиш ва ишга тушириш керак.

Бундан ташқари, Интернет протоколи (VoIP протоколи) орқали овозли алоқа тизимини янги жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда VoIP тизимини барча ҳудудий статистика органлари ва марказий аппарат учун очиқ қилиш керак.

Марказий аппаратда видеоконференция алоқа тизимини ўрнатиш ва энг замонавий ускуналар асосида «call center»ни ташкил қилиш зарур.

Маълумотларни бошқариш тизими

Давлат статистика қўмитаси ҳисоботларни электрон тарзда тўплаш (eStat 3.0), ягона давлат регистри (Reg-system) асосида юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар маълумотлар базаларини бошқариш учун ахборот тизимларидан фаол фойдаланмоқда (2-илова). Онлайн тарзда ишловчи eStat 4.0 веб-версиясини ишлаб чиқиш ва юридик шахслар регистрларининг ахборот тизимини модернизация қилиш ахборот тизимлари соҳасидаги устувор йўналишлар сифатида белгиланди.

Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти маълумотларни автоматлаштирилган тўплаш / кодлаш / текширишнинг мавжуд усулларини модернизация қилиш ва қиймат яратиш бутун статистик занжири бўйлаб технологиядан фойдаланишнинг янги автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва унинг фаолият самарадорлигини оширишни ахборот технологиялари соҳасидаги ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб вазифалар эканлигини англаб етади. Бироқ, молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва мутахассислар билан етарли даражада бутланмаганлик статистик маълумотларни қайта ишлашда янги технологиялардан кенг фойдаланиш имконини бермайди.

Шу билан бирга, амалиётда маълумотларни бошқариш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи бошқа жойларда жойлашган компьютерлар ва серверларга маълумотларни доимий равишда захира қилиш билан кифоялидир.

Ҳозирги вақтда Интернетда контентни бошқариш Давлат статистика қўмитасининг веб-сайтини янгилаш бўйича барча ишларга масъул бўлган кичик гуруҳ мутахассислари томонидан марказлаштирилган ҳолда амалга оширилмоқда. Бошқа мамлакатлардаги ҳамкасблар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш профессионал нуқтаи назаридан янги ғоялар ва энг яхши амалиётларни тезроқ аниқлашга ва жорий этишга ёрдам бериши мумкин.

Ҳудудий статистика идоралари инфратузилмаси

Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари ходимларнинг юқори мотивацияси ва унумдорлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Бироқ, ҳудудий бўлинмаларда, айниқса минтақавий бўлинмаларда шароит қониқарли эмас.

Офис бинолари узоқ вақт давомида таъмирланмаган, сезиларли даражада яхшилаш ва реконструкция қилинишига муҳтож. Натижада, тизим бўлинмаларнинг кўпчилигидаги шароитлар ёмон аҳволда, бу иш самарадорлигига салбий таъсир қилади. Бундан ташқари, ушбу ҳолат янги ходимларни ёллашга ҳам салбий таъсир қилади. Шу сабабли, салоҳиятли кадрларни жалб қилиш ва сақлаб қолиш учун тизим бўлинмаларида шароитларни имкон қадар тезроқ яхшилаш зарур.

Биноларни ободонлаштириш учун маблағ топиш билан боғлиқ қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда, ободонлаштириш тадбирларини пухта ўйланган режага мувофиқ амалга оширилиши керак. Харажатлар асосланган ҳолда, сифатли ва тўғри тайёрланган бўлиши керак. СРМСни жорий қилиш, кам харажатли маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш усулларини жорий этиш натижасида эришилган самарадорлик бинолар ва иншоотларни сақлаш учун юзага келадиган янги харажатларни оқлашга ёрдам беради.

2.8. Статистика дастури ва операцион фаолият

Рўйхатга олиш тадбирлари

Аҳолини, қишлоқ хўжалигини ва бизнесни рўйхатга олиш тадбирлари миллий статистика тизимининг муҳим таркибий қисмидир. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари Давлат статистика қўмитасига аҳоли (аҳоли, фермер хўжаликлари ва корхоналар) сони, уларнинг тақсимланиши ва таркиби тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, ушбу аҳолининг кенг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш имконини беради. Миллий статистика тизими бундай рўйхатга олишларни халқаро миқёсда тавсия этилган шакл ва даврийликда (камида ўн йилда бир марта) ўтказиш ва натижаларини ўз вақтида нашр этиш имкониятига эга бўлиши керак.

Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 05.02.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5655-сон Фармонида мувофиқ аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини 2022 йилда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5853-сон Фармонида мувофиқ қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини 2023 йилда амалга оширади.

Аҳолини рўхатга олиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.02.2019 йилдаги ПФ-5655-сон Фармони билан 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш белгиланди, унинг бажарилиши учун масъул бўлган Бош вазир бошчилигидаги Республика комиссияси тузилиб, аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш, натижаларини умумлаштириш, қайта ишлаш ва эълон қилиш бўйича асосий чора-тадбирлар мажмуи тасдиқланди.

Давлат статистика қўмитаси томонидан "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида" ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар ўн йилда камида бир мартаба ўтказиб бориш учун ҳуқуқий асослар яратилган ҳамда рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тамойиллари, ташкилий усуллари белгиланган.

Ушбу Фармонга биноан, аҳолини рўйхатга олиш 2022 йил ноябр-декабр ойларида, синов тариқасида рўйхатга олиш эса 2021 йил 1 июлга қадар ўтказилиши белгилаб қўйилган. Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш даврига тахминан уч йилу тўққиз натижаларни қайта ишлашга – икки йилу тўрт ой ажратилади.

Қонун лойиҳаси Олий Мажлисга тасдиқлаш учун тақдим этилди. Ушбу қонун қабул қилингандан сўнг, ҳукуматнинг аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари бўйича режаси, масъуллар ва ажратиладиган маблағлар миқдори кўрсатилган ҳужжати қабул қилинади.

Аҳолини рўйхатга олишни тўғри ва сифатли ўтказиш ва тайёргарлик кўриш учун ҳукумат қонун ва қонуности ҳужжатларни қабул қилинишини тезлаштириши керак (рўйхатга олишни қоғозли шаклда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган). Шунингдек, қуйидаги йўналишларда ишларни оптималлаштириш керак: картография ишлари; анкеталарни тайёрлаш ва кўпайтириш; рўйхатга олишда вақтинча иштирок этувчи ходимларни ёллаш ва ўқитиш; маълумотларни қайта ишлаш ва алоқа ускуналарини сотиб олиш; аҳолини синов тариқасида рўйхатга олишни ўтказиш; тарғибот-ташвиқот кампаниясини ўтказиб бориш; молиялаштириш манбалари ва рўйхатга олиш тадбирлари бюджетини ҳал қилиш.

1989 йилда Ўзбекистонда ўтказилган сўнгги аҳолини рўйхатга олишдан буён бу борада институционал хотира қолмаган, Давлат статистика қўмитаси персонали эса тайёргарлик кўриш ва амалга ошириш жараёнини бошқариш, мувофиқлаштириш учун етарлича бошқарув ва техник салоҳиятга эга эмас.

ЮНФПА маслаҳатлашув ва керакли ҳужжатларни (қонун лойиҳаси, аҳолини рўйхатга олиш режаси) тайёрлашга техник кўмлакашиш мақсадида халқаро экспертларни жалб этишни таклиф қилди ва бу борада Тошкент шаҳрида бир қатор учрашувлар ўтказилди. Шу билан бирга, ЮНФПА Давлат статистика қўмитаси ходимларини чет элда ўтказиладиган йиғилишлар, тренинглар ва синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирларида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун хизмат сафарларига юборишга кўмаклашиб келмоқда.

Давлат статистика қўмитасида рўйхатга олиш масалаларини тайёрлаш ва мувофиқлаштириш билан шуғулланадиган ходимлар жуда кам. Улар турли хил бўлинмалардан келиб, ишга кўмилиб кетган бўлади. Юқорида айтиб ўтилган халқаро маслаҳатчилар Давлат статистика қўмитаси таркибида етарли миқдордаги ходимларга эга бўлган ихтисослаштирилган бўлинма тузишни тавсия этдилар. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини сифатли ташкил этишлари учун рўйхатга олишнинг барча техник жиҳатларини ўз ичига олган ҳолда (мувофиқлаштирувчилар, молиячилар, АКТ, статистиклар, маълумотларни қайта ишлаш, картография ва бошқалар) салоҳиятларини ошириб боришлари лозим ва бунинг учун бошқа мамлакатларга ўқув-тренинг ва тажриба алмашиш бўйича хизмат сафарларини уюштириб бориш керак. Бундай ихтисослаштирилган бўлим ҳали ташкил қилинмаган.

Давлат статистика қўмитаси умумий раҳбарликни таъминлаш учун зудлик билан аҳолини рўйхатга олиш бўйича Бош техник маслаҳатчининг (хорижий эксперт) ёрдамига муҳтож. Асосий қарор қабул қилувчилар билан танишиш учун маслаҳатчини Давлат статистика қўмитасига бириктириб қўйиш лозим. Бундан ташқари, юқорида айтиб ўтилган турли соҳаларда техник мутахассислар талаб қилинади.

Аҳолини рўйхатга олишнинг барча техник жиҳатларини синаб кўриш ва баҳолаш учун синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни 2021 йил 1 июлгача якунлаш керак.

Ҳозирги босқичда ҳали ҳам қийинчиликлар ва муаммоларни аниқлаш, шунингдек 2022 йил ноябрь-декабрь ойларида рўйхатга олишни ўтказиш учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилган режаларга ўзгартириш киритиш имконияти мавжуд.

2022 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси ҳукумат томонидан 2019 йил 5 февралда тасдиқланган. Концепцияга кўра, рўйхатга олиш уч босқичда ўтказилади:

Биринчи босқич (тахминан уч йил): аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш, ўтказиш тамойиллари, услубий асосини ва молиялаштириш манбаларини белгилаб берадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, чунончи: аҳолини синов тариқасида рўйхатга олишни ташкил этиш, карталаш ва уйларнинг рўйхатини тузиш, автоматлаштирилган рўйхатга олиш тизимини яратиш, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш шакллари ва жойларини тайёрлаш, ўқитиш ва салоҳиятни ошириш бўйича фаолият.

Иккинчи босқич (10 кундан 60 кунгача): аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш.

Учинчи босқич (икки йилдан уч йилгача): бирламчи маълумотларни кайта ишлаш, аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки якунларини олиш, аҳолини рўйхатга олиш якунларини тарқатиш.

Малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ва АКТнинг етарли даражада ривожланмаганлиги Давлат статистика қўмитасининг аҳолини рўйхатга олишни ташкил этишдаги асосий қийинчиликлари сифатида кўриш мумкин. Бундан ташқари, узоқ муддатли асосда халқаро экспертни жалб қилиниши ҳаракатлар режасида назарда тутилган тадбирларни самарали амалга ошириш учун жуда муҳимдир.

Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш

Мамлакат мустақилликка эришгандан бери қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш амалга оширилмаган бўлса-да, 2022 йилдаги аҳолини рўйхатга олишни ўтказишдан кейин 2023 йилда қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш мамлакатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Давлат статистика қўмитаси жалб қилинган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2023 йилда республикада қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни ташкил этиш бўйича йўл харитаси лойиҳасини ишлаб чиқмоқда.

Бизнесни рўйхатга олиш

Яқин келажакда Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2022 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш ва 2023 йилда қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни ҳисобга олган ҳолда бизнесни рўйхатга олиш режалаштирилмаган.

Миллий ҳисоблар

Миллий ҳисоблар статистикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тузилган бўлиб, у Миллий ҳисоблар тизими-1993 (МҲТ) тавсияларига мувофиқ амалга оширилади. 2013 йилдан бошлаб МҲТ-2008ни жорий қилиш бўйича сезиларли ҳаракатлар амалга оширилди ва Давлат статистика қўмитаси 2020 йилдан бошлаб МҲТ-2008ни босқичма-босқич жорий этиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги "Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий этиш тўғрисида"ги 691-сон қарори миллий ҳисоблар статистикасини кейинги икки йил учун такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Давлат статистика қўмитаси ходимлари МҲТ-2008ни жорий қилиш бўйича БМТ ЕИК, Евростат, ЕАСТА кўп йиллик дастури доирасида тўловлар баланси ва давлат молияси статистикаси билан боғлиқликда бир қатор семинарларда иштирок этдилар. Яқинда ХВФ билан муайян соҳалардаги ишларнинг устуворлигини белгиловчи тўрт йиллик режа келишиб олинди. МДҲ Статистика қўмитаси ва Осиё тараққиёт банки билан бу борадаги ҳамкорлик давом этмоқда. Давлат статистика қўмитаси “Глобал халқаро таққослаш дастури-2020”да иштирок этишга тайёрланмоқда.

Давлат статистика қўмитасининг Макроиқтисодий кўрсаткичлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси миллий ҳисоблар бўйича статистик маълумотларни тўплаш учун етарли кадрлар, техник ресурслар ва инфратузилмага эга. Бироқ, юқори даражадаги кадрлар қўнимсизлиги ва техник масалалар асосий муаммолар сифатида қайд этилади.

Амалдаги тажриба

МҲТнинг барча жорий ҳисоблари (ишлаб чиқариш ҳисоби, даромадларни шакллантириш ҳисоби, даромадларни тақсимлаш ҳисоби, даромадларнинг иккиламчи тақсимланиши ҳисоби, тасарруфдаги даромадлардан фойдаланиш ҳисоби, ресурслар ҳисоби), шунингдек, ресурслар ва улардан фойдаланиш ҳамда «харажатлар-ишлаб чиқариш» жадваллари тузилади.

Иқтисодиётнинг бешта ички институционал сектори билан бир қаторда, резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги операциялар ҳисоботларда акс эттирилади. Секторлар бўйича ҳисоблар МДҲ Статистика қўмитаси тавсиялари асосида тузилади.

ЯИМни баҳолаш ишлаб чиқариш усули ва харажатлар усули бўйича ҳам йиллик, ҳам чораклик асосда, даромад усули бўйича йиллик асосда амалга оширилади. Шу билан бирга, мавжуд маълумот базасининг ўзига

хос хусусиятлари туфайли ишлаб чиқариш усули бўйича ҳисоблаш асосий ҳисобланади. Амалиётда қуйидаги асосий халқаро таснифлар қўлланилади:

- Европа иқтисодий ҳамжамиятининг фаолият бўйича маҳсулотларнинг статистик таснифи (ЕИХФМСТ), 2-таҳрир;
- Европа Иттифоқининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таснифлагичи (ЕИИФТТ) 2008;
- мақсадлар бўйича шахсий истеъмол таснифи (МШИТ);
- давлат бошқаруви органлари функциялари таснифи (ДБОФТ);
- товарларни тавсифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган тизими (ТТКУТ).

Ишлаб чиқариш усули билан миллий ҳисоблар тузиш учун бошланғич маълумотлар асосан қуйидаги манбалардан шакллантирилади:

- барча тижорат корхоналари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, молиявий корхоналар ва фермер хўжалиklarининг йиллик ҳисоботлари;
- йирик тижорат корхоналарининг ойлик ҳисоботлари;
- кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг чораклик танлама кузатувлари;
- қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, савдо ва қурилишда, шунингдек, бошқа соҳаларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг танлама кузатувлари (норасмий сектор);
- Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва турли давлат органларининг маъмурий маълумотлари.

Харажатлар усули билан ЯИМ ҳисоблаб чиқиш учун қуйидаги маълумотлар манбалари фойдаланилади:

- уй хўжаликлари кузатувлари;
- чакана товар айланмаси тўғрисидаги маълумотлар;
- аҳолига тақдим этилаётган бозор хизматлари тўғрисидаги маълумотлар;
- қишлоқ хўжалиги соҳасига оид кўрсаткичлар;
- нархлар статистикаси тўғрисидаги маълумотлар;
- давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот;
- меҳнат статистикаси маълумотлари;
- корхоналарнинг инвестициялар ва захиралар тўғрисидаги маълумотлари;
- уй-жой фонди тўғрисидаги маълумотлар;
- нотижорат ташкилотларнинг ҳисоботлари;
- божхона статистикаси;
- тўлов баланси тўғрисидаги маълумотлар.

ЯИМнинг ишлаб чиқариш ва харажатлар усули ўртасидаги ҳар қандай номувофиқлик синчковлик билан таҳлил қилинади. Ҳисоб-китоблар барча учун очиқ бўлган услубий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади. Турли манбалардан олинган маълумотларни таққослаш, шунингдек вақт бўйича қаторларни таҳлил қилиш асосида манба ва жадваллардан фойдаланган ҳолда мувофиқлик ва тўлиқлик текширилади.

Ҳисоблар жорий ва доимий нархларда тузилади. Доимий нарх маълумотлари асосан дефляция усули ёрдамида ҳисобланади. Шу билан бирга, реал қўшилган қийматнинг янада ишончли баҳосини олиш

учун икки томонлама дефляцияга асосланган ёндашувни жорий этиш режалаштирилган.

Ялпи ички маҳсулотнинг динамик қаторлари 1991 йилдан бошланган, чораклик ҳисоб-китоблар 2001 йилдан жорий эжтилган. ЯИМдан ташқари, мамлакатнинг 14 ҳудудий-маъмурий бирлиги бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот кўрсаткичлари ҳам тузилади.

Маълумотлар базалари Microsoft Access-да сақланади, ҳисоб-китоблар эса Microsoft Excel-да амалга оширилади, аммо муқобил ечимларни, хусусан, миллий ҳисоблар учун яратилган бепул дастурларни ўрганишга қизиқиш мавжуд.

МҲТ-2008ни жорий қилиниши муносабати билан ЯИМ ҳажми, таркиби ва динамикасига таъсир кўрсатадиган соҳаларга устуворлик берилади. Давлат статистика қўмитаси асосий қийинчиликлар сифатида молиявий ҳисобни, активлардаги бошқа ўзгаришлар ҳисобини, қайта баҳолаш ҳисобини, активлар ва пассивлар балансини ажратиб кўрсатади.

Миллий ҳисоблар, тўловлар баланси статистикаси ва давлат молия статистикаси ўртасида янада кўпроқ мосликни таъминлаш, шунингдек, МҲТ-2008 таснифларини жорий қилиш бўйича ишлар давом эттирилади.

Кузатилмайдиган иқтисодиёт, уй-жой коммунал хизматлари ва асосий капитал истеъмоли ҳисоб-китоблари кейинги ечимини кутаётган масалалардир.

Мавсумий тузатишларни киритиш ҳисобига, шунингдек, базавий йилнинг йиллик ўртача нархлари асосида ҳисоб-китобларга ўтиш ҳисобига ва икки карра дефляция ёндашувини киритиш орқали ҳар чоракдаги ҳисобларнинг сифатини яхшилаш ҳам фаолиятнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Нархлар статистикаси

Давлат статистика қўмитаси ХВФ, ИХТТ, Евростат, БМТ ЕИК, Жаҳон банки ва ХМТ каби йирик халқаро ташкилотлар стандартларига мувофиқ нарх статистикасини (ИНИ, ИЧИ) тузади.

ИНИ ва уй хўжаликлари бюджетлари кузатувлари 1999 йилги МШИТга мувофиқ амалга оширади. Нархлар статистикасини тузишда товарларни танлаш уй хўжаликлари бюджети кузатувлари ва ишбилармонлик статистикаси маълумотларига асосланади, шу билан бирга ИНИда маълумот манбаларини танлашда корхоналар регистрлари маълумотлари ўрнига асосан нархлар ҳақида ахборот тўплашга масъул ходимларнинг хулосаларига таянилади.

ИНИ ва ИЧИ билан бир қаторда, нархлар статистикаси бошқармаси бошқа нархлар статистикасини ҳам ишлаб чиқади, масалан саноат корхоналари томонидан сотиб олинган материалларнинг манба индекси, транспорт ва алоқа хизматлари тарифлари, шунингдек, экспорт ва импорт товарлари учун инвестициялар нархлари индекслари. Ҳозирги вақтда республикада нархларни кузатиш ишлари планшетлардан фойдаланган ҳолда олиб борилмоқда.

Асосий муаммолар сифатида товарлар ва хизматлар бўйича нарх маълумотларининг сифати, янги маҳсулотлар ҳисоби, мавсумий жиҳатлар ва кичик корхоналарнинг нарх статистикасини тузишда қамраб олишдаги қийинчиликлар қайд этилади.

Ташқи савдо статистикаси

Ташқи савдо статистикаси Давлат статистика қўмитасининг ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармаси томонидан тузилади. Методологик тавсияларнинг асосий манбалари Халқаро валюта фондининг тўлов баланси ва халқаро инвестиция позициялари бўйича кўрсатмалари (ТБҚ-6) ва БМТ, ХВЖ, Жаҳон савдо ташкилоти, Евростат ва бошқалар томонидан тайёрланган халқаро савдо хизматлари статистикасининг 2010 йилдаги кўрсатмаларидир.

Товарлар ташқи савдоси ҳақида статистика маълумотлари тўплаш, қайта ишлаш ва маълумотлар базасини юритиш Давлат божхона қўмитаси томонидан божхона декларациялари маълумотлари асосида амалга оширилади. Давлат статистика қўмитаси фақатгина статистик мақсадларда зарур бўлган маълумотларни олади. 2018 йилда миллий шароитларга, хусусан халқаро фармацевтика соҳасига мослашиш учун маълум ўзгаришлар билан уйғунлаштирилган тизим асосида янги товар номенклатураси жорий этилди.

Хизматлар савдоси ҳақида статистика маълумотларининг асосий манбалари бўлиб маъмурий маълумотлар, йирик корхоналарнинг статистик ҳисоботлари, статистик кузатувлар (туризм, кичик корхоналар ва микрофирмалар) ва миқдорий баҳолаш усуллари ҳисобланади. Барча йирик корхоналар ҳар ойда маълумотларни тақдим этадилар, баҳолашлар эса кичик корхоналар ва микрофирмалар учун қўлланилади. Туристик хизматлар нуқтаи назаридан, кириш ва чиқиш туризми бўйича танлама кузатувлар амалга оширилади. Жаҳон туристик ташкилотининг тавсиялари асосида туризм бўйича ёрдамчи ҳисоб ишлаб чиқилган.

Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси томонидан фойдаланадиган таснифлагичлар ва стандартларни уйғунлаштириш масаласи ханузгача сақланиб қолмоқда. Ҳар икки идора халқаро таснифлагичлар ва стандартларнинг сўнгги версияларини жорий этиш ва бирлаштириш учун биргалиқда ишлашлари лозим.

Энергетика сектори статистикаси

Энергетика сектори кўрсаткичларини янада тўлиқ ҳисоблаш учун, 2020 йилдан бошлаб жисмоний шахслар томонидан энергия ресурсларидан фойдаланишни аниқлаш бўйича уй хўжаликлари кузатувларига қўшимча кўрсаткичларни киритиш режалаштирилган.

Сўров натижалари Ўзбекистонда аҳоли томонидан ёқилғи ва энергия истеъмоли тўғрисидаги зарур маълумотларни олишга, ёқилғи-энергетика балансидаги истеъмолнинг таркибини батафсил аниқлашга, маълумотларнинг сифатини яхшилашга ва фойдаланувчиларга энергия истеъмоли тўғрисида тўлақонли маълумот тақдим этишга ёрдам беради.

Энергия баланси кўрсаткичлари, энергия самарадорлиги ва жисмоний шахслар томонидан энергия истеъмолини баҳолашда моделлаштириш усулларида фойдаланиш масалалари бўйича халқаро экспертларнинг маслаҳатлари истеъмолчиларга тақдим этилаётган маълумотларнинг сифатини яхшилади.

Атроф-муҳит статистикаси

Атроф-муҳит мониторинги иқтисодиётнинг барча соҳаларига таъсир этувчи кўп қиррали масаладир. Атроф-муҳит статистикаси бир қатор вазирликлар (Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси) томонидан тўпланади.

Атроф-муҳитнинг статистик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш миллий методологияси Давлат статистика қўмитаси томонидан 2019 йил сентябр ойида ишлаб чиқилган.

Барқарор ривожланиш концепцияси доирасида интеграциялашган сиёсатни ишлаб чиқиш талабларига тўғридан-тўғри жавоб берадиган изчил, таққосланадиган ва кенг қамровли статистик маълумотлар ва кўрсаткичларни шакллантириш зарур.

Корхоналар статистикаси

Давлат статистика қўмитаси ҳар йили ва ҳар чорақда ўтказиладиган тадбиркорлик фаолияти кузавтувлари ва юридик шахсларнинг статистик ҳисоботлар асосида бозор иқтисодиёти ва бизнес статистикаси бўйича

маълумотларни тўплайди. Давлат статистика қўмитасининг барча таркибий бўлинмалари КТЯДРдан ҳисобот берувчи ташкилотлар рўйхатини тузишда маълумот базаси, шунингдек танлама базаси сифатида фойдаланадилар.

Кичик корхона ва микрофирмалар кузатувлари кичик бизнеснинг ривожланиши ҳақида статистик маълумотларни тайёрлаш учун қўлланилади. Бундан ташқари, Давлат статистика қўмитаси ҳар чорақда якка тартибдаги тадбиркорларнинг савдо, хизмат кўрсатиш, саноат ва транспорт соҳалари фаолиятини кузатувлар орқали ўрганади.

Саноат статистикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан йирик ва кичик корхоналарнинг статистик ҳисоботлари, шунингдек кичик корхоналар ва микрофирмалар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг танлама кузатувлари асосида тузилади, аммо яширин иқтисод бўйича маълумот йиғиш кузатув доирасидан ташқарида қолмоқда.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индексини шакллантиришда Давлат статистика қўмитаси ХВФ тавсияларига амал қилади, ҳисоб-китоблар дефляция усули бўйича йиғма асосда амалга оширилади. 2019 йил июль ойидан бошлаб Давлат статистика қўмитаси дискрет асосда ойлик саноат ишлаб чиқариш индексини шакллантиришни бошлади. Мавсумий тузатиш киритиш бўйича мавжуд методологияни сўнгги халқаро тавсияларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш зарур.

Давлат статистика қўмитаси корхоналарнинг кенг қамровли бизнес-регистрини яратишга ва юритишга устувор аҳамият бериши ҳамда мамлакатдаги барча корхоналар учун миллий идентификациядан фойдаланишни рағбатлантириши керак.

Давлат молияси статистикаси

Давлат молия статистикаси (ДМС) Молия вазирлиги томонидан тузилади. Давлат молияси статистикасини юритиш бўлими (2018 йил) янги ташкил этилганлиги сабабли ходимларни ёллаш ва ўқитиш зарурати пайдо бўлди.

Халқаро валюта фонди томонидан нашр этилган 2014 йилги давлат молия статистикаси бўйича қўлланма - бу йўналишда амал қилинадиган асосий халқаро стандартдир.

Халқаро валюта фонди Молия вазирлигида янги ходимларни тайёрлашни қўллаб-қувватламоқда. Ҳозирги вақтда маълумотларни тарқатиш ХВФ томонидан ишлаб чиқилган "кенгайтирилган Маълумотларни тарқатиш умумий тизими (к-МТУТ)" доирасида амалга оширилмоқда. Маълумотларнинг ошкоралигини таъминлаш, сифатини яхшилаш орқали яқин келажакда Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандартига (МТМС) ўтиш режалаштирилган.

Айни пайтда Молия вазирлиги ДМСҚ-2014га мувофиқ барча бюджетдан ташқари жамғармалар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари ҳисоблари ва бошқа институционал бўлинмаларнинг операцияларини ўз ичига олган ҳолда давлат бошқарувининг бутун сектори учун давлат молияси статистикасини қамраб олишни кенгайтириш устида ишламоқда.

Молия вазирлиги, Марказий банк ва Давлат статистика қўмитаси фаолиятини мувофиқлаштириш методологик жиҳатлар (масалан, бўлинмаларни таснифлаш, муайян операцияларни ҳисобга олиш) ва статистик маълумотларнинг тафовутлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Марказий банк МҲТ-2008, ДМС, ПКМС ва ТБҚ-6/ХИПни уйғунлаштириш учун ўзаро самарали алоқада бўлиши керак, бу статистик маълумотларнинг сифати ва ишончилигини ошириш, стандартларнинг уйғунлашувини таъминлашга хизмат қилади.

Молия вазирлиги ялпи фискал статистика бўйича молиявий ҳисоботларнинг яхлитлигини ошириш чораларини кўрмоқда. Миллий бюджет таснифи ДМСҚ-2014 методологиясига мувофиқ қайта кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, 2020 йилги бюджет ДМС ҳисоботлари ва бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар ўртасидаги солиқ-бюджет йиғма кўрсаткичларидаги тафовутлар тушунтирилган таққослаш жадвалини ўз ичига олади.

Молия вазирлиги халқаро стандартларга мувофиқ ДМС кўрсаткичлари бўйича чораклик динамик қаторларни ишлаб чиқиш муҳимлигини таъкидлайди.

Ташқи сектор статистикаси

Тўлов баланси 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тузилади. Халқаро валюта фондининг тўлов баланси ва халқаро инвестицион позициялар бўйича қўлланмаси (ТБҚ-6) тўлов баланси бўйича статистик маълумотларни тайёрлаш учун асос ҳисобланади.

Тўлов баланси статистикасини тайёрлашда Марказий банк Microsoft Excel дастуридан фойдаланади, бу Давлат статистика қўмитаси билан маълумот алмашишда ҳам қўлланилади. Марказий банк к-МТУТни амалга ошириш бўйича Давлат статистика қўмитаси ва ХВФ билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Тўлов баланси, халқаро инвестиция ҳолати ва ташқи қарз бўйича статистик маълумотлар ҳар чорақда ўзбек, рус ва инглиз тилларида эълон қилинади.

Ташқи сектор статистикасини тузишда техник кўмак кўрсатиш бўйича ХВФ миссиялари тавсияларини амалга ошириш, жумладан, ТБҚ-6га мувофиқ аввалги йиллар бўйича тўлов баланси кўрсаткичларини қайта ҳисоблаш, ПКМС-2016 стандартларини жорий қилиш ҳамда маълумотлар тўплаш ва қайта ишлаш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш Марказий банк томонидан яқин истиқбол учун статистик фаолиятнинг асосий устувор йўналиши сифатида белгиланган.

Демографик статистика

Демографик статистика 1989 йилда ўтказилган сўнги демографик сўров натижалари асосида туғилиш, ўлим ва миграция тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатдан ўтказиш (туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилади. Мамлакат ичкарисида ҳам, чет элда ҳам келиш ва кетишни расмийлаштириш миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларининг келиш ва чиқиш варақалари - статистик купонлари асосида амалга оширилади. Сўнги рўйхатга олиш тадбирларига кўп вақт бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатнинг демографик кўрсаткичлари сифати шубҳа остида бўлиши табиийдир. Навбатдаги аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик ишлари 2017-2021 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракат стратегиясининг бир қисмидир. Аҳолини рўйхатга олиш концепцияси ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Таълим статистикаси

Ўзбекистон давлат таълим муассасаларидаги таълим статистикаси таълим вазирликлари (Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги) томонидан таълим муассасалари даражасида йиғилган маъмурий маълумотларга асосланади. Хусусий таълим муассасаларидан маълумот йиғиш Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Таълим муассасалари ва ташкилотлари даражасида маълумот йиғиш вазирликларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Вазирликлар Давлат статистика қўмитаси билан ҳамкорликда тўпланган маълумотларнинг турларини аниқлайдилар ва статистик маълумотлар шаклларини янгилайдилар.

Шу билан бирга, таълим муассасалари ҳам Давлат статистика қўмитасига электрон шаклда маълумотларни тақдим этадилар. Аҳолининг маълумот даражаси тўғрисидаги қўшимча маълумотлар Давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказилган уй хўжаликлари кузатувлари асосида тўпланади, бу эса вазирликлардан олинган маълумотларнинг сифатини қайта текшириш имконини беради.

Ўз навбатида, бу жараён ишларнинг такрорланишига ва натижалардаги чалкашликларга олиб келиши мумкин. Бундай такрорланишнинг олдини олиш учун ҳар бир идоранинг роли ва мажбуриятлари аниқ белгиланиши керак.

Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари Жаҳон банки билан таълимни бошқаришнинг ахборот тизимларини (ТБАТ) ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилмоқдалар, бу эса маълумотларни электрон шаклда тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имконини яратади. Мактабгача таълим вазирлиги ЮНИСЕФ кўмагида ТБАТни йўлга қўйиш соҳасида ижобий натижаларга эришган ва бу борада бошқа таълим соҳасидаги вазирликлардан бир қадам олдинда. Шунингдек, ТБАТни бошқа йўналишларда ҳам, айниқса стратегик режалаштириш, бошқариш ва таълим сифатини ўлчаш соҳасида янада кенгроқ фойдаланишга интилмоқда.

Бироқ, Маданият вазирлигида маълумотларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими мавжуд эмаслиги сабабли ТБАТдан фойдаланиш бўйича эҳтиёж кўзга ташланмоқда.

Бундан ташқари, ҳукумат ҳар бир таълим босқичида таълим соҳасини янгилашнинг ўрта муддатли (беш йиллик) стратегиясини тасдиқлайди ва ушбу стратегия доирасида фаолиятнинг асосий кўрсаткичларини (ўқув натижалари кўрсаткичлари, мақолалар, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ҳаракатчанлиги ва бошқалар) жорий этиш орқали

миқдорий мониторинг ўтказди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича маълумотларни шакллантиришга зарурт мавжуд.

Шунингдек, ушбу вазирликларнинг ҳар бирида ўз стандартларини энг сўнги халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, ТБАТ лойиҳаларини жорий қилиш ва узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш учун алоҳида мустақил бўлинма ташкил этиш муҳимдир. Юқори давлат органи сифатида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ушбу тадбирларни амалга оширишда мувофиқлаштирувчи ролини ўз зиммасига олиши керак.

Соғлиқни сақлаш статистикаси

Соғлиқни сақлаш тизимининг бир қисми сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли саломатлиги статистикаси, соғлиқни сақлаш муассасалари статистикаси ва кадрлар статистикаси маълумотларини тўплайди. Соғлиқни сақлаш тизимига сарфланадиган харажатлар статистикаси, шунингдек, бошқа турли хил кўрсаткичларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий ташкилотларидан олиш мумкин. ЖССТнинг техник кўмаги билан соғлиқни сақлаш бўйича ҳисоблар тизимини босқичма-босқич жорий этиш бошланди.

Шунингдек, Давлат статистика қўмитаси давлат (Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимига кирмайдиган) ва хусусий тиббиёт муассасалари ва ташкилотларидан маълумотларни электрон кўринишда тўплайди.

Давлат статистика қўмитаси ва вазирликлар ўртасида бир нечта манбалардан маълумот тўплашнинг институционал механизмларини кўриб чиқиш керак.

СРМСни амалга ошириш жараёнида халқаро стандартларга мувофиқ соғлиқни сақлаш статистикасини тузиш ва тарқатиш усуллари қайта кўриб чиқилади, миллий ва халқаро институтларнинг сўровларига

жавобан статистик маълумотларни аниқ ва тўлиқ акс эттириш учун зарур такомиллаштиришлар амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг статистика бошқармаси салоҳияти ва ходимлар сони халқаро стандартлар ва таснифларнинг сўнгги ўзгаришларига мувофиқ ишончли статистикани олиш учун етарли эмас. Илғор халқаро стандартларга мувофиқ статистика фаолиятини такомиллаштириш ва бошқарманинг таҳлилий салоҳиятини кучайтириш учун кадрлар тайёрлашга ўткир эҳтиёж мавжуд. Автоматлаштирилган маълумотларни йиғиш тизимини ишлаб чиқиш ва уни бошқа маълумотларни ишлаб чиқарувчилар билан бирлаштириш орқали миллий статистика тизимининг самарадорлиги ва сифати янада ошади.

Ижтимоий соҳа статистикаси

Ижтимоий статистика асосан тегишли вазирликлар ва давлат муассасалари томонидан тузилади.

Барқаро ривожланиш соҳасида халқаро стратегиялар ва ривожланишни режалаштириш стратегиялари (масалан, БРМ) учун уй хўжалиklarининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари Давлат статистика қўмитаси томонидан уй хўжалиklари кузатувларини ўтказиш орқали ишлаб чиқилади. 2000 йилдан буён ҳар ойда турмуш даражаси тўғрисидаги статистик маълумотларни олиш учун уй хўжалиklарида кузатувлар ўтказиб келинмоқда.

Кузатув натижаларига кўра, аҳоли ва уй хўжалиklари истеъмолининг ўртача даражаси, уларнинг демографик, ижтимоий ва иқтисодий хусусиятлари ва уй хўжалиklарининг кам таъминланганлик даражаси бўйича тақсимланиши, истеъмолни таркиби ва унинг динамикаси, шунингдек уй хўжалиklарининг манбалар бўйича даромадларининг тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар шаклланади.

Уй хўжаликлари кузатувлари

Уй хўжаликлари бюджетини ўрганиш Ўзбекистонда расмий статистиканинг муҳим манбаларидан биридир. Кузатув давомида олинган маълумотлар давлат идоралари ва жамоатчиликка фаровонликни, иқтисодий фаолиятни ва бошқа муҳим тенденцияларни кузатишга имкон беради. Ушбу маълумотлар Давлат статистика қўмитасининг бошқа статистика ишларини, шу жумладан миллий ҳисобларни, истеъмол нархлари индексини ва энг кам истеъмол саватчасини ҳисоблаб чиқишда ёрдам беради.

Давлат статистика қўмитаси уй хўжаликлари кузатуви доирасида доимий равишда истеъмол ва харажатлар тўғрисидаги маълумотларни тўплайди. 2000 йилдан буён бу кузатувлар Ўзбекистонда фаровонлик даражаси тўғрисида маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб келган. Кузатувлар сифатини таъминлаш ва республика миқёсида ҳар бир ҳудудни (хусусан, 12 вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида) шаҳар ва қишлоқ жойлари кесимида маълумотга эга бўлиш учун мос танланма ишлаб чиқилади.

2000 йилдан бошлаб танлаб олиш режаси ва мавзулар бўйича кузатувларга бир қатор ўзгаришлар киритилди. Ҳозирги вақтда танлама гуруҳ ҳажми йилига икки марта 208 та кластердан танлаб олинган 10000 уй хўжаликларини ташкил этади. Танланма гуруҳнинг стратификацияланган кўп босқичли намунавий дизайни доимий равишда уй хўжаликларини танлаб олиш учун фойдаланилади.

Амалий тажриба мақсадга эришиш учун хизмат қилади, аммо харажатларни камайтириш, маълумот қамровини кенгайтириш ва аниқликни ошириш, шунингдек, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашга сарфланадиган вақтни қисқартириш учун сезиларли даражада тамокиллаштиришга эҳтиёж сезилади.

Барқарор ривожланиш мақсадлари статистикаси

2018 йил октябрь ойида Ўзбекистон ҳукумати Барқарор ривожланиш миллий мақсадларини (БРМ) амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида (841-сонли) қарорни қабул қилди ҳамда БРМнинг 16 миллий мақсадлари ва 125 миллий вазифалари рўйхатини тасдиқлади. БРМ бўйича миллий мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди, уни бош вазир ўринбосари томонидан бошқарилади, у 21 та давлат ташкилотларида миллий БРМларини амалга оширилишини назорат қилади. БРМнинг аниқ мавзулари бўйича олти та эксперт гуруҳлари тузилган ва миллий БРМларини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар харитаси тасдиқланган. БРМ бўйича Миллий Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан Давлат статистика қўмитаси бошчилигидаги идоралараро гуруҳ томонидан БМТ Тараққиёт дастури билан келишилган ҳолда БРМ бўйича 206 миллий кўрсаткичлар рўйхати тасдиқланган. Бундан ташқари, Давлат статистика қўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури кўмагида БРМ миллий веб-сайти (nsdg.stat.uz) ишга туширилган, унда ҳозирда 206 индикатордан 98 таси эълон қилинган. Бугунги кунда Давлат статистика қўмитаси БРМ статистик маълумотларидаги муҳим бўшлиқларни тўлдириш, БМТнинг техник кўмаги ёрдамида зарур методологияларни ишлаб чиқиш ва маълумотларни йиғиш механизмларини яратиш устида ишламоқда.

Бундан ташқари, БРМ кўрсаткичларини шакллантириш, ҳисоблаш ва мониторинг қилиш, шунингдек БРМ кўрсаткичларини ишлаб чиқиш учун масъул вазирлик ва идораларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш бўйича бошқа етакчи мамлакатлар тажрибасини ўрганиш тавсия этилади.

Илм-фан ва инновациялар соҳасидаги статистика

Илм-фан, тадқиқотлар ва ишланмалар бўйича тегишли статистик маълумотларни шакллантирилиши инновацияларни рағбатлантириш ва инновациялар билан боғлиқ миллий ва халқаро контекстда мамлакатнинг ривожланишини кузатишда муҳимдир.

Инновациялар статистикасида бир қатор муаммоли жиҳатлар мавжуд. Ушбу соҳада маълумотларнинг етишмаслиги ва халқаро миқёсда тан олинган амалиётга, масалан, Осло қўлланмаси-2018 ва Фраскати қўлланмаси-2015га мувофиқ таснифлагичлар, методология ва стандартларни қўллашда техник ёрдамга эҳтиёж мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Европа мамлакатларининг инновациялар соҳасидаги статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тақдим этиш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги тажрибасини ўрганиш зарурати мавжуд.

Гендер статистикаси

Гендер статистикасининг халқаро стандартларга жавоб берадиган, йиллар давомида Ўзбекистонда эркак ва аёллар ҳаётининг аниқ воқелигини акс эттирувчи кўрсаткичлар мавжумини ишлаб чиқиш зарур.

Гендер бўйича ажратилган кўрсаткичлар сиёсатчиларга қарорларни қабул қилишда вазиятни таққослашга, шу қаторда БРМни гендер нуқтаи назаридан кузатишни осонлаштириш учун маълумотлар билан таъминлашга ёрдам беради.

Меҳнат статистикаси

Давлат статистика қўмитаси томонидан меҳнат бозори статистикасини шакллантиришда айрим истиснолардан ташқари ХМТ стандартлари ва таснифларига амал қилинади.

Давлат статистика қўмитаси корхона ва ташкилотларнинг статистик ҳисоботлари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўтказилган меҳнат ресурслари бўйича кузатувлари, солиқ органларининг маълумотлари, шунингдек, таълимнинг кундузги шаклда таҳсил олувчи талабалар сони бўйича таълим муассасаларининг давлат статистика

маълумотлари асосида иш билан банд бўлганлар тўғрисидаги маълумотларни шакллантиради.

Ишчи кучи кузатувларининг барча босқичлари, жумладан интервьюерларни ўқитиш, танлаш, сўровномаларни ишлаб чиқиш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан амалга оширилади ва тартибга солинади. Вазирлик ХМТ меъёрларини қисман бажаради, аммо сезиларли истиснолар мавжуд, хусусан, ишсизликни аниқлаш, ишланган соатлар сони тўғрисида маълумотларни тўплаш амалиётининг йўлга қўйилмаганлиги ва бошқалар. Кузатув ҳозирги кунда қоғоз кўринишида оширилади ва келгусида шахсий суҳбатлар орқали маълумотларни тўплашнинг электрон шаклига ўтиш режалаштирилмоқда. Кузатув натижаларини ҳужжатлаштиришда кузатув давомида олинган жавоблар фоизи аниқлаштирилмайди.

Ўзбекистонда маълум даражада бўш иш ўринлари, иш ҳақи ва даромадлар бўйича статистик маълумотлар мавжуд, аммо уларни халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш зарур. БҲХТ (2008) ва КХСТнинг (2011) сўнгги версиялари қўлланилмайди. Танлаш коэффициенти Ўзбекистондаги уй хўжаликларининг 0,3 фоизини ташкил қилади. Танланма режаси икки босқичли тизимли табақалаштирилган кластер намунаси бўлиб, унда мамлакат минтақалари қатламлар шаклида, маҳаллалар (қишлоқ аҳоли пунктлари / турар-жой массивлари) кесимида кластерлар кўринишида бўлади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳусусий ва давлат секторидаги корхоналар орасида бўш иш ўринлари бўйича сўровларни ўтказди.

Бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар давлат статистика ҳисоботлари асосида ҳар йили тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ бажарилган ишлар ёрдамида тузилади.

Давлат статистика қўмитаси 2013 йилдан буён йирик корхоналардаги (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан ташқари) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни тўплашни амалга оширади.

Меҳнат статистикаси бўйича миллий дастур халқаро стандартларга мувофиқ умумий тушунчалар, таърифлар ва таснифлардан фойдаланишни таъминлашга қаратилган бўлиши ва натижаларнинг мослиги ва таққосланиши мумкинлигини баҳолаши керак.

Туризм соҳаси статистикаси

Давлат статистика қўмитаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЖСТ) туризм статистикаси бўйича халқаро тавсияларига (ТСХТ-2008) мувофиқ ишлаб чиқилган сайёҳлик статистикасини тузишда ҳамкорлик қилмоқда.

Бироқ, ички туризм статистикаси, туризм статистикасини халқаро таққослаш ва чет эллик сайёҳлар учун маҳаллий йўналишлар тўғрисида батафсил маълумот бериш каби баъзи йўналишларни такомиллаштириш талаб этилади.

Транспорт статистикаси

Зудлик билан ҳал қилиниши керак бўлган энг муҳим муаммолардан бири бу транспорт соҳаси тўғрисида тўлиқ, ишончли ва аниқ маълумотларнинг йўқлигидир. Давлат статистика қўмитаси яқинда ташкил этилган Транспорт вазирлиги билан сўнгги халқаро стандартларга мувофиқ транспорт статистикасини ишлаб чиқишда яқин ҳамкорликни йўлга қўйиши керак.

Хусусан, транспорт фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (уй хўжаликлари) ҳисобини, транспорт статистикасини тузиш методологияси ва технологияларини (транспорт хизматлари нархлари ва тариф индекслари, транспорт инфратузилмаси ва логистика статистикаси, йўловчи ва юк ташиш кўрсаткичлари каби) халқаро

стандартларга мувофиқ такомиллаштириш зарур. Транспорт ва иқтисодий мувозанатни ривожлантириш учун зарур бўлган маълумотлар базасини яратиш Транспорт вазирлиги фаолиятида статистик йўналиш бўйича устувор вазифа ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги статистикаси

Давлат статистика қўмитаси корхоналар ва ташкилотларнинг статистик ҳисоботлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари, қишлоқ хўжалиги ва фермер хўжаликлари кузатувлари асосида қишлоқ хўжалиги статистикасини шакллантиради. Давлат статистика қўмитаси ФАО билан озиқ-овқат балансини тузишда яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг муҳим сектори бўлганлиги сабабли, ишчи кучининг 28 фоизини ва мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 28,8 фоизини ташкил этади, шунинг учун ишончли қишлоқ хўжалиги статистикасига эҳтиёж катта.

Халқаро стандартларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги статистикасининг ишончли тизимини ишлаб чиқиш 2020-2030 йилларга мўлжалланган Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш миллий стратегиясида стратегик мақсадлар ва тадбирларни амалга оширишдаги ютуқларни баҳолашни таъминлайдиган асосий стратегик устувор йўналиш сифатида белгиланган. Ушбу стратегияга мувофиқ, 2023 йилнинг биринчи чорагида қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сон Фармонида мувофиқ, 2023 йилнинг I чорагида қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш режалаштирилган.

Шу ўринда, агротехника тадбирлари, айрим турдаги қишлоқ хўжалик экинларнинг вегетация даври, уларни етиштириш, иқлим шароитига ва бошқа сабабларга кўра I чорақда қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш самарасиз ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.02.2019 йилдаги ПФ-5655-сон Фармониға мувофиқ 2022 йилда Ўзбекистон Республикасида аҳоли рўйхатға олиниши режалаштирилмоқда, унинг якуний маълумотлари 2024 йилға қадар тайёрланади.

Халқаро ташкилотларнинг тавсияларига кўра, ушбу маълумотларни статистиканинг бир тармоғида таққослаш базаси ёки бошқа бошқасида статистик тадқиқотлар учун зарур бўлган маълумот манбаи сифатида фойдаланишда аҳолини рўйхатға олишнинг фойдаси ошади. Масалан, у танлама кузатишлар ёки қишлоқ хўжалигини рўйхатға олиш учун статистик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Юқорида баён қилинганларни ҳисобға олган ҳолда, 2024 йилда қишлоқ хўжалигини рўйхатға олиш мақсадға мувофиқроқ бўлади. Бундан ташқари, Қишлоқ хўжалиги вазирлигида юқори малакали кадрлар ва етарли инфратузилманинг йўқлиги ишончли статистик маълумотларни тўплашни қийинлаштиради.

Қурилиш соҳаси статистикаси

Қурилиш сектори бинолар, ҳудудлар ва бошқа инфратузилма объектларини кўкаламзорлаштириш, масалан, йўллар, кўприклар, тўғонлар ва бошқалар кўринишидаги асосий воситаларни яратиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ёки кенгайтиришни ўз ичига олади.

Давлат статистика қўмитаси қурилишда молиявий бўлмаган активларға инвестицияларнинг таркиби ва динамикасини, асосий воситаларға инвестициялар, асосий воситаларни, ишлаб чиқариш объектларини, турар-жой бинолари ва ижтимоий объектларни фойдаланишға топширишни ифодалайдиган статистик кўрсаткичларни ишлаб чиқади.

Қурилиш соҳасидаги статистик маълумотларни умумлаштириш учун қўлланиладиган методология ва стандартларни қурилишга инвестициялар бўйича дастлабки статистик маълумотларнинг тўлиқ қамрови ва ишончилигини таъминлаш учун халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш зарур.

Хизматлар соҳаси статистикаси

Хизмат кўрсатиш соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган соҳасидир ва ялпи ички маҳсулотнинг 47,3 фоизини, иқтисодиётда банд бўлганларнинг эса 49,7 фоизини ташкил қилади.

Давлат статистика қўмитаси йирик корхоналарнинг статистик ҳисоботлари, кичик корхоналар ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, нотижорат ташкилотлари ва яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини баҳолаш натижалари асосида иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар статистикасини шакллантиради.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматларнинг статистик ҳисоби хизматлар кўрсатиш вақтидаги нархларда (жорий нархларда) тўпланган усул асосида амалга оширилади.

Бозор хизматларининг реал ҳажми индекслари дефляция усули ёрдамида базавий ва жорий даврдаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқилади, сўнгра иқтисодий фаолият турларига қараб бирлаштирилган индексларни босқичма-босқич йиғиш амалга оширилади.

Хизматлар соҳасидаги статистик маълумотларни умумлаштиришда қўлланиладиган методология ва стандартларни халқаро стандартларга мувофиқ равишда хизматлар тўғрисида статистик маълумотларнинг яхшиланиши учун такомиллаштириш зарур.

Маъмурий маълумотлар манбалари

Давлат органларининг (Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқалар) маъмурий маълумотлари Давлат статистика қўмитаси учун фойдаланиладиган асосий маълумот манбаидир. Масалан, Адлия вазирлиги демографик статистика (туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралишлар) бўйича маъмурий маълумотларни тўплайди.

Бироқ, Давлат статистика қўмитаси ва тегишли идораларнинг статистик маълумотлари мазмунини мувофиқлаштириш ва сифатини яхшилаш учун ўзаро алоқалари янада самарали бўлиши керак.

Аксарият ҳолларда маъмурий маълумотлар ноаниқ, нотўлиқ ва номувофиқ бўлиб, ўз вақтида шакллантирилмайди. Натижада, маълумотлардан фойдаланувчилар бутун миллий статистика тизими тўғрисида салбий фикрга эга бўлишлари мумкин.

Давлат статистика қўмитаси, миллий статистикани ишлаб чиқарувчи марказий орган сифатида, вазирлик ва идораларга халқаро таснифлар ва стандартларнинг сўнгги версияларини интеграциялашда ва маъмурий маълумотларни шакллантиришда ёрдам бериш юзасидан ўз ролини ошириши керак.

Мавжуд вазиятни яхшилаш ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлаш "Давлат статистикаси тўғрисида" ги Қонун асосида ҳамкорликнинг ўзига хос механизмларини ва маълумотлар базаларига киришни белгиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

Шунингдек, метамаълумотларни ва статистик фаолиятнинг бошқа жиҳатларини бирхиллаштириш бўйича умумий сиёсатни ишлаб чиқиш зарур.

2.9. SWOT-таҳлил (кучли ва кучсиз томонлар, имкониятлар ва таҳдидлар таҳлили)

Кучли томонлар

Ҳуқуқий ва ташкилий масалалар

- давлат статистикасининг ҳуқуқий асосини «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонун (2002 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3165-сон ва 2019 йил 9 апрелдаги «Давлат бошқаруви очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4273-сон қарорлари ва бошқалар ташкил қилади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан юқоридаги қарорлар ижросини таъминлаш, шунингдек, статистика фаолиятини тартибга солиш бўйича бир қатор қарор ва фармойишларни қабул қилган;

- статистик маълумотлар махфийлиги қонунчилик билан кафолатланади;

- умуман олганда, қонунчилик-ҳуқуқий базаси халқаро тавсияларга, шу жумладан, ЕЭСУ ва Евростат билан ҳамкорликда БМТ ЕИК томонидан ишлаб чиқилган расмий статистика тўғрисидаги намунавий қонунга (РСТНМ) мос келади;

- қонунчиликка кўра, Давлат статистика қўмитасининг мувофиқлаштирувчи роли Статистика кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган турли тармоқлар вакилларида иборат коллегиял кенгашув органи таъсис этиш билан кучайтирилади;

- умуман олганда, Давлат статистика қўмитасининг кадрлар ва молиявий салоҳияти Давлат статистика ишлари дастурига биноан олиб борилаётган ишларни бажариш учун етарли;

- Давлат статистика қўмитаси меҳнатга лаёқатли ходимлар билан таъминланган ва кейинги йилларда уларнинг маоши барқарор равишда ошиб бормоқда. Сўнги беш йил давомида Давлат статистика қўмитасининг ташкилий ва кадрлар таркибини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилди;
- Давлат статистика тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг асосий функцияларини бажариш учун Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ташкил этилди. Унинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари нисбатан катта салоҳиятга эга;
- йиллик ва кўп йиллик дастурлар доирасидаги тадбирлар, қоидага кўра, давлат бюджетидан молиялаштирилади, аммо бюджетдан ташқари маблағлар ва халқаро ташкилотларнинг маблағларини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Статистика соҳасида инфратузилма

- ташқи савдо, тўлов баланси, давлат молияси, пул статистикаси, банк статистикаси, солиқ статистикаси, меҳнат статистикаси, ижтимоий статистика ва бошқалар каби долзарб статистик маълумотлар давлат статистика тизими томонидан мунтазам равишда шакллантириб борилади. Ушбу статистик маълумотлар статистик инфратузилманинг таркибий қисмидир ва рўйхатга олишлар, кузатувлар, маъмурий маълумотлар ҳамда маълумотларни тўплашнинг бошқа воситалари асосида ишлаб чиқилади;
- умуман олганда, маълумотларни шакллантириш тизими тартибга солинган. Маълумотлар тўпланиб, қисман ҳудудий статистика органларида (туман/шаҳар ва вилоят) қайта ишланади, сўнгра якуний ишлов бериш, таҳлил қилиш ва тарқатиш учун марказий аппаратга юборилади. Шунингдек, ҳудудий статистика органлари ҳам ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича статистик материалларни тайёрлашлари ва эълон қилишлари мумкин;

- сўнги йилларда статистик маълумотларни тўплаш ва амалиётга халқаро стандартларни жорий этиш жараёнларини модернизация қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Аксарият йўналишларда халқаро стандартларнинг сўнги версиялари ва муайян соҳалардаги энг яхши амалиётларни жорий этиш бўйича ишлар бошланди;

- статистикани ривожлантиришнинг беш йиллик дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги ПҚ- 3165-сон қарори билан тасдиқланган. Дастур статистик ишлар бўйича кўп йиллик ва йиллик дастурларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади;

- статистика ишлари кўп йиллик (беш йиллик) дастурга ва йиллик Давлат статистика ишлари дастурларига мувофиқ амалга оширилади. Кўп йиллик дастур статистик маълумотлардан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганишга асосланади ва давлат статистикасининг мақсадлари, йўналишлари ва ҳажмларини белгилаб беради. 2017-2021 йилларга мўлжалланган амалдаги кўп йиллик дастур Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган (ПҚ-3165);

- Давлат статистика ишларининг йиллик дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Дастурни тасдиқлашдан олдин лойиҳаи ҳукумат порталида муҳокама қилиш учун жойлаштирилиб, фойдаланувчилар билан мувофиқлаштириш жараёнидан ўтади;

- Давлат статистика қўмитаси ҳар йиллик ва кўп йиллик дастурлар ижросини доимий равишда кузатиб боради ва уларнинг бажарилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига чораклик ва йиллик ҳисоботларни тақдим этади;

- Давлат статистика қўмитаси томонидан фойдаланиладиган таснифлагичлар халқаро стандартлар ва таснифларга мос келади, улар Давлат статистика қўмитаси ва бошқа статистик маълумотларни

ишлаб чиқарувчилар билан келишилган (масалан, ИФУТ (NACE Rev.2), ДМСҚ, ТБҚ). Халқаро таснифлагичлар, кўрсатмалар ва услубий тавсиялар статистиканинг барча соҳаларида кенг тарқалган;

- ҳозирги пайтда Давлат статистика қўмитаси рўйхатга олиш органларидан (Адлия вазирлиги ва Марказий банк) олинган маълумотлар асосида корхона ва ташкилотларнинг (якка тартибдаги тадбиркорлар бундан мустасно) ягона давлат регистрини (КТЯДР) юритади;

- Давлат статистика қўмитаси ва бошқа органлар статистик маълумотларни (шу жумладан, аҳолини рўйхатга олиш, ялпи кузатув, махсус кузатувлар ва маъмурий манбалардан) тўплаш учун барча статистик усуллардан фойдаланадилар. Умуман олганда, Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлатиладиган статистик усуллар етарли, аммо такомиллаштирилиши мумкин.

Фойдаланувчи ва таъминотчилар ўртасидги муносабатлар

- Давлат статистика қўмитаси томонидан яратилган статистик маълумотларга турли хил тарқатиш воситалари, шу жумладан медиа каналлари, Интернет ва босма оммавий ахборот воситалари орқали уланиш мумкин.

- ҳозирги вақтда маълумотларни онлайн маълумотлар базаси орқали тарқатиш ва уларни турли форматларда осон юклаб олиш имкониятини яратиш масалалари ишлаб чиқилмоқда.

- Интернет тармоғида кенг омма учун мўлжалланган асосий макроиқтисодий ва соҳа/тармоқ кўрсаткичлари бўйича агрегацияланган статистик маълумотлар мавжуд;

- Давлат статистика қўмитасида электрон маълумотларни тўплаш, ягона давлат регистри асосида юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича маълумотлар базаларини бошқариш учун АКТдан кенг фойдаланилмоқда.

Маълумотларни қайта ишлаш соҳасидаги инфратузилма

- Давлат статистика қўмитасида марказий аппаратда ҳам, ҳудудий органларида ҳам дастурий таъминотлардан фойдаланилади;
- бошқа жойларда жойлашган компьютерлар ва серверларга маълумотларни захира қилиш орқали маълумотларни бошқариш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш амалиёти етарли кўринади. Ҳозирги вақтда Интернетда контентни бошқариш ва Давлат статистика қўмитасининг веб-сайтини янгилаш бўйича барча ишларга масъул бўлган кичик гуруҳ мутахассислари томонидан марказлаштирилган ҳолда амалга оширилмоқда;
- компьютер ускуналари (Давлат статистика қўмитаси тизимида 2710 та компьютер) етарли деб тан олинган, бунда 25%-30% компьютерларнинг эксплуатация даври уч йилдан камни ташкил қилади.

Кучсиз томонлар

Ҳуқуқий ва ташкилий масалалар

- ҳуқуқий базанинг заифлиги. Статистик фаолиятнинг ҳуқуқий асослари заиф ва эскирган. Маълумот етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчилар уртасида атамаларида аниқ фарқ йўқ. Статистик маълумотларга эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни бошқариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар билан қарама-қаршиликлар мавжуд. Бундан ташқари, манфаатдор томонлар Давлат статистика қўмитасининг статистика соҳасида ваколатли давлат органи сифатида ваколати ва қонунийлигини тўлиқ англаши ва тан олишини таъминлаш учун "Расмий статистика" атамасини аниқ белгилаб қўйиш керак. Қонунда статистик маълумот ишлаб чиқарувчиларнинг статистика соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш белгиланмаган, чунки унда "статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчилар" атамаси мавжуд эмас;

- Статистика кенгаши тегишлича фаолият кўрсатмаяпти. У ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясидан кўра маслаҳат вазифасини бажаради; шу сабабли унинг фаолияти тизим амалиётини энг сўнгги халқаро стандартлар ва методологияларга мувофиқлигини таъминлашга ва маълумотлар ишлаб чиқарувчиларнинг статистика соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилмаган;
- статистик маълумотлар ва статистик ахборотни тўплаш, синтез қилиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш учун кадрлар ресурсларининг чекланганлиги (ходимлар ва техник мутахассислар сони) нуқтаи назаридан ресурслар етишмаслиги ва имкониятларнинг чекланганлиги;
- маълумотларни ишлаб чиқарувчи бошқа вазирлик ва идоралар билан таққослаганда катта фарқ қиладиган меҳнат ва иш шароитлари;
- салоҳиятни ошириш бўйича ўқув дастурларининг сифати мос келмаслиги.

Статистика соҳасидаги инфратузилма

- тизимдаги технологик камчиликлар. Статистика билан шуғулланувчи манфаатдор ташкилотлар турли хил маълумотлар базалари ва маълумотлар тизимларидан, статистик циклларнинг ҳар хил турлари ва частоталаридан фойдаланадилар; бу жамоатчиликка тегишли маълумотларни тақдим этилишини мураккаблаштиради. Тизимда статистик регистрларни тузиш ва улардан фойдаланиш бўйича мувофиқлаштирилган ёндашувни ишлаб чиқиш керак. Бу статистик маълумотларни тайёрлаш ва тарқатиш, уларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш ҳамда мониторингини юритишда тизимли ёндашишга имкон беради.

Фойдаланувчилар ва таъминотчилар ўртасидаги муносабатлар

- маълумотлардан фойдаланувчилар билан мулоқотнинг етарли эмаслиги;
- асосий кўрсаткичларнинг халқаро ташкилотлар маълумотларига мувофиқ эмаслиги (бу кўрсаткичларни бошқа мамлакатлар билан таққослашни имконсиз қилиб қўяди);
- статистик фаолиятнинг етарли даражада шаффоф эмаслиги, статистик маълумотлар ва ахборотларни тарқатиш бўйича ягона сиёсатнинг йўқлиги;
- фойдаланувчилар, етказиб берувчилар ва статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчилар ўртасида муносабатларни мувофиқлаштириш, ҳамкорлик ва алоқа яхшиланаётган бўлса-да, тизимда вақти-вақти билан такрорланадиган ёки бир-бирига зид бўлган статистик маълумотларни олиш ҳавфи мавжуд.

Маълумотларни қайта ишлаш соҳасидаги инфратузилма

- марказий офис ва ҳудудий органларда дастурий таъминотнинг лицензияланмаган версияларидан фойдаланилиши натижасида кўп ҳолларда компьютерларнинг ишдан чиқишига олиб келади. Бундан ташқари, дастурий таъминотнинг турли хил версияларидан фойдаланилиши туфайли қайта ишлаш ва умумлаштириш жараёнида қийинчиликлар юзага келади. Ҳозирги вақтда очиқ кодли дастурий таъминотдан фойдаланиш фақат веб-серверлар билан чекланган. Статистик маълумотларни қайта ишлаш ва тарқатиш учун бепул очиқ дастурий таъминот фойдаланилмайди.
- технологиялар нуқтаи назаридан Давлат статистика қўмитасида энг катта муаммо уч йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлган ишчиларнинг нисбатан камлиги ва АКТ ходимларининг қўнимсизлик

даражасини юқорилигидир. Бу билимларни узатиш аҳамиятини сезиларли даражада оширади ва ахборот технологиялари соҳасида аниқ стратегияни ишлаб чиқиш заруратини тасдиқлайди.

Имкониятлар

- сўнги вақтларда ҳукумат томонидан амалга оширилаётган очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича сиёсати халқаро стандартларни миллий статистикага жорий қилиш имконини беради (ХВФнинг МТМСга қўшилиш);
- БРМ кўрсаткичларини самарали мувофиқлаштириш ҳамда статистика инфратузилмасини янада ривожлантириш учун статистик маълумотларни тайёрлаш ва уларни алмашилиш соҳасида Давлат статистика қўмитаси билан бошқа маълумотларни ишлаб чиқарувчилар ўртасида самарали ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш қулай имкониятни таъминлаши мумкин.

Таҳдидлар

- Давлат статистика қўмитасининг етакчи роли бошқа маълумотларни ишлаб чиқарувчилар томонидан қабул қилинмайди, бу эса стратегияни муваффақиятли амалга ошириш учун таҳдидларни юзага келтиради. Бундан ташқари, яна бир жиддий таҳдид бу томонларнинг статистик фаолиятда ҳамкорлик қилиш ёки ўз мажбуриятларини тан олишнинг истамалмаслигидир;
- бюджет чекловлари Давлат статистика қўмитасининг салоҳияти ва инфратузилмаси ривожланиши учун жиддий таҳдидни ифодалаши мумкин.

3. СТАТИСТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон статистика тизимини баҳолаш жараёнида ривожланиш мақсадларига эришиш, дастурларнинг самарадорлиги тўғрисида муҳим маълумотларни тақдим этишда халқаро миқёсда тан олинган стандартларга мувофиқ юқори сифатли ва ишончли статистикани шакллантиришга тўсқинлик қиладиган тизимли муаммо ва камчиликлар аниқланди. Ишончли статистик маълумотлар ҳукуматга ўз сиёсатини такомиллаштириш ва фаолиятининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини оширишга ёрдам беради.

Статистика тизимининг асосий мақсади - мамлакат аҳолиси ва иқтисодиёти тўғрисида юқори сифатли маълумотларни доимий равишда самарали тўплаш, сақлаш ва тарқатишдан иборат. Самарали фаолият кўрсатадиган статистика тизимидан кутиладиган қуйидаги якуний натижаларни санаб ўтишимиз мумкин:

- халқаро миқёсда тавсия этилган стандартлар, таснифлар ва методологияларга мос келадиган зарурий даврийликдаги, долзарб ва ишончли статистик материалларни тайёрлаш;
- олдиндан эълон қилинган тақвим асосида зарур статистик маълумотларни метамаълумотларм билан бирга кенг фойдаланишни таъминлайдиган шаклда тарқатиш, шунингдек, фойдаланувчилар томонидан доимий равишда фикр ва мулоҳазаларни олиш орқали тажрибани максимал даражада такомиллаштириб бориш;
- маълумотлар шакллариининг ўзгаришини ва фойдаланувчилар эҳтиёжларини доимий равишда кузатиб бориш, шунингдек, мавжуд имкониятларни мослаштириш ва фойдаланиш мақсадида маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш соҳасидаги технологияларни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўриш.

Юқорида кўрсатилган якуний натижаларга эришиш учун Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси қуйида келтириб ўтилган стратегик мақсадлар ва устувор йўналишларга мувофиқ амал қилинадиган тамойиллардан иборат бўлади.

3.1. Стратегик мақсадлар

Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва технологик ўзгаришлар ҳамда давом этаётган глобаллашув жараёнлари статистика тизими учун муайян қийинчиликларни туғдирмоқда ва ўз навбатида, янги имкониятларни ҳам яратмоқда.

Замонавий статистика ташкилотлари тез ўзгарувчан технологиялар, долзарб ва замонавий статистикага, шунингдек, бюджетни қисқартиришга бўлгани каби кўплаб муаммоларга дуч келмоқдалар.

Ушбу омиллар расмий статистика ишлаб чиқарувчиларига мавжуд ишлаб чиқариш усуллари ва ташкилий тузилмаларни қайта кўриб чиқиш ва қайта ташкил этиш, кўпроқ малакали кадрларни жалб қилиш, АКТ инфратузилмасини такомиллаштириш ва иш маданиятини оширишга мажбур қилади, бу эса хизмат кўрсатишга йўналтирилган ташкилотда ишлаш, алоқа ва инновациялар учун шароит яратишга ёрдам беради.

Бу маълумотларни йиғиш, маълумотларни бошқариш, методология, АКТ ва лойиҳаларни бошқариш каби идоравий хизматларга ташкилий бўлиниш сифатида таърифланиши мумкин бўлган мавжуд тизимга қараганда интеграциялашган ишлаб чиқариш тизимларига ўз маҳсулот ва хизматларини тақдим этиш имконини беради.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчилар янги ва янада сифатли маҳсулот ва хизматларни тақдим этиши учун ўзларининг ишлаб чиқариш усулларини доимий равишда такомиллаштириб туришлари керак.

Шундай қилиб, расмий статистика ишлаб чиқарувчилари янги технологиялар ва маълумотлар манбаларидан фойдаланиши ва доимий равишда ўзгариб турадиган тушунча ва усуллардан хабардор бўлиши керак.

Модернизация қилиш ва доимий такомиллаштириш бўйича ҳаракатлар расмий статистиканинг асосий тамойиллари ва қадриятларини сақлаб қолган ҳолда амалга оширилиши лозим. Статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчилар ахборот маконида ўз мавқеи ва обрўсини сақлаб қолишлари учун доимий равишда қуйидагиларни амалга оширишлари керак: (i) улар жамоат манфаатларига хизмат қилишларини намойиш этадилар; (ii) фойдаланувчиларга статистик маълумотларнинг аҳамиятини намойиш этадилар; ва (iii) сифатни таъминлаш элементларига (аниқлик, долзарблик, ўз вақтида эришиш, эркин олиш имконияти, изчиллик ва изоҳлар) риоя қиладилар.

Ушбу асосий қадриятларни таъминлаш осон эмас, чунки улар тегишли статистик материаллар ва хизматларни тўлиқ холислик билан тайёрлашни, шахсий маълумотни тақдим этган шахсларнинг махфийлигини сақлашни, шунингдек, чекланган бюджет доирасида тадбирларни устуворлигини талаб қилади.

Стратегиянинг асосини стратегик мақсадлар ташкил қилади. Стратегик мақсадлар миллий статистика тизими 2025 йилгача ўз истиқболлари ва мақсадларига эришиш учун амалга оширадиган фаолиятнинг асосий чора-тадбирлари ва йўналишларини қўллаб-қувватлайди:

Сиёсатни шакллантириш ва қарорлар қабул қилишга алоқадор миллий кўрсаткичлар тегишлича қамраб олиниши керак: Миллий статистика тизими сиёсатни шакллантириш ва қарорлар қабул қилиш, миллий ривожланиш мақсадларига эришишда ютуқларни ўлчаш учун фойдаланиладиган ишончли ва тегишли статистик маълумотларни тайёрлайди. Барча кўрсаткичлар халқаро миқёсда тан олинган стандартлар, таснифлар ва қоидаларга мос келади.

Сифатни бошқариш, мониторинг ва баҳолаш тизими статистик фаолиятни асосий сифат кўрсаткичларига мослигини таҳлил қилиш, миллий ва халқаро тизимларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадларида юритилади. Сифатни бошқаришнинг миллий тизимлари сифатни таъминлаш тизимларининг тан олинган моделларига асосланади, масалан, БМТнинг сифатни таъминлаш принциплари бўйича миллий асослари (СТПМА БМТ), ХВФ маълумотлар сифатини баҳолаш тизими (МСБТ), Европа сифат менежменти фонди, Европа амалий қоидалар тўплами, Европа статистика тизимининг сифатни таъминлаш бўйича рамкали тизими, Комплексли сифат менежменти, ISO EN 9001 ва бошқалар.

Маълумот ишлаб чиқарувчиларнинг сифатни таъминлаш тизими ўз вақтидалилик ва аниқлик (статистика маълумотлари ўз вақтида ва аниқ нашр этилади); долзарблик (статистик маълумотлар фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб беради); аниқлик (статистик маълумотлар воқеликни аниқ ва ишончли акс эттиради); ишончлилик (фойдаланувчиларнинг статистик маълумотларга бўлган ишончи); мувофиқлик ва таққослаш имконияти (статистика вақт ва маконда ички изчилликка эга ва турли манбалардан тегишли маълумотларни бирлаштириши ва бўлишиши мумкин); талқин қилиш ва очиқликни ўз ичига олади.

Яхлитлик ва мустақилликни сақлаш учун самарали фаолият кўрсатадиган мувофиқлаштириш механизмлари ва статистиканинг кучли, кенг қамровли ва изчил ҳуқуқий пойдевори яратилган: Самарали фаолият кўрсатадиган ва амалий натижа берадиган миллий статистика тизимига эришиш учун статистика соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асослар зарур. Давлат статистика қўмитасининг давлат статистикаси соҳасидаги ваколатли орган сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш, самарали фаолият кўрсатадиган Миллий статистика кенгашини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосини таъминлаш, фойдаланувчилар ва маълумотлар

ишлаб чиқарувчилар ўртасида доимий ўзаро алоқа механизмларини яратиш, расмий статистика маълумотлари ишлаб чиқарувчиларини, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ таърифлаш, Давлат статистика қўмитасининг мустақиллигини таъминлаш, тўпланган маълумотларнинг яхлитлигини таъминлаш, маълумотлар ишлаб чиқарувчиларнинг статистика ишларини тўғри мувофиқлаштириш ва халқаро стандартларга мувофиқ юқори сифатли маълумотларни ўз вақтида тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.

Статистика кенгаши Давлат статистика қўмитасига миллий статистика тизимида статистик маълумотларнинг сифати, қамрови тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида уларни тўплаш, таҳлил қилиш ва эълон қилишни стандартлаштириш бўйича ишларни ривожлантиришга кўмаклашади.

Миллий статистика тизимлари маълумотларни тарқатиш борасида аниқ сиёсатга ва тажрибага эга бўлади: Маълумотларни ишлаб чиқарувчилар фойдаланувчиларга тегишли статистик маълумотларни тарқатади ва уларни олиш имкониятини яратади (шунда аксарият статистик маълумотлар аниқ ва тушунарли тарзда тақдим этилади, тегишли ва қулай усулда, шу жумладан, машинада ўқиладиган шаклда, метамаълумотлар ва тавсиялар илова қилинган ҳолда, топиш ва фойдаланиш имконияти яратилади ва ҳоказо).

Давлат статистика қўмитаси мавжуд статистик маълумотларнинг доирасини кенгайтириш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга мувофиқлигини таъминлаш ва фойдаланувчиларнинг талабларига жавоб берадиган юқори сифатли статистик маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш орқали статистик маълумотларга бўлган талабни қондириш бўйича ишларни давом эттиради.

Миллий статистика тизими зарур салоҳиятга эга: Маълумотларни ишлаб чиқарувчилар тегишли ва ишончли маълумотларни ўз вақтида шакллантириш ва тарқатишни таъминлаш ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришиш жараёнини самарали кузатиб бориш учун етарли кадрлар, технологик ва молиявий ресурсларга ҳамда салоҳиятга эга бўлади.

Давлат статистика қўмитаси фойдаланувчиларнинг статистикадан хабардорлигини ошириш, статистикага бўлган талабни ошириш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, статистик маълумотларни ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб қилиш мақсадида статистик маълумотларнинг тарқалиши орқали рақамли жамиятнинг ривожланишига кўмаклашади: Давлат статистика қўмитаси жамиятда статистика ва ахборот саводхонлигини ошириш орқали рақамли интеллектуал жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этади.

Муайян чора-тадбирлар статистикада хабардорликни ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, барча даражаларда маълумот алмашишни осонлаштиришни, ҳукумат томонидан қарорлар қабул қилиш учун мавжуд маълумотлардан қандай фойдаланишни ва статистик имкониятларни ривожлантиришга мувофиқлаштирилган инвестицияларни рағбатлантириш орқали ҳукуматни хабардор қилишни ўз ичига олади.

3.2. Устувор йўналишлар

СРМС Ўзбекистон миллий статистика тизимини тўлиқ қамраб олишга ва барча стратегик мақсадларга эришишга қаратилган.

Уларнинг барчаси муҳимлиги, аммо уларнинг баъзилари бошқаларга қараганда кўпроқ вақт ва ҳаракат ҳамда шошилиш ёрдами талаб қилиши тан олинади.

СРМС учун устувор йўналишлар сифатида қуйидаги тадбирлар белгиланган:

- **Мавжуд миллий таснифлар, методология ва стандартларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва энг илғор амалиётга мос равишда маълумотларни тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш:** Стандарт таснифлардан фойдаланиш маълумотларни изоҳлаш ва интеграция қилиш учун жуда муҳимдир. Янги ишлаб чиқилган стандартлар қабул қилинган ички стандартларга мос келиши керак. Бу миллий статистика тизимининг сифатини яхшилайти ва унинг халқаро стандартлар билан таққосланишини таъминлайди. СРМСнинг асосий йўналиши халқаро стандартларга мувофиқ миллий таснифлагич, методология ва стандартларни уйғунлаштириш, қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилади.
- **Турли хил кесимларда (макроиқтисодий, саноат, минтақавий, гендер кўрсаткичлар, даромадлари, ҳажми ва бошқалар) мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар юзасидан фойдаланувчиларга, шу жумладан халқаро ташкилотларга тақдим этиладиган статистик маълумотлар доирасини кенгайтириш:** тараққиётни кузатиш ва баҳолашнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, миллий ривожланиш мақсадларига эришиш ва Ўзбекистоннинг жаҳон рейтингдаги мавқеини яхшилашда СРМСни амалга ошириш биринчи навбатда асосий миллий кўрсаткичларни кўриб чиқиш ва такомиллаштиришга йўналтирилади. Давлат статистика қўмитаси халқаро кўрсаткичларга мувофиқ миллий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва тарқатишни оптималлаштириш мақсадида бошқа маълумотларни ишлаб чиқарувчилар билан фаолиятни мувофиқлаштиради ва яқиндан ҳамкорлик қилади.

СРМСни амалга оширишда фаолият турларининг ҳақиқий тасвирини олиш учун қуйидаги муаммоларга биринчи галда эътибор қаратилади:

- аҳолини ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш;
- миллий ҳисоблар;
- нархлар билан боғлиқ статистика;
- ташқи савдо статистикаси;
- энергетика ва атроф-муҳит соҳасидаги статистика;
- ишбилармонлик соҳасидаги статистика;
- давлат молияси статистикаси;
- ташқи сектор статистикаси;
- таълим соҳасидаги статистика;
- соғлиқни сақлаш статистикаси;
- меҳнат статистикаси;
- илм-фан ва инновациялар статистикаси;
- туризм соҳасидаги статистика;
- АКТ соҳасидаги статистика;
- қишлоқ хўжалиги статистикаси;
- норасмий сектор статистикаси;
- барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадлар кўрсаткичлари.

СРМС бу кўрсаткичларни шакллантиришдаги муаммоларни аниқлайди ва тегишли такомиллаштиришларни киритишни қўллаб-қувватлайди.

• **фойдаланувчиларнинг барча тоифалари томонидан улар учун энг қулай бўлган форматда қайта ишланган маълумотлар натижаларини олишни таъминлаш, маълумотларни тарқатиш мақсадида фойдаланувчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги мулоқотни такомиллаштириш:** Миллий статистика тизими аввалроқ эълон қилинган "Маълумотларни эълон қилиш тақвими" асосида метамаълумотлар билан биргаликда улардан кенг фойдаланишни таъминлайдиган шаклда тегишли статистик маълумотларни тарқатиш, шунингдек, фойдаланувчилар томонидан доимий равишда фикр

ва мулоҳазаларни олиш орқали фойдаланувчилар тажрибасини максимал даражада оширишни таъминлаши керак. Маълумот шакллантирадиган корхона ва ташкилотлар мавжуд форматларни мослаштириш ва улардан фойдаланиш учун маълумотлар форматларини ва фойдаланувчилар эҳтиёжларини, шунингдек маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш соҳасидаги технологияларни доимий равишда кузатиб боришлари, шу билан бирга таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўришлари керак. Маълумотни тарқатиш самарали олиб борилиши керак ва ахборот фойдаланувчиларнинг барча тоифаларига фойдаланиш учун энг қулай шаклда бўлиши керак. "Ижтимоий неъмат" сифатида статистика омма учун очиқ бўлиши керак. СРМС мақсади маҳаллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун статистик маълумотларнинг максимал даражада ошкоралиги, шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан халқаро статистик тўпламларда нашр этилган материаллар ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, статистик нашрлар ва кўрсаткичларни визуализация қилишнинг илғор усулларини жорий этиш, тарқатилган статистик маълумотларни таҳлилий материаллар билан тўлдириб бориш, оммавий ахборот воситаларида ҳисоботларни, пресс-релизларни ва мақолаларни нашр этишга қаратилади.

- **Маълумотларни шакллантириш билан шуғулланадиган ташкилотларнинг кадрлар, молиявий ва таҳлилий салоҳиятини такомиллаштириш:** Юқори малакага эга персонал билан таъминланган, ҳар томонлама пухта ўйланган ва функционал ташкилий структура миллий статистика тизимининг асосини ташкил этади, бу юқори малакали мутахассислардан юқори сифатли статистик маълумотларни самарали ва амалий натижа берадиган тарзда тўплаш учун зарур билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади. Статистика тизимининг амалдаги ташкилий тузилмаси халқаро миқёсда тан олинган сифат кафолати доирасига мувофиқ оптималлаштирилади ва мамлакатнинг статистик эҳтиёжларини қондириш учун кенг кўламли ўқув курслари

ва ўқув тадбирларини ташкил этиш орқали маълумотлар яратувчи ташкилотларнинг кадрлар базаси мустаҳкамланади.

- **Статистик маълумотларни самарали ва амалий натижа берадиган тарзда яратиш ва тарқатиш учун жисмоний ва статистик инфратузилмани ривожлантириш, шу жумладан статистик фаолиятга ахборот технологияларини жорий этиш:** Маълумотлар ишлаб чиқаришда иштирок этадиган ташкилотларнинг замонавий статистика инфратузилмаси сифатли ва тегишли маълумотларни ўз вақтида олиш учун етарли молиявий ресурсларга эга бўлиши жуда муҳимдир. СРМСни жорий этиш статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, узатиш ва тарқатиш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга, статистик маълумотлар билан ишлаш жараёнларини автоматлаштириш даражасини оширишга ва миллий статистика тизимида ягона статистик маълумотлар банкини шакллантиришга қаратилган.

- **Халқаро стандартлар ва илғор тажрибага мувофиқ юқори сифатли ва замонавий маълумотларни ўз вақтида йиғишда Давлат статистика қўмитасининг мустақиллиги ва мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш:** Статистика тизимида статистик фаолиятни мувофиқлаштириш ишларнинг такрорланмаслиги ва зиддиятли маълумотларни тарқатмаслик учун муҳимдир. Статистикани тузувчилар ўртасида статистика фаолиятини мувофиқлаштириш стандарт тушунчалар ва таснифларга асосланиши керак. Давлат статистика қўмитасининг мустақиллиги ва мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш ва бошқа статистикани ишлаб чиқарувчиларнинг соҳага оид фаолиятини мувофиқлаштиришга асос яратиш учун халқаро стандартларга мувофиқ расмий статистика тўғрисидаги кенг қамровли Қонун талаб этилади. Бу статистика тизимида холис, сифатли, кенг қамровли, изчил, ишончли, шаффоф ва долзарб бўлган маълумотларни олишга ёрдам беради.

4. СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАР ВА ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

4.1. Ташкилий-ҳуқуқий инфратузилмани такомиллаштириш

Мамлакатнинг бутун миллий статистика тизимини ташкил этувчи Давлат статистика қўмитаси ва бошқа барча расмий статистика ишлаб чиқарувчилари учун ўз вазифаларини сифатли бажаришда аниқ ҳуқуқий асослар ва самарали ташкилий тузилма муҳим аҳамият касб этиши боис, статистика соҳасидаги қонунчилик қайта кўриб чиқилади ва миллий статистика тизимининг ташкилий инфратузилмаси модернизация қилинади. Сифатни бошқариш дастури жорий этилади, миллий статистика тизимини мувофиқлаштириб бориш кучайтирилади, статистик маълумотлар янада самаралироқ тақсимланади ва тарқатилади.

Статистика қонунчилигини такомиллаштириш

Давлат статистика қўмитаси ва бошқа барча расмий статистика ишлаб чиқарувчилари томонидан ўз вазифаларини бажариш учун қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин бўлган расмий статистиканинг аниқ ҳуқуқий ва ташкилий тузилмаси зарур бўлади: биринчидан, миллий статистика тизимини ташкил этиш, статистика органларининг ҳуқуқий мақоми, шунингдек, мамлакат миллий статистика тизими доирасида бошқа давлат идоралари ва ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари; иккинчидан, миллий статистика тизими ташкилотлари учун статистик маълумотларни йиғиш бўйича аниқ ваколатлар.

Амалдаги қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш учун умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Хусусан, янги қонун қуйидагиларга йўналтирилади:

- соҳага доир қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш йўли билан ягона қонунга бирлаштириш орқали расмий статистика шаффофлигини ошириш;
- мустақил ва ваколатли орган сифатида Давлат статистика қўмитаси мавқеини ошириш. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ва ҳуқуқий асосларини ҳамда ҳокимият вакиллик органлари ўртасида ваколатлар тақсимотини ҳисобга олган ҳолда, статистика соҳасида ягона ва мустақил сиёсатни юритишга зарур бўлган ҳуқуқ ва ваколатларни бериш орқали статистика органлари фаолияти мустақиллигини таъминлаш учун Давлат статистика қўмитаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсиниши лозим;
- ҳудудий статистика органлари ходимларини лавозимга тайинлашда Давлат статистика қўмитаси раиси ваколатларини кенгайтириш. Давлат статистика қўмитаси раиси ҳудудий статистика органлари (вилоят, шаҳар, туман) раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этишда мустақил танлаш қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак;
- статистик фаолият соҳасида идоралараро ҳамкорликни такомиллаштириш мақсадида зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- самарали ҳамкорлик ва ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида статистика ташкилотлари ўртасидаги мавжуд келишувларни такомиллаштирилаётган қонунчилик асосида қайта қўриб чиқиш;
- мамлакатнинг бутун миллий статистика тизимини ташкил этувчи, маълумотларни ишлаб чиқарувчи давлат идораларида статистика бўйича алоҳида бўлинмаларни ташкил этиш;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг маълумотлари ва бошқа ҳужжатларини статистик мақсадларда фойдаланиш учун олиш ва уларга киришни яхшилаш бўйича маълумот алмашинуви қоидаларини такомиллаштириш;

- статистика идоралари ва бошқа статистика ташкилотлари фаолиятидаги сўнгги ўзгаришларни ҳисобга олиш;
- статистик маълумотларнинг долзарблигини оширишда муҳим аҳамият касб этувчи, фойдаланувчилар ва маълумотлар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги мунтазам ўзаро ҳамкорлик механизмларини яратиш;
- расмий статистика ишлаб чиқарувчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг маълумотлар базаларини шакллантириш, юритиш ва фойдаланиш методологиясини ишлаб чиқиш;
- рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш ҳамда фуқаролар ва субъектларнинг уларда иштирок этиши ва сўровномаларга жавоб бериш масъулияти бўйича тартибларни киритиш;
- статистик маълумотларни тарқатиш сифатини назорат қилиш тартибини белгилаш.

“Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойиҳаси БМТнинг расмий статистикасининг асосий тамойилларига ва Расмий статистика тўғрисидаги намунавий қонун стандартларига мос келади.

Статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчилар фаолиятини мувофиқлаштириб боришни яхшилаш

Давлат статистика қўмитасининг мувофиқлаштирувчи роли Статистика кенгашини ташкил этилиши орқали мустаҳкамланади. Ҳозирга қадар Статистика кенгаши лозим даражада фаолият юритмаган ва сўнгги йилларда маълумот ишлаб чиқарувчилар ўртасида статистика тизимини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш долзарб масалага айланган.

Статистика Кенгашининг қуйидаги йўналишларда, жумладан статистика идоралари салоҳиятини ошириш, статистика соҳасида ишларни тартибга солиш ва келишилганлигини таъминлаш масалаларида (мисол учун, таснифлар ва стандартларни унификациялаш; ахборот базаларига кириш, ахборот тарқатиш соҳасида ягона сиёсатни юритиш; турли статистик маълумот ишлаб чиқарувчиларнинг статистик маълумотлари ўртасидаги мумкин бўлган тафовутларни бартараф этиш мақсадида методологиялар, натижалар ва метамаълумотларни эълон қилиш масалаларини келишилишини тартибга солиш; халқаро стандартларни жорий қилиш ва маълумот йиғишда такрорланишларни камайтириш чораларини кўриш; статистик аудит ўтказишни йўлга қўйиш; метамаълумотларни унификациялаш ва бошқалар) ролини ошириш нормалари янги таҳрирдаги Қонун лойиҳасига киритилади.

Статистика кенгаши идоралараро қўмита сифатида барча идораларни келишувларга риоя этишга ундаш учун лозим даражада ваколатли ҳамда стратегик қарорлар қабул қилишга етарли салоҳиятга эга бўлиши даркор. Маълумотларни шакллантириш билан шуғулланувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб боришни яхшилаш, қуйидаги тадбирларни ўз ичига қамраб олади:

- Статистика кенгаши ваколати ва мажбуриятларини мустаҳкамлаш ва унинг таркибига асосий статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни киритиш;
- статистик маълумотлар, усуллар ва таснифлагичларни миллий манфаатларга уйғунлаштириш учун тегишли соҳаларда ваколатга эга бўлган техник ишчи гуруҳларни ташкил этиш;
- Статистика кенгаши ва ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш;

- стандартлар ва таснифларни халқаро даражада тан олинган стандартларга мувофиқ унификациялаш мақсадида маълумот шакллантирувчи ташкилотлар методологияларини даврий статистик аудитдан ўтказиш механизмларини яратиш ва статистик аудит бўйича кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;
- маълумотларни шакллантириш билан шуғулланувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, уларнинг статистикасини уйғунлаштириш мақсадида, мавжуд келишувлар, меморандум ва ўзаро алоқаларни қайта кўриб чиқиш.

Миллий статистика тизимининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш

Пухта ишлаб чиқилган, самарали фаолият кўрсатадиган ва етарли миқдорда ресурслар билан таъминланган статистика органининг мавжудлиги, мамлакатдаги мустақкам статистика тизимининг асоси ҳисобланади. Сўнги беш йилликда Давлат статистика қўмитасининг ташкилий ва кадрлар тузилмасини самарали ташкил этишга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилган.

Шу билан бирга, Давлат статистика қўмитасининг мувофиқлаштирувчи ролини ошириш, унинг статистик фаолиятини такомиллаштириш ҳамда маълумотлар ва метамаълумотларни интеграциялаш имконини берувчи Статистик маълумотларни ишлаб чиқариш бўйича намунавий тизимни жорий этиш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирлар янада самарали ва ваколатли тузилмани талаб этиши мумкин.

Шу ўринда, Давлат статистика қўмитасининг мувофиқлаштирувчи ролини мустақкамлаш, унинг статистик фаолиятини кенгайтириш ва амалиётга Статистик маълумотларни ишлаб чиқариш бўйича намунавий тизимни жорий этиш масалалари янада самарали бўлган ташкилий тузилмани талаб этиши мумкин.

Бундан ташқари, юқори сифатли ва ишончли маълумотларни ўз вақтида ишлаб чиқиш учун, алоҳида статистика бўлинмалари ва лозим даражада инсон ресурсларига эга бўлмаган маълумотларни шакллантириш билан шуғулланувчи аксарият ташкилотлар ташкилий тузилмасини кўриб чиқишига эҳтиёж кузатилади.

Миллий статистика тизимининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирлар назарда тутилади:

- Давлат статистика қўмитасининг ташкилий тузилмасини тегишли ваколатлари билан қайта тузиш;
- Давлат статистика қўмитасининг ташкилий тузилмасини, шу жумладан, мажбурият ва лавозим йўриқномаларини мақбуллаштириш;
- талаб этиладиган ходимлар сонини ва малакасини аниқлаш, мавжуд ходимларнинг талабларга мувофиқлигини баҳолаш ва тизимдаги мавжуд бўшлиқларни таҳлил қилиш.

Миллий статистика тизими учун сифатни таъминлашнинг миллий таянч принципларини ишлаб чиқиш

Сифатни бошқариш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тизими миллий статистика тизимларининг ажралмас қисмидир, бу статистик материаллар ва жараёнлар сифатининг муҳим жиҳатларини миллий ва халқаро сифатни баҳолаш тизимларига мос келишини таъминлайди.

Бундай тизимлар тартибли ва ўз вақтидалилик (статистик маълумот тартибли равишда ўз вақтида эълон қилинади); долзарблик (статистика фойдаланувчилар эҳтиёжларига жавоб беради); аниқлик (статистик маълумотлар мавжуд ҳолатни тўғри ва аниқ ёритиб беради); ишончлилиқ (фойдаланувчилар статистик маълумотларга ишонадилар); келишилганлик (статистик маълумотлар вақт ва макон доирасида мамлакат ичида келишилган кўринишда бўлади); шунингдек, тушунарлилиқ ва қулайлик принципларини қамраб олади.

Сифат соҳасидаги сиёсат - статистик маълумот ишлаб чиқарувчилар томонидан тизимли равишда расмий статистиканинг сифатини баҳолаб боришларини таъминлаб беради. Сифат соҳасидаги

сиёсат бўйича қўлланмлар, кўрсатмалар, тизим ва ҳисоботлар умумфойдаланишда бўлади ва ходимлар уларни қўллаш юзасидан тегишли тайёргарликдан ўтадилар.

Шу ўринда, ҳозирги вақтда мамлакатда сифатни бошқаришнинг ягона комплекс сиёсати мавжуд эмас, хусусан, маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича сиёсат амалга оширилади, лекин режалаштириш ва тарқатиш бўйича сиёсат ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари, бу сиёсатлар бир-бири билан боғлиқ эмас ва сифатни бошқариш тизимининг ягона тузилмасига мос келмайди.

Сифатни бошқариш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

- ISO 9001-2008 сифатни бошқариш воситалари ва БМТнинг сифатни таъминлашнинг миллий базавий тамойиллари бўйича қўлланмасига мувофиқ сифатни таъминлашнинг базавий тамойилларини жорий қилиш;

- сифатни бошқариш масалаларида Давлат статистика қўмитаси ходимлари хабардорлигини ошириш ҳамда сифат тамойиллари ва жараёнлари бўйича ўқитиш;

- сифатни бошқариш воситаларини ишлаб чиқиш ва сифат сиёсатини амалга ошириш;

- статистик маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари, долзарблиги, ишончлилиги, ўз вақтида бажарилиши, қулайлиги, тушунарлилиги ва келишилганлиги каби тушунчаларни ўз ичига олган сифат моделини такомиллаштириш;

- фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш ва мавжуд жараёнларни янгилаш мақсадида сифат соҳасидаги сиёсатни мунтазам такомиллаштириб бориш, шунингдек, зарур ҳолларда амалдаги жараёнларни қайта тузиш;

- сифат бўйича қўлланма ишлаб чиқиш – концепция, сиёсат, жараён ва мажбуриятларни ҳужжатлаштириш;

- сифат ва самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда уларни ўлчаш тизимларини, сифатни назорат қилиш тизимлари, шунингдек, сифатни текшириш дастурларини ишлаб чиқиш;
- ходимларни сифат масалаларида, жумладан сифатни яхшилаш, бу борадаги принциплар, жараёнлар, янги стандартлар ва услублар бўйича хабардорлигини таъминлаш юзасидан ўқитиб бориш;
- сифат сиёсати ва уни баҳолаш дастурини амалга ошириш.

Статистика тизимининг кадрлар салоҳиятини яхшилаш

Янги ва мукаммал мажбуриятларни бажариш учун миллий статистика тизими юқори малакали ва тажрибали ходимларга эга бўлиши керак. Ходимлар малакасини ошириб бориш, айниқса методология ва технологияларда бўлаётган жадал ўзгаришлар шароитида ҳаётий муҳим аҳамиятга эга.

Ходимларни бошқаришнинг пухта ишлаб чиқилган тизими кадрларни танлаш ва тайёрлаш жараёнларини, шунингдек, раҳбарлар ва тизимнинг доимий статистик персоналининг лавозим мартабаларини ошириб боришга қўйиладиган малака талабларини яхшилашга ёрдам бериши мумкин.

Инсон ресурсларини бошқариш тизими ишончли, сифатли ва ўз вақтида маълумотларни тақдим этиш мақсадларига эришишга ҳисса қўшадиган малакали кадрларни танлаб олиш ва тайёрлаш жараёнларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Давлат статистика идораларининг ва бошқа маълумот ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг кадрлар салоҳияти, истиқболдаги статистика эҳтиёжларини қондиришга етарли эмас. Ўзининг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш мақсадида миллий статистика тизими лозим даражада тайёргарлик кўрган малакали кадрларга муҳтож.

Илғор миллий статистика ташкилотларининг одатий тажрибасига айланган кадрлар ротацияси, кадрларни танлаб олиш

Кадрларни танлаб олиш, тўлдириш ва ротацияси билан боғлиқ муаммолар фақатгина илғор миллий статистика ташкилотларининг одатий тажрибасига айланган кадрлар сиёсати ва амалиётини такомиллаштириш орқали ҳал қилиниши мумкин. Бу тажриба ва кўникмаларни оширишнинг ажойиб усули бўлиб, ишчи кучининг мослашувчанлигини таъминлашга ҳам ёрдам беради.

Шу боис, рағбатлантириш механизмларидан фойдаланган ҳолда малакали кадрларни жалб қилиш ва сақлаб қолишга йўналтирилган инсон ресурсларини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш зарур. Мазкур йўналишда қуйидаги чоралар кўрилади:

- инсон ресурсларини бошқаришнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;
- инсон ресурслари ва уларни бошқариш соҳасида стратегияни ишлаб чиқиш;
- мамлакатнинг миллий статистика тизимида инсон ресурслари ва малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида кенг қамровли сиёсатни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- рағбатлантиришни яхшилаш йўналишида лавозим мажбуриятларини функциялари ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг тегишли тариф сеткалари бўйича қайта кўриб чиқиш;
- кадрлар ротациясини амалга оширишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- кадрларни танлаш ва саралаш бўйича тартибларни қайта кўриб чиқиш;
- ходимларнинг шахсий ютуқлари асосида лавозимда илгари суриш ва рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш;

- бошқарув кадрлари заҳирасини бошқариш режасини ишлаб чиқиш.

Статистика тизимида кадрларни тайёрлаш стратегиясини такомиллаштириш

Кадрлар малакасини ошириш масаласи миллий статистика тизими учун, айниқса, уни ислоҳ қилишнинг ҳозирги жараёнида ҳаётий муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий, юқори малакали ва тажрибали кадрларсиз СРМС доирасидаги тадбирларни амалга ошириш мумкин эмас.

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти (Институт) тизимдаги малака ошириш фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда халқаро шериклар ва хорижий статистика идоралари билан ҳамкорликда онлайн тарздаги очиқ курсларни таклиф қилади. Лойиҳа қуйидаги тадбирларни ўз ичига қамраб олади:

- малака ошириш соҳасидаги ўқув стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш, шу жумладан ўқишни турига, лавозим даражаларига ва лозим бўлган курслар гуруҳига кўра таснифлаш;
- кадрлар тайёрлаш стратегияси амалга ошириш юзасидан ҳар йилги дастурларни ишлаб чиқиш;
- кадрлар тайёрлаш ҳолатини ҳар йилги назорат текширувидан ўтказиш тартибини жорий қилиш;
- Институтнинг моддий-техник, ахборот-коммуникация ва статистик инфратузилмасини такомиллаштириш;
- Институтда статистика соҳасида кадрларни касбий тайёрлаш ва ривожлантириш борасида очиқ ва онлайн тарздаги масофавий ўқув курсларини жорий қилиш;
- инсон ва молия ресурсларини бошқариш масалаларида семинарлар ўтказиш;

- Институт ходимларининг аналитик ва тадқиқот бўйича салоҳиятини ошириб бориш;
- Институтнинг илмий-тадқиқот фаолиятини олиб боришда кўмаклашиш;
- Ўзбекистон Республикасидаги ва бошқа хорижий олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик режасини ишлаб чиқиш;
- Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, шунингдек, давлат органларининг малака ошириш марказларида статистика ва иқтисодиёт соҳаларида халқаро стандартлар ва илғор тажрибаларни акс эттирувчи тавсиявий ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- илғор статистик ва миқдорий усуллардан фойдаланган ҳолда статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва асосланган тавсияларни ишлаб чиқишга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлаш бўйича магистрлик ва докторлик дастурларини ташкиллаштириш;
- профессионал фаолиятни мониторинг қилиш.

4.2. Статистик инфратузилмани такомиллаштириш

Юқори сифатли ва долзарб маълумотларни шакллантириш учун статистик инфратузилмани такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Мақсад – регистрлар, усуллар, таснифлагичлар, тизим ва ахборот архитектураси, метамаълумотлар омбори каби статистик инфратузилманинг асосий элементларини мустаҳкамлашдан иборат.

Хусусан, статистик мақсадларда фойдаланиладиган профил маълумотларини киритиш орқали корхона ва ташкилотлар регистрини янгилаш ва кенгайтириш орқали статистик регистрлар яратилади. Таснифлар ва стандартлар халқаро тажрибалар асосида қайта кўриб чиқилади ва ўзгартирилади.

Саволномаларни ишлаб чиқиш ва танланмаларни амалга ошириш бўйича кўникмалар яхшиланади. Вақт бўйича қаторларни таҳлил қилиш

соҳасида миллий статистика тизимининг имкониятлари кенгайди ва мавсумий тузатишлар киритиш бўйича замонавий усуллар жорий этилади.

Барча статистик маълумот ишлаб чиқарувчиларнинг таҳлилий ва илмий салоҳияти яхшиланади, бу ўз навбатида, қарорлар қабул қилиш ва далилларга асосланган сиёсатни ишлаб чиқишда қўл келади.

Таснифлагичлар ва бошқа инструментарийларни такомиллаштириш

Халқаро даражада қабул қилинган ва тавсия этилган стандартлар асосида ишлаб чиқилган миллий таснифлагичлар, методология ва стандартларнинг мавжудлиги маълумотлар интеграциясини, уларни алмашинувини ва тегишли статистик кўрсаткичларни тайёрланишини таъминлашнинг калити ҳисобланади.

Давлат статистика қўмитаси ва бошқа маълумот ишлаб чиқарувчилар халқаро нормалар ва стандартларга амал қиладилар, оқилна методологияни қўллайдилар ва расмий статистикани тайёрлашда фойдаланиладиган профессионал стандартларга риоя қиладилар. Улар статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш борасида илмий принциплар ва касбий этика қоидаларига амал қиладилар (қуйида қаранг, 131 бет).

Статистика кенгашига миллий статистика тизими доирасида ягона бўлган концепциялар, таъриф ва таснифлагичларни изчил қўллаб бориш вазифалари юклатилади. Статистика кенгашининг алоҳида йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлари тегишли масалалар бўйича маслаҳатлар бериб боради. Стандартлар ва методологияларни мунтазам равишда қайта кўриб чиқиш ва янгилаш бўйича ошкора тартиботлар ишлаб чиқилади.

Мазкур йўналишда тадбирларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

- Статистика кенгашининг халқаро стандартларга мувофиқ статистика тизими муассасалари томонидан фойдаланиладиган усуллар, таснифлагичлар ва методологияларни мувофиқлаштириш ва бирхиллаштиришдаги ролини мустаҳкамлаш;
- статистика органлари томонидан қўлланиладиган усулларни қайта кўриб чиқишга масъул бўлган Давлат статистика қўмитаси бўлимининг фаолиятини, Статистика кенгаши ҳамда Давлат статистика қўмитаси ва бошқа статистик маълумотлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида тузилган ўзаро англашув меморандумлари қарорлари устидан мониторинг олиб боришни такомиллаштириш;
- халқаро стандартларга мувофиқ таснифлагичларни қайта кўриб чиқиш, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа ташкилотлар фаолиятида қўллаш;
- илғор халқаро тажрибага мувофиқ, шу жумладан, махфийликни ҳимоя қилишни инобатга олиб, этика Кодекси ва статистика соҳасида илғор амалиётлар Кодексини такомиллаштирилган лойиҳаларини, уларни асосий маълумот ишлаб чиқарувчилар билан муҳокама қилиш орқали ишлаб чиқиш;
- маълумотлар соҳасида кўп тилли глоссарий ва луғатларни яратиш ҳамда уларни кенг жамоатчиликка етказилишини таъминлаш;
- маълумотларни шакллантириш билан шуғулланувчи ташкилотлар мутахассисларини мунтазам ўқитиб бориш.

Тавсия этиладиган халқаро стандартлар:

- Молиявий ҳисоблар статистикаси ХВЖнинг 2016 йилдаги “Пул-кредит ва молия статистикаси бўйича қўлланма” асосида амалга оширилади (ПКМСҚ-2016).
- Миллий ҳисоблар “Миллий ҳисоблар тизими-2018” (МҲТ-2008) концепциялари, таърифлар ва бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига мувофиқ тузилади.
- Давлат молияси статистикаси “Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма”га (ДМСҚ-2014) мувофиқ тузилади.
- Атроф-муҳит соҳасида статистик кўрсаткичлар “Экологик ва экономик ҳисоб тизими”га (ЭЭҲТ) мувофиқ ишлаб чиқилади.
- Меҳнат статистикаси Касбларнинг халқаро стандарт таснифи-2008 (КХСТ-08); Бандлик мақоми халқаро таснифи (БМХТ-93); Халқаро меҳнат статистикалари конференцияси томонидан қабул қилинган қарорлар ва кўрсатмаларга мувофиқ тузилади. Демографик ва ижтимоий статистика:
 - аҳоли статистикаси 3-таҳрирдаги (2015 йил) Аҳоли ва уй-жойларни рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш принциплари ва тавсияларига, шунингдек, аҳоли табиий ҳаракати ҳисобини юритиш тизими принциплари ва тавсиялари асосида тузилади (2014 йил);
 - таълим соҳаси статистикаси Таълим бўйича халқаро стандарт тасниф (ТХСТ-2011), “ТХСТ: таълим ва касбий тайёргарлик-2013” (ТХСТ-О 2013) ва ТХСТ-2011ни фойдаланиш бўйича қўлланма талабларига мувофиқ юритилади;
 - соғлиқни сақлаш статистикаси 100 та муҳим соғлиқни сақлаш кўрсаткичларининг глобал рўйхатига (2015) мувофиқ тузилади.
- Савдо статистикаси (ички ва ташқи) “Товарларнинг халқаро савдоси статистикаси: тушунчалар ва таърифлар” (2010) ҳамда Хизматларнинг халқаро савдоси статистикаси бўйича қўлланма ёки “Халқаро товарлар савдоси статистикаси: тузувчилар учун қўлланма”га (БМТ, Нью Йорк, 2012) мувофиқ тузилади.
- Тўлов баланси (ТБ) 6-таҳрирдаги (2010) “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланма”га (ТБҚ-6) мувофиқ шакллантирилади.
- Нархлар индекслари “Истеъмол нархлари индекслари бўйича қўлланма: назария ва амалиёт” (ИНИ қўлланмаси-2004) ва “Ишлаб чиқарувчилар индекслари бўйича қўлланма: назария ва амалиёт”га (ИЧИ қўлланмаси-2004) мувофиқ тузилади.
- Жиноят бўйича статистика “Статистик мақсадлар учун жиноятларнинг халқаро таснифи”га (СМЖХТ) мувофиқ шакллантирилади.

Статистик регистрларни яратиш

Халқаро стандартларга мувофиқ бизнес регистрларни яратиш Давлат статистика қўмитасини корхоналарнинг турли хусусиятлари бўйича маълумотларини тўплаш, шунингдек, турли хил иқтисодий статистик маълумотлардаги ўзгаришларни кузатиш учун корхоналар кузатувлари танланмаси тизимини яратиш бўйича мукамал восита билан таъминлаш имконини беради.

Стратегия доирасида корхоналарнинг мавжуд маълумот базаларини профиллаштириш мақсадида маълумотлар билан тўлдириш ёрдамида кенгайтириш ҳисобига такомиллаштирилган статистик регистрлар яратилади. Маълумотлар базасидаги иқтисодий бирликлар сони ва таркибидаги жорий ўзгаришларни йиғиш ва ҳисобга олиш бўйича янгилаб бориш тартиблари жорий этилади ва Давлат статистика қўмитаси ходимлари тегишли равишда ўқитиб борилади.

Худди шундай, аҳолининг, уй-жой фондининг ва қишлоқ хўжалигининг статистик регистрларини яратиш лозим.

Бу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

- мавжуд административ регистрларни қайта кўриб чиқиш ва статистик мақсадлар учун бизнес регистрларни, аҳоли, фермер хўжаликлари ва уй-жой реестрларини ишлаб чиқиш;
- ҳар бир статистик регистр учун техник хизмат кўрсатиш ва янгилаш тартибларини ишлаб чиқиш, тизим хусусиятларини тайёрлаш;
- статистик регистр тизими ва жараёнларини синовдан ўтказиш;
- танламани амалга оширишнинг асоси сифатида статистик регистрлардан фойдаланиш учун кузатув дастурларини такомиллаштириш;
- Давлат статистика қўмитаси ходимларини ўқитиш.

Саволномаларни ишлаб чиқиш жараёнлари ва усулларини такомиллаштириш

Сўровноманинг мазмуни сўров давомида олинган жавоблар фоизига, олинган жавобларнинг сифатига ва шунга мос равишда сўров натижаларидан олинган хулосаларга сезиларли таъсир кўрсатади.

Саволномаларни ишлаб чиқиш бўйича жорий усуллар талабга жавоб бермайди. Марказлашган тартибда саволномаларни ишлаб чиқиш ва мониторингини юритиш интеграция масалаларида ниҳоятда муҳим ҳисобланади

Умумий муаммолар қаторига жавобларнинг паст даражаси, респондентларга ҳисобот юклагасининг оғирлиги, маълумотлар йиғишга харажатлар, маълумотларни тўплашнинг мақсадлари нотўғри қўйилганлиги, респондентлар учун тушунарсиз кўрсатмалар ва махфийлик қоидаларига риоя қилишлар киради. Бундан ташқари, Давлат статистика қўмитасининг маълумот тўплашнинг мобил усулларидан фойдаланишни жорий этиш мақсадлари мавжуд стандартларни такомиллаштиришни талаб қилади.

Миллий статистика тизимида ҳар хил вақт оралиғида бир мавзу бўйича сўровлар ўтказиб борилиши маълум ва кўп ҳолларда ушбу сўровларни ўтказишда турли хил саволномалардан фойдаланилиши туфайли натижалар изчил эмас. Бундай муаммоларнинг олдини олиш учун барча тегишли секторларнинг модуллари билан тўлдирилган саволномалар архиви шакллантирилади ва Давлат статистика қўмитаси ушбу архивни яратиш учун барча тегишли муассасалар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши лозим.

Саволномаларни ишлаб чиқишда, бир қатор омилларни, шу жумладан берилаётган саволларнинг турларини, сўров варақасини тузиш услубини, тузилиши ва дизайнини инобатга олиш, шунингдек, сифатли маълумотлар тўпланишини таъминлаш учун саволномаларни синовдан ўтказиш керак.

Бу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

- қоғоз ва электрон кўринишидаги саволномалар, юзма-юз интервьюлар ва автоматлаштирилган телефон орқали интервьюларини ўз ичига олган турли шакллар учун саволномалар ишлаб чиқиш бўйича кўрсатма ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш;
- барча мавжуд саволномаларни кўриб чиқиш ва уларнинг базасини яратиш бўйича дастур ишлаб чиқиш;
- саволномаларни фойдаланишга қадар стандартларга мос келиши бўйича қайта кўриб чиқиш тартибларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;
- статистик кузатувлар учун саволномаларни ишлаб чиқиш усулларида фойдаланиш масалаларида ўқитишларни ташкил этиш.

Танланма усулларини такомиллаштириш

Давлат статистика қўмитаси танланманинг таркиби ва усулларини унинг натижалари ишончилигини таъминлаш ва ҳаққоний жамланма маълумотларни шакллантиришда муҳимлигини тушунади. Танланмани ўтказишнинг ягона яхлит стандартлари ва миллий статистика тизимида бу борада етарлича тайёргарликнинг мавжуд эмаслиги такомиллаштириш ва танлов сифатини яхшилаш тадбирларини амалга оширишни қийинлаштиради.

Давлат статистика қўмитаси ва статистика тизимининг бошқа ташкилотлари нисбатан кам сонли кузатувлар ўтказишига қарамай, харажатларни камайиши ва етишмаётган кўрсаткичларни таҳрирлаш имкониятларининг кенгайиши туфайли танланма кузатувларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш кундан-кунга кенг тарқалиб бормоқда.

Бу йўналишда, танланма услубиётларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

- танланмани ўтказиш имкониятларини ўрганиш;

- Давлат статистика қўмитаси ва бошқа ташкилотларни танланма усуллари бўйича ўқитиш;
- танланма кузатувларни умумийликни йўқотмаган ҳолда ўтказишни таъминловчи вариантларни аниқлаш учун амалдаги кузатувлар тўпламини ўрганиш;
- статистик регистрларда режалаштирилган янгиланишлар ва ишланмаларни ҳисобга олган ҳолда корхоналар ва уй хўжаликлари кузатувлари танланмаларини такомиллаштириш.

Вақт бўйича қаторларни таҳлил қилиш, мавсумий тузатиш усуллари ва маълумотларни қайта кўриб чиқиш сиёсатини жорий қилиш

Вақт бўйича қаторлар шаклида статистик маълумотларни тақдим этиш халқаро миқёсда тан олинган анъана бўлиб, даврий, мавсумий ва тартибсиз ҳодисалар туфайли маълумотларни ҳақиқий ўзгаришларини прогноз қилиш, шунингдек, таҳлилнинг бошқа турлари нуқтаи назаридан фойдали маълумотларни беради.

Маълумотларни вақт бўйича қаторлар кўринишида шакллантириш учун муайян шартлар мавжуд: вақт давомида услубий мувофиқлик, юқори частотали маълумотлар бўйича мавсумий тузатишлар, дефляциянинг лозим бўлган усулларида фойдаланиш. Давлат статистика қўмитаси ва бошқа маълумотлар ишлаб чиқарувчилар, барча зарур статистик кўрсаткичлар кесимида вақт бўйича қаторларни тузиш ишлари қўламини, зарур ҳолларда, тегишли мавсумий тузатиш усуллари қўллаган ҳолда, кенгайтирадилар.

Маълумот ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг вақт бўйича қаторларни тайёрлаш борасида салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар белгиланмоқда:

- максимал узоқ вақт кесимида дискрет кўрсаткичларнинг вақт бўйича қаторларни яратиш;
- дискрет маълумотларни йиғиш учун саволномаларни ўзгартириш;
- барча асосий кўрсаткичлар бўйича йиллик дискрет маълумотларга мавсумий тузатишлар киритиш усулини жорий қилиш;
- мавжуд индекслар ва дефляция усулларини такомиллаштириш;
- вақт бўйича қаторлардан фойдаланиш юзасидан кенг доирада тушунтиришлар олиб бориш дастурларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот, таҳлил ва мониторинг қилиш бўйича ишларни такомиллаштириш

Статистика тизимидаги асосий маълумот ишлаб чиқарувчиларнинг тадқиқот ва таҳлилий ишлари фойдаланувчилар учун уларнинг статистикасини мазмуни, аҳамиятлилиги ва долзарблигини ошириш нуқтаи назаридан муҳимдир. Гарчи таҳлил уларнинг асосий вазифаси бўлмаса-да, бу уларнинг маълумотларини янада фойдали, фойдаланувчилар учун муҳим ва долзарб қилади. Статистик маълумотларда корреляцион таҳлиллар, графикалар, жадваллар ва тенденцияларни баҳолаш натижаларидан фойдаланиш статистикани яхшироқ кўриш чуқурроқ тушунишни таъминлайди. Шунингдек, у миллий ривожланиш мақсадларининг самарали мониторингини таъминлайди.

Бундан ташқари, маълумотларни таҳлиллар билан бойитган ҳолда тақдим этиш ҳақиқатга асосланган қарорлар қабул қилиш учун замин яратади ва жамиятда маълумотларга бўлган талабни оширади. Стратегияни амалга ошириш доирасида миллий статистика тизими ташкилотларининг илмий тадқиқотлар ва таҳлил соҳасидаги салоҳиятини

ошириш, шунингдек, моделлаштириш, прогнозлаштириш ва мониторинг қилиш усуллари такомиллаштириш кўзда тутилган.

Қўллаб-қувватлашнинг яна бир муҳим йўналиши - статистика тизимининг мониторинг ўтказиш бўйича салоҳиятини мустаҳкамлаш. Муассасалар миллий ривожланиш мақсадлари ва мамлакатнинг халқаро рейтинглари борасида тадбирларни амалга ошириш бўйича мониторинг олиб бориш учун асосий кўрсаткичларни белгилайдилар.

Бу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

- таҳлилий материаллар ва ҳисоботларни тайёрлашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш;
- асосий маълумот ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг таҳлил қилиш салоҳиятини ривожлантириш;
- замонавий таҳлил воситаларини яратиш ва таҳлил бўйича ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш;
- прогнозлаштириш ва моделлаштириш бўйича мамлакат миллий статистика тизимининг барча статистик маълумот ишлаб чиқарувчиларининг салоҳиятини ошириш.

4.3. Статистик маълумотлардан фойдаланувчилар ва етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш

Маълумотлардан фойдаланувчилар статистика тизимининг ажралмас қисмини ташкил этади ва сифатли маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатишни такомиллаштириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун статистик материалларни тайёрлашда фойдаланувчиларнинг фикрларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасида фойдаланувчиларни, айниқса нодавлат тоифасидаги фойдаланувчиларнинг статистик маълумотга бўлган эҳтиёжини ўрганиш амалиёти мавжуд эмас.

Маълумотлардан фойдаланувчилар ва етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш Стратегияни асосий мақсадларидан биридир.

Хусусан, махсус тематик маслаҳат гуруҳларини яратиш орқали фойдаланувчилар билан алоқалар кенгайтирилади. Мунтазам равишда пресс-релизлар эълон қилиш ва матбуот анжуманларини ўтказиш орқали маълумотларни тарқатиш амалиёти кенгайтирилади, хусусан, фойдаланувчилар билан қайта алоқаларни яхшилаш мақсадида статистик маълумотларни тақдим этиш қоидалари ишлаб чиқилади ва веб-портал такомиллаштирилади. Маълумот тақдим этувчилар сиёсати ва тартиботлари белгиланади, эълон қилинади, респондентларнинг ҳисобот юклари ўлчанади ҳамда мақсадли пасайишларга эришилади.

Фойдаланувчилар билан ўзаро алоқаларни такомиллаштириш

Ушбу кичик компонентнинг мақсади - фойдаланувчилар билан яхши муносабатларни ривожлантириш ва мавжуд статистик маълумотлардан хабардорликни ошириш орқали уларнинг статистик маълумотларга бўлган ишончини ошириш.

Фойдаланувчилар билан ўзаро алоқаларни яхшилаш учун уларни функциялари ва статистик маълумотларга бўлган талабларидан келиб чиқиб тоифаларга, хусусан давлат идоралари, иқтисодиёт тармоқлари, илмий доиралар, оммавий ахборот воситалари, халқаро ташкилотлар ва умуман жамоаларга тақсимлаш ва таҳлил қилиш зарур бўлади.

Бу фойдаланувчиларнинг статистикага бўлган талабни белгилайди, шунингдек мавжуд ва потенциал фойдаланувчиларни статистик дастурлар ва мавжуд маълумотлар тўғрисида хабардор қилади. Истеъмолчилар ва фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилади. Мунтазам равишда матбуот анжуманлари ўтказиб турилади.

Бу йўналишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- жамоатчиликни мавжуд статистик маълумотлар тўғрисида хабардор қилиш бўйича фойдаланувчилар билан ўзаро муносабатларни такомиллаштириш;
- Давлат статистика қўмитасида аҳолининг статистик саводхонлигини оширишга қаратилган видеоматериалларни тайёрлаш учун медиа-марказ ташкил этиш;
- фойдаланувчиларнинг умумий эҳтиёжлари таҳлилини ўтказиш ва тегишли мавзулар бўйича қайта алоқани таъминлаш;
- турли гуруҳ фойдаланувчиларига маълумотларни тақдим этиш стандартларини ишлаб чиқиш;
- фойдаланувчилар фикрларининг ўзгариши ҳақида тушунчага эга бўлиш учун уларнинг қониқиш даражасини ўрганиш бўйича кузатувларни такомиллаштириш;
- асосий статистик маълумотларни олишни таъминлаш учун статистика идоралари ва бошқа маълумот ишлаб чиқарувчилар расмий сайтларининг янгиланган шаклларини ишлаб чиқиш;
- обуналарнинг электрон шаклини ишлаб чиқиш;
- фойдаланувчиларни статистик маълумотларни ишлатиш ва таҳлил қилишга ўргатиш.

Ушбу компонентнинг амалга оширилиши ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчилар ўртасидаги мулоқотни самарали йўлга қўйишга олиб келади, бу эса миллий статистика тизимининг фаолият самарадорлигини оширади.

Статистик маълумотларни тарқатиш сиёсатини такомиллаштириш

Айни пайтда фойдаланувчилар етарли ва зарур миқдордаги маълумотларга эга эмаслар ва маълумотларни тарқатиш соҳасидаги мавжуд сиёсат лозим даражада самарали эмас. Бу қисман маълумотларни тарқатиш жараёнининг яхши ташкил этилмаганлиги билан боғлиқ. Ушбу кичик компонент маълумотларни тарқатишда янада изчил ва кенг қамровли ёндашувни ривожлантиришга қаратилган.

Маълумотларни тарқатишда изчил ва комплекс ёндашувларни яратиш учун қуйидаги чора-тадбирлар кўзда тутилган:

- Маълумотларни тарқатиш дастури, шу жумладан, дастлабки маълумотларни эълон қилиш тақвимини тайёрлаш ва амалга ошириш;
- маълумотларни тарқатиш функцияларини такомиллаштириш;
- маълумот ишлаб чиқарувчи барча ташкилотларга, уларнинг маълумотлари интеграциясини таъминлаш, шунингдек, очиқ маълумотлар портали орқали тарқатиш учун статистик маълумотларни тарқатиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- маълумотларни тарқатиш бўйича қарорларнинг очиқ маълумотлар портали билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;
- маълумотларни тарқатишнинг халқаро стандартларини жорий этиш;
- вақт бўйича қаторлардан фойдаланилган статистик нашрларни кўпайтириш;

- маълумотни олишни мониторинг қилиш ва доимий равишда такомиллаштириб бориш;
- Давлат статистика қўмитаси электрон ахборот ресурсларини доимий равишда янгилаб бориш.

Статистик маълумотларни етказиб берувчилар бўйича сиёсатни такомиллаштириш

Маълумотларни йиғишнинг мавжуд тизими маълумот етказиб берувчиларга юқори ҳисобот юклагасини қўяди, хусусан сўровномаларнинг мураккаблиги ва катта ҳажмдалиги олинган жавобларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, самарали танлаб олиш, саволномаларнинг тушунарли бўлишини таъминлаш, сўровни ўтказиш ёки тўлдирилган сўровномани олиш муддатлари борасида кўпроқ мослашувчанлик, шунингдек, респондентларга ахборот тақдим этиш шаклини танлаш ҳуқуқини бериш ҳисобига ҳисобот юқини минимум даражага келтириш бўйича сиёсатни жорий этиш керак. Бу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

- Сўров мақсади ва ҳисобот механизмлари бўйича тушунтиришлар амалга ошириладиган дастлабки алоқани талаб қилиш;
- корпоратив респондентларга, жавоб бериш учун қулай ва мос бўлган (масалан, почта, факс, телефон, электрон каналлар орқали) усулни танлаши учун турли хил жавоб вариантларини тақдим этиш;
- уй хўжаликлари респондентларига интервьюнинг тури ва ўтказиш вақтини танлаш имкониятини бериш;
- ўқилиши осон ва тушунарли бўлган кўрсатмаларга ва қулай тузилишга эга ҳамда жавоблари эълон қилинадиган статистик маълумотларда ишлатилмайдиган пухта ўйланган сўровномаларни ишлаб чиқишни талаб қилиш;

- саволномалар сонини, айниқса кенг қамровли кузатувлардан танланма кузатувларга ўтиш орқали қисқартиришни талаб қилиш.

Давлат статистика қўмитаси илғор хорижий статистика идоралари тажрибаларига таянган ҳолда респондентларга ҳисобот юкининг мақсадли кўрсаткичларини белгилайди ва мониторингини олиб боради. Давлат статистика қўмитаси фойдаланувчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида маълумот берадиган рисола тайёрлайди ва тарқатади. Бу ҳисобот юкини камайтирмасида, фойдаланувчиларнинг уни тушунишига ёрдам беради. Шундай қилиб, мазкур йўналишда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- респондентлар бўйича сиёсатни аниқлаш ва амалга ошириш;
- кузатувлар ўтказиш вақтида респондентларга ҳисобот юкмасини ўлчаш тизимини жорий қилиш;
- респондентларга ҳисобот юкмасини қисқартириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни белгилаш ва назорат қилиш;
- респондентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш ва тегишли ахборотларни тарқатиш;
- илғор халқаро тажрибага мувофиқ кўнғироқ марказларидан (колл-центр) фойдаланган ҳолда сўров ўтказиш услубиятини ишлаб чиқиш ва тажриба лойиҳасини амалга ошириш.

4.4. Статистик маълумотларни қайта ишлаш бўйича ахборот-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш

Ахборот-коммуникация технологиялари самарали фаолият юритувчи статистика тизимини яратишнинг энг муҳим талабларидан биридир. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланишини ҳисобга олиб, статистика идоралари маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш жараёнларида ушбу технологиялар имкониятларидан фойдаланиш учун замон билан ҳамнафас бўлишлари даркор.

Мақсад - маълумотларни йиғишнинг (кузатув/бошқарув) тўлиқ циклини қамраб олувчи маълумотларни қайта ишлаш бўйича комплекс тизимни яратиш. Бу жараён саволномалар ишлаб чиқиш, кузатув инструментарийларини яратиш, кузатувни ўтказиш, рақамли қурилмалар ёрдамида маълумот йиғиш, таҳрир қилиш, кўчириш, умумлаштириш ва тарқатиш учун интеграциялашган дастурий таъминотни ишлаб чиқишни назарда тутди, шу ўринда буларнинг барчаси метамаълумотларнинг умумий базасидан олинади.

Давлат статистика қўмитасининг ахборот тизимлари бошқа статистик маълумот ишлаб чиқарувчиларнинг ахборот базалари билан интеграциялашуви лозим. Тизимда автоматлаштирилган шахсий интервью (АШИ), телефон орқали автоматлаштирилган сўров (ТАС), автоматлаштирилган веб-сўров (АВС) ва бошқа маълумотларни йиғиш усуллари жорий этиш лозим.

Ҳисобот қабул қилишнинг онлайн тизимини ишлаб чиқиш керак, шунингдек, телефон орқали ҳисоботларни қабул қила оладиган колл-центрни яратиш мумкин. Маълумотни қайта ишлашнинг бундай интеграциялашган тизимини яратиш замонавийдир, аммо шу билан бирга катта молиявий, техник ва инсон ресурсларини талаб қилади.

Шунингдек, бу йўналишда Давлат статистика қўмитасига ҳудудий статистика органларининг статистик инфратузилмасини замонавий стандартларга мувофиқлаштиришда кўмак бериш назарда тутилган.

Хусусан, локал ва идоралараро тармоқ имкониятлари кенгайтирилиб, эски серверлар ва компьютерлар янгиланади. Шу ўринда, лойиҳа доирасида ҳеч қандай қурилиш ишлари олиб борилмайди.

**Статистик маълумотларни шакллантириш, сақлаш
ва қайта ишлаш бўйича интеграциялашган тизимни яратиш**

Стратегиянинг асосий мақсадларидан бири мавжуд бўлган турли хил дастурлар ва маълумотлар базалари ўрнига комплекс ахборот тизимини яратишдир.

Ҳозирги вақтда ҳар бир кузатув бўйича маълумотларга ишлов бериш босқичида бошқа тадқиқотлар натижалари билан алоқадар бўлмаган, лекин бир-бири билан ўзвий боғлиқ бўлган индивидуал қарорлар ишлаб чиқилмоқда ва қабул қилинмоқда. Шу боис, олинган маълумот базаларини янада мураккаб таҳлиллар учун интеграциялаш жуда қийин.

Умуман олганда, маълумотларни қайта ишлаш бўйича самарали фаолият юритадиган комплекс тизимни яратиш мақсадида миллий статистика тизими учун АКТ соҳасида қуйидагиларни қамраб олувчи батафсил режа ишлаб чиқилиши назарда тутилади:

а) миллий статистика тизими учун, ўз ичига дастурий таъминот ва ускуналарнинг техник шартларини, шунингдек, бюджетини ва ўрнатиш жадвалини белгилайдиган АКТнинг батафсил режасини тайёрлаш;

б) АКТ соҳасида режа қуйидагиларни қамраб олади:

- воситаларни модернизация қилиш ва янги дастурий таъминотларни ўрнатиш йўли билан онлайн режимда қайта ишлаш ва таҳлил қилиш функцияларини жорий қилиш орқали ахборот базалари ва метамаълумотлар, шунингдек, уларнинг классификацияларини такомиллаштириш;

- маълумотларни йиғиш ва киритиш учун мобил иловаларни ишлаб чиқиш;

- ускуналар ва дастурий таъминотни янгилаш доирасида тавсифлаш тизимини яхшилаш ва ишлов беришни оптималлаштириш

нуқтаи назаридан метамаълумотлар архивини ва маълумотлар таснифларини такомиллаштириш,

- маълумотлар келишилганлигини ва мутаносиб янгилаб борилишини таъминлаш мақсадида статистик регистрларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- автоматлаштирилган шахсий интервью (АШИ) воситаларини жорий қилиш;

- автоматлаштирилган шахсий интервью (АШИ) ва телефон орқали автоматлаштирилган сўров (ТАС) воситаларидан фойдаланиш бўйича ходимларни тайёрлаш;

- респондентлар ва фойдаланувчилар учун янги веб-сервисларни ишлаб чиқиш йўли билан Давлат статистика қўмитаси веб-порталининг маълумотларни йиғиш ва тарқатиш қисмини такомиллаштириш;

- маълумотларни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тизимини ишлаб чиқиш;

- ахборот базалари хавфсизлигини кафолатловчи қўшимча захира тизимини яратиш ва ўрнатиш;

- видеоконференциялар ва ўқишларни ташкил этиш учун марказий аппаратни Институт ва ҳудудий бўлинмалар билан боғловчи VoIP тизимини яратиш.

Давлат статистика қўмитаси ва бошқа статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчи вазирлик ва идораларнинг жиҳозлари ва дастурий таъминотини янгилаш

Давлат статистика қўмитаси, унинг ҳудудий бўлинмалари ва Институтнинг моддий-техника таъминотини деярли тўлиқ, жумладан 60 фоиздан ортиқ ахборот-коммуникация инфратузилмасини янгилаш зарурати мавжуд. Маълумот базаларини бошқариш ва маълумотларни

қайта ишлашда фойдаланилаётган дастурий таъминотлар эскирган ва мураккаб вазифаларни бажара олмайди.

АКТ режасини тайёрлаш ишлари якунлангандан сўнг, жиҳозлар, дастурий таъминот ва воситаларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни олдиндан аниқлаштирилишига эришилади. Бу йўналишда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- Давлат статистика қўмитаси ва бошқа расмий статистика ишлаб чиқарувчилар тизимида фойдаланишда бўлган ахборот-коммуникация инфратузилмаларини янгилаш сиёсати ва дастурини ишлаб чиқиш;
- воситалар ва дастурий таъминотларни харид қилиш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш;
- зарур молиявий ресурсларни жалб этган ҳолда моддий-техника базасини янгилаш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, шаҳар, туман статистика бўлимлари инфратузилмасини такомиллаштириш ва модернизация қилиш

Ходимларнинг ишга бўлган қизиқишини ва меҳнат унумдорлигини сақлаш имконини берадиган қулай иш муҳитини яратиш мақсадида ҳудудий статистика идоралари бинолари таъмирланиб, ободонлаштирилади.

Эскирган ва ишдан чиққан мебеллар бошқа зарур жиҳозлар билан бир қаторда алмаштирилади, бу нафақат иш самарадорлигини, балки ходимларнинг ишлашга бўлган қизиқишини оширади. Бундан ташқари, бу тажрибали ходимларни сақлашга ва янги малакали ходимларни жалб этишга ёрдам беради.

Ҳудудий статистика идораларининг жорий ҳолати юзасидан (шу жумладан уларни мақбул даражага етказишга бўлган харажатларни инобатга олган ҳолда) баҳолаш натижалари қуйидагича:

- шароитларни яхшилаш режасига асосан тадбирлар босқичларини аниқлаш;
- режани амалга ошириш учун молиялаштиришни ҳал этиш;
- жойлашиш ва шарт-шароитларни яхшилаш чораларини кўриш.

4.5. Алоҳида статистик йўналишлар ва методологияларни такомиллаштириш

Стратегиянинг асосий мақсадларидан бири бу барча алоҳида статистик йўналишларни такомиллаштириш ҳамда халқаро стандартлар ва илғор тажрибаларни жорий этиш орқали маъмурий маълумотларни йиғиш бўйича зарур тавсиялар ва амалга ошириладиган тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Хусусан, мамлакатдаги барча статистик маълумотлар ишлаб чиқарувчиларнинг таркиби, қамрови, келишилганлиги, аниқлиги, долзарблиги, қулайлиги ва тушунарлилиги нуқтаи назаридан ҳар бир статистик йўналиш бўйича ижобий натижалар кузатилади.

Таклифлар қўшимча манбаларни талаб қиладиган қайта ташкил этиш шаклида ёхуд сўров ўтказиш учун мавжуд манбалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган такомиллаштиришлар шаклида кўриб чиқилади, устуворлаштирилади ва амалга оширилади.

Рўйхатга олишлар соҳасида статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш

2022-2024 йилларда аҳолини ҳамда қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш режалаштирилган ва ҳукумат рўйхатга олиш тадбирлари миллий сиёсатни юритиш, тадбирларни режалаштириш ва бошқариш учун муҳим бўлган ҳаққоний маълумотларни олиш учун зарур эканлигини англайди.

Рўйхатга олишлар инклюзив ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш ва мониторингини олиб бориш учун зарур бўлган муҳим маълумот манбаларидан биридир. Шунингдек, рўйхатга олишлар оралиғида миллий ва маҳаллий маълумотларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун компьютерлаштирилган статистик маҳсулотларни ташкил қилиш ва қуриш учун мантиқий бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади.

Аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари, меҳнат, туғилиш ва миграция каби кўплаб мавзулар бўйича аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари оралиғида кузатувлар ўтказиш учун танланмаларни шакллантиришда асосий манбадир.

Миллий статистика тизими халқаро миқёсда тавсия этилган шакл ва даврийликда (камида ҳар ўн йилда бир марта) аҳоли, қишлоқ хўжалиги ва бизнесни рўйхатга олиш тадбирларини олиб боради ҳамда уларнинг натижаларини ўз вақтида эълон қилади.

Мазкур йўналишда лойиҳа қуйидагиларни амалга оширишга туртки беради:

- аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш бўйича ташкилий, молиявий, моддий-техник, ҳуқуқий ва услубий асосларни ишлаб чиқиш;
- Давлат статистика қўмитаси тизимида рўйхатга олиш тадбирларини ташкил этиш бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил этиш;
- аҳолини рўйхатга олиш бўйича ҳаракатлар режаларини (шу жумладан, восита ва дастурий таъминотларга бўлган талабларни ўз ичига олган ҳолда) тайёрлаш;
- рўйхатга олишлар бўйича саволномаларни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш;

- рўйхатга олишларни ўтказиш учун зарур инфратузилмани яратиш ва тадбирлар натижалари бўйича қамрови, сифати ва ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш учун янги технологияларни жорий этиш;
- рўйхатга олиш тадбирлари тарғиботи бўйича кампанияларни тайёрлаш ва уюштириш;
- рўйхатга олиш тадбирларида иштирок этувчи шахслар салоҳияти ва малакасини ошириш мақсадида кадрлар тайёрлаш соҳасида режа ишлаб чиқиш;
- рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш соҳасида раҳбарлар ва интервьюерларнинг билим ва кўникмаларини ошириш бўйича зарур тайёргарликни амалга ошириш.

Миллий ҳисобларни такомиллаштириш

Давлат статистика қўмитаси келгусидаги саъй-ҳаракатларни статистик бирликларнинг асосий турларини ўз ичига қамраб олувчи статистик бизнес регистрни яратишга йўналтириши керак ва бу Давлат статистика қўмитасига иқтисодий статистикани интеграциялаштириш ҳамда МҲТ-2008ни самарали жорий этишга имкон беради.

Давлат статистика қўмитаси статистик кўрсаткичларнинг мувофиқлигини ошириш учун макроиқтисодий баланс усулларини, хусусан “ҳаражатлар - ишлаб чиқариш”, ресурслар ва улардан фойдаланиш жадваллари ҳамда иқтисодий балансларни ишлаб чиқади.

Миллий ҳисоблар статистикасини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга оширишни кўриб чиқиш зарур бўлади:

- миллий ҳисоблар статистикаси соҳасида кадрлар салоҳияти ва малакасини ошириш, профессионал кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, жозибадор иш муҳитини яратишга кўмаклашиш;
- халқаро стандартларга мувофиқ ялпи ички маҳсулот ҳажми, таркиби ва динамикасига, уларнинг сифатига таъсир этувчи услубий

ишланмаларни жорий этиш ҳамда молиявий ҳисобни юритиш, активлардаги бошқа ўзгаришларни ҳисобга олиш, активлар ва пассивлар баланси бўйича қайта баҳолашлар ўтказиш салоҳиятини ошириш;

- статистик мақсадлар учун маъмурий маълумотлар манбаларини такомиллаштириш;

- МҲТ, шу жумладан МҲТ-2008 бўйича халқаро стандартлар ва классификацияларни жорий этиб бориш;

- кузатилмайдиган иқтисодиёт бўйича аниқроқ баҳолашларни олиш учун “ресурслар ва фойдаланиш” жадваллар тизимидан фойдаланиш;

- корхоналар харажатлари таркибини кузатиш натижалари асосида харажатлар-ишлаб чиқариш коэффициентларини янгилаш йўли билан “Ресурслар ва фойдаланиш” жадвалларини тузиш тажрибасини такомиллаштириш;

- МҲТ учун махсус ишлаб чиқилган дастурий таъминотларни жорий қилиш орқали ахборот-коммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш;

- илғор халқаро тажрибага мувофиқ кузатилмайдиган иқтисодиёт, уй-жой хизматлари ва асосий капитал истеъмолини баҳолаш бўйича салоҳиятни ошириш;

- чораклик ҳисоб-китоблар сифатини ошириш мақсадида мавсумий тузатишларни киритиш ва ўтган йилнинг тегишли даври нархлари бўйича ЯИМни ҳисоблаш усулидан базис йили бўйича ўртача йиллик нархлар асосида ЯИМни ҳисоблаш усулига ўтиш;

- ЯИМнинг таркибий қисмларини ва иқтисодий статистиканинг бошқа кўрсаткичларини доимий нархларда ҳисоблашни такомиллаштириш, шу жумладан доимий нархларда қаторларни тузишда икки томонлама дефляциялаш ёндашувини жорий этиш;

- миллий ҳисоблар, давлат молияси статистикаси ва тўлов баланси ўртасидаги мувофиқликка эришиш;
- чораклик миллий ҳисобларни такомиллаштириш, чораклик иқтисодий статистикани тузишда дискрет ёндашувни тадбиқ этиш;
- ЯИМнинг таркибий қисмларини баҳолашни такомиллаштириш орқали унинг тўлиқроқ қамровини таъминлаш;
- Халқаро таққослашлар дастурининг доимий глобал раундларида иштирок этишга тайёргарлик кўриб бориш ва харажатлар усулидаги ЯИМ ҳисоб-китобларини такомиллаштириш;
- Тармоқ статистикасининг барча даражаларида чораклик (ойлик) статистик ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини, шунга мос равишда халқаро тажриба ва халқаро статистика ташкилотларининг (ХВЖ, ОТБ, МДХ Давлатлараро Статистика қўмитаси) тавсияларига мувофиқ ЯИМ ва бошқа макро кўрсаткичларни шакллантириш муддатларини тубдан қайта кўриб чиқиш.

Нархлар статистикасини такомиллаштириш

Ҳозирги вақтда мамлакатда нархлар статистикаси ХВЖ, ИҚТТ, Евростат, БМТ ЕИК, Жаҳон банки ва ХМТ каби халқаро ташкилотларнинг стандартларига мувофиқ шакллантирилмоқда.

Нархлар статистикасини такомиллаштириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- истеъмол нархлари индексларини ҳисоблашда халқаро стандартларни, шу жумладан, истеъмол саватида товарлар (хизматлар)нинг салмоқ вазнларни белгилаш методологиясини танқидий қайта кўриб чиққан ҳолда жорий этиб бориш;
- қишлоқ хўжалигида нарх индексларини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқарувчилар нархлари индексларини ҳисоблашда танланадиган маҳсулотлар ва корхоналар рўйхатини кенгайтириш,

шунингдек ойлик маълумотларни тақдим этиш талаб қилинмайдиган кичик корхоналарни ҳам қамраб олиш;

- регистрлар асосида истеъмол нархлари индекслари маълумот манбааларини танлашни амалга ошириш;
- экспорт ва импорт қилинадиган товарлар (хизматлар) нархлари индексларини ва уй-жой бозорида нарх индексларини халқаро стандартларга мувофиқ ҳисоблаш методологиясини такомиллаштириш;
- товарлар (хизматлар) сифатини, янги маҳсулотларни, мавсумий жиҳатларни ҳамда узоқ ишлаб чиқариш циклига эга ва яқка тартибдаги буюртма асосида тайёрланадиган товарлар ва хизматлар нархларини акс эттирувчи вақтинча мавжуд бўлмаган товарларни ҳисобга олган ҳолда нархлар статистикаси услубиятини такомиллаштириб бориш;
- саноат корхоналари томонидан харид қилинган материаллар нарх индексларини ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш;
- миллий ҳисоблар билан боғлиқ равишда “Мақсадлар бўйича шахсий истеъмол таснифлагичи-2018”ни жорий этишга тайёргарлик учун зарур чораларни кўриш;
- нарх статистикасида мавсумий тузатиш усулларини жорий этиш;
- Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтида ўртача нархларни ва асосий истеъмол товарлари таркибидаги уларнинг ўзгаришини республика ва ҳудудлар кесимида мунтазам равишда эълон қилиш амалиётини жорий этиш;
- нархлар статистикасини шакллантиришнинг самарали механизмларини, масалан, онлайн касса тизимларига интеграциялаш ва бошқаларни жорий этиш.

Уй хўжаликлари кузатувларини такомиллаштириш

Давлат статистика қўмитаси Жаҳон банки билан ҳамкорликда уй хўжаликлари кузатувларини комплекс модернизация қилишни таклиф қилди. Таклиф қилинаётган ўзгаришлар маълумотларни йиғиш жараёнларини автоматлаштирилган шахсий интервью (АШИ) форматига ўтказиш, мавзу доирасини кенгайтириш, қўшимча равишда фаровонлик кўрсаткичларини киритиш ва уй хўжаликлари танланмаси ҳажмини ошириш бўйича тадбирларни ўз ичига қамраб олади.

АШИ форматига ўтиш маълумотлар йиғиш тезлигини ва олинган маълумотларнинг сифатини сезиларли даражада оширади. Сухбат вақтининг сезиларли даражада қисқариши туфайли (уч ҳафтадан максимал уч соатгача) танланма ҳажмини мумкин қадар оширилиши мумкин.

Шунингдек, уй хўжаликлари кузатувлари танланмасини қайта кўриб чиқиш орқали олинган статистик маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги сезиларли даражада яхшиланади. Қайд этилган самарадорлик натижасида, кўзда тутилган бюджет доирасида танланма ҳажмини икки баравар, кузатув ўтказиш частотасини эса тўрт баробарга ошириш мумкин.

Танланмани амалга оширишда, таклиф қилинаётган стратификацияланган кўп босқичли саралаш усулидан фойдаланиш кузатув баҳосини сезиларли даражада яхшилайдди. Бироқ, бу ҳар бир босқичда танланмани, кластерларни ва уй хўжаликларини танлашни тўғри юритиш билан боғлиқ. Танланмани, шу жумладан қатламлар, кластерлар ва уй хўжаликларини, шунингдек, вазнларни аниқлаш натижалари якуний маълумот тўпламларига киритилиши ҳамда мукамал ҳужжатлаштирилган бўлиши лозим.

Модернизациялашнинг асосий мақсади янада кенгроқ ва жорий этилиши осон бўлган саволномаларни амалиётга тадбиқ этишдир. Янги тизим ҳозирги вақтда ностандарт усуллар ёрдамида тўпланадиган асосий ўлчов бирликлари сифатини яхшилаш имконини беради.

АШИга асосланган ёндашувга ўтиш ва истеъмол элементлари рўйхатига асосланган усулни қўллаш амалдаги қоғоз кундалигидан воз кечишни таъминлайди. Ушбу ўзгаришлар самарадорликни оширади, натижада танланма ҳажми қарийб икки бараварга, ва ҳудудлар кесимида ҳисобот даврийлиги эса йиллик ораликдан чораклик ораликқа ўзгартирилиши мумкин бўлади.

Янги тизимни жорий этиш жараёнида, мавжуд уй хўжаликлари кузатувлари билан бир қаторда, ишчи гуруҳ кузатув ўтказиш усулларидаги ўзгаришларнинг (истеъмол ва харажатлар тўғрисидаги маълумотларни тўплашда кундалиқдан рўйхат усулига ўтиш) таъсирини ҳам қўшимча равишда текширади.

Шунингдек, лойиҳа уч йилдан беш йилгача бўлган давр оралиғида мунтазам равишда ўтказиладиган мультииндикатор кластер кузатувлари (МИКК) сингари халқаро миқёсда тан олинган уй хўжаликлари кузатувлари дастурларида Ўзбекистон Республикасини иштирок этишини қўллаб-қувватлайди.

Бу тадбир натижалари халқаро даражада таққослаш имконини берувчи, соғлиқни сақлаш соҳасида болалар, ёшлар ва аёлларнинг аҳволи тўғрисидаги, шунингдек, таълим, сув таъминоти ва санитария, ОИВ / ОИТС ва бошқа сифатли маълумотларни тақдим этади.

Бу йўналиш қуйидаги тадбирларни қамраб олади:

- уй хўжаликлари танлама кузатувларини ўтказиш методологиясини такомиллаштириш;
- қамбағаллик ва тенгсизликни ўлчаш борасида илғор халқаро тажрибани ўрганиш, шунингдек, янги ўлчов воситаларини жорий этиш;

- уй хўжаликлари танлама кузатув танловини такомиллаштириш;
- вақт харажатлари бўйича статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш услубиятини ишлаб чиқиш;
- уй хўжаликлари танлама кузатувларини ўтказиш учун замонавий электрон қурилмалар (планшетлар)дан фойдаланиш ва автоматлаштирилган шахсий интервью технологияларини жорий этиш;
- маълумотларни йиғиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш учун замонавий дастурий таъминотни жорий қилиш, шунингдек, уй хўжаликлари кузатувини ўтказувчи ходимларни талаб даражасида тайёрлашни таъминлаш.

Ташқи савдо статистикасини такомиллаштириш

Товарлар ташқи савдоси бўйича статистикани тўплаш ва қайта ишлаш ҳамда маълумотлар базасини юритиш Давлат божхона қўмитаси томонидан амалга оширилади ва ҳар ой маълумотлар Давлат статистика қўмитасига тақдим этилади, шу ўринда хизматлар савдоси статистикаси маъмурий манбалар, статистик кузатувлар ва миқдорий ҳисоблаш усуллари ёрдамида шакллантирилади.

Бу йўналиш қуйидаги тадбирларни қамраб олади:

- Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси томонидан фойдаланадиган ташқи савдо соҳасидаги классификациялар ва стандартларни уйғунлаштириш;
- ташқи савдо соҳасида мавжуд ҳисобот шакллари сифатини янада яхшилаш;
- ташқи савдо статистикаси қамровини яхшилаш;
- ташқи савдо соҳасидаги маълумотларни ўз вақтида қайта ишлаш ва таҳлил қилишни таъминлаш амалиётини такомиллаштириш;
- ташқи савдо соҳасида статистик маълумотларнинг ягона маълумотлар базасини ва маълумотлар яхлитлигини таъминлаш.

Энергетика соҳасида статистикани такомиллаштириш

Мамлакатда энергетика соҳаси ҳолатини кузатиб бориш учун бу борада батафсил, тўлиқ, ўз вақтида ва ишончли статистик маълумотлар зарурдир.

Энергия ва энерго-самарадорлик кўрсаткичларининг тузилиши ва уларнинг аниқлиги энергиянинг якуний истеъмоли тўғрисидаги маълумотларнинг сифати ва батафсил ёритиб берилиши билан боғлиқ.

Ушбу йўналишдаги мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар кўзда тутилган:

- фойдаланувчи эҳтиёжлари асосида мавжуд бўлмаган маълумотларни аниқлаш ва БМТ стандартлари асосида энергия статистикасини такомиллаштириш;
- энергия самарадорлиги ва энергия сарфи бўйича саволларни қўшиш йўли билан уй хўжаликлари кузатувларини қайта кўриб чиқиш;
- юқори сифатли энергия балансини шакллантириш учун кўрсаткичларнинг тўлиқ қамровини таъминлаш мақсадида халқаро стандартларга мувофиқ энергетика соҳасида статистик ҳисобот шаклларини қайта кўриб чиқиш;
- энергетика ҳолати ҳақида тўлиқ ва изчил маълумотлар тақдим этиш орқали энергетика статистикасининг долзарблигини ошириш.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида статистикани такомиллаштириш

Статистикага бўлган тарихий ёндашувдан воз кечган ҳолда халқаро даражада мунтазам такомиллаштириб борилаётган, барқарор ривожланиш мақсадлари доирасига кирувчи “ЯИМдан ташқарида”, “Яшил иқтисодиёт”, “Яшил ўсиш”, “Жамият тараққиёти ўлчовлари”, “Яхши ҳаёт” каби ташаббуслар бўйича маълумотларни шакллантириш юзасидан комплекс сиёсатни ишлаб чиқиш талабларига жавоб берадиган

кўрсаткичларни олиш имконини берувчи “маълумотлар банки”ни йўлга қўйишга эҳтиёж мавжуд.

Ушбу йўналишдаги мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

- фойдаланувчи эҳтиёжлари асосида етишмаётган маълумотларни аниқлаш ва БМТ стандартлари асосида атроф-муҳит соҳасида статистикани такомиллаштириш;

- атроф-муҳит ва ўзгаришлар, табиий ресурслардан фойдаланиш, хусусан сув, ер, минерал, биологик ресурслар захиралари ва уларнинг ўзгариб бориши ҳамда чиқиндиларни қайта ишлаш, экологик активлар, захиралар ва уларни баҳолаш бўйича маълумотларни ягона тизим доирасида йиғиш ва умумлаштириш имконини берувчи экологик маълумот ҳисоби бўйича халқаро стандартларни жорий этиш;

- атроф-муҳит соҳасида статистик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;

- Геоманзилли ахборот тизимларидан атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги статистик маълумотларни шакллантириш ва тарқатиш учун асос сифатида фойдаланиш;

- экологик ва иқтисодий статистиканинг қўшимча тизимини яратишга имкон берувчи атроф-муҳит бўйича бирламчи маълумотларни тўплаш тизимини ишлаб чиқиш.

- сув, минераллар, энергия, ўрмон, балиқ, тупроқ, ер, экотизим, ифлосланиш ва чиқиндилар, ишлаб чиқариш ва истеъмол тўғрисида маълумотларни, қуйидагиларни инобатга олган ҳолда тўплаш имконини берадиган экологик ва иқтисодий ҳисобларнинг халқаро стандартини жорий этиш:

- иқтисодиёт ва атроф-муҳит ўртасида материаллар ва энергиянинг физик оқими;

- экологик активларнинг захиралари ва ушбу захиралардаги ўзгаришлар (шу жумладан экотизимларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар);

- атроф-муҳит билан боғлиқ иқтисодий фаолият ва битимлар (шу жумладан тегишли асосий воситалар ва захиралар бўйича).

Корхоналар статистикани такомиллаштириш

Давлат статистика қўмитаси томонидан иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик статистикаси бўйича маълумотлар юридик шахсларнинг статистик ҳисоботлари ва тадбиркорлик фаолияти кузатувлари асосида шакллантирилади. Давлат статистика қўмитасининг барча тармоқ бошқармалари ҳисобот берувчи субъектлар рўйхатини, шунингдек, танланма кузатувлар танланмасини тузишда корхоналар ва ташкилотлар регистрдан фойдаланадилар. Кузатувларда корхона ва ташкилотлар томонидан саволларга тўлиқ жавоб бермаслик хавфи мавжуд ҳамда танланма намуналари мунтазам янгиланмайди.

Бу йўналишдаги мавжуд муаммоларни баратарф этиш мақсадида қуйидаги тадбирлар амлага оширилади:

- илғор халқаро тажрибага мувофиқ тадбиркорлик статистикасининг барча йўналишлари қайта кўриб чиқилади;
- кенг қамровли статистик бизнес-регистр ишлаб чиқилади ва мамлакатнинг барча субъектлари учун ягона миллий идентификациядан фойдаланиш тарғиб қилинади;
- корхоналар статистикаси бўйича ишончли ва тўлақонли маълумотларни шакллантириш мақсадида кузатувларни ўтказиш методологияси такомиллаштирилади;
- мавсумий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда мослаштирилган, юқори частотали вақт бўйича қаторлар кўринишида маълумотларни шакллантириш амалиёти такомиллаштирилади.

Давлат молияси статистикасини такомиллаштириш

Халқаро стандартларга мувофиқ давлат молияси статистикасининг даврий равишда тузилган чораклик вақт бўйича қаторларни ишлаб чиқиш Молия вазирлигининг статистик фаолиятидаги энг муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Маълумотларнинг тўлиқлиги ва яхлитлигини ҳамда эълон қилинадиган молиявий статистиканинг ишончлилигини таъминлаш учун қуйидаги чора-тадбирлар қўллаб-қувватланади:

- фискал ҳисоботларнинг институционал қамровини кенгайтириш, ДМСҚ-2014 стандартларига мувофиқ давлат бошқаруви тизимининг бир қисми сифатида таснифлаш керак бўлган давлат бюджети статистикасини, шу жумладан, бюджетдан ташқари маблағлар, бюджет ташкилотлари ва бошқа институционал бўлинмаларнинг бюджетдан ташқари ҳисоблари бўйича статистик маълумотларни тўплаш ва тарқатиш;
- давлат операцияларини тўғри таснифлаш ва баланс маълумотларини тақдим этишни ҳисобга олган ҳолда ДМСҚ-2014 стандартларини жорий этиб бориш;
- молиявий статистиканинг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш учун давлат корхоналари тўғрисидаги маълумотлар базасини янгилаб бориш ва уларни доимий равишда тармоқлар бўйича тақсимлаш;
- жамланма фискал маълумотларнинг бюджет ижроси ва давлат молия статистикаси ҳисоботлари ўртасидаги мувофиқлигига эришиш, молиявий ҳисоботларда асосий агрегатларни солиштириб бориш ҳамда аҳоли саводхонлигини ошириш ҳисобига фискал ҳисоботларда статистик маълумотлар яхлитлигини таъминлаш;

- маълумотлар алмашинувини, секторлар бўйича келишилган ва тизимли статистикани йўлга қўйиш учун Молия вазирлиги, Марказий банк ва Давлат статистика қўмитасидан ташкил топган “Давлат молияси статистикаси бўйича ишчи гуруҳ”ни ташкил этиш;
- ХВФнинг Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандарти (SDDS) талабларини жорий қилиш.

Ташқи сектор бўйича статистикани такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул, молия ва ташқи секторлар бўйича статистик маълумотларни тўплаш учун жавобгардир. Ушбу йўналишда асосий эътибор ташқи сектор статистикасини халқаро тан олинган норма ва стандартларга мувофиқ таснифлаш ва эълон қилиш амалиёти нуқтаи назаридан такомиллаштиришга қаратилган.

Бу йўналишда қуйидаги тадбирларни амалга оширишга кўмаклашилади:

- давлат хизматчиларининг саводхонлиги, шунингдек, кенг жамоатчиликни ташқи сектор статистикаси бўйича хабардорлик даражасини ошириш;
- Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандартининг (МТМС) қуйидаги талабларини жорий этиш:

- заҳира бўйича маълумотларни ойлик частотада ва натижаларни бир ой ичида эълон қилишни талаб этувчи маълумотларни тақдим этиш шакли асосида (Халқаро захиралар ва хорижий валютадаги ликвидлилик даражаси тўғрисидаги маълумотлар шаблони) тузиш;

- секторлар, сўндириш муддатлари ва инструментлари кесимида ташқи қарз бўйича маълумотлар сифатини яхшилаш;

- ставкалар сиёсатига йўналтирилган қисқа ва узоқ муддатли давлат қимматли қоғозлари бўйича фоиз ставкалари тўғрисидаги маълумотларни такомиллаштириш;

- даврийлик ва ўз муддатида эълон қилинишга риоя этиш, шунингдек, бир нечта маълумот категорияларини қамраб олиш ишларини такомиллаштириш;

- ташқи қарз бўйича индикаторларни такомиллаштириш;
- фойдаланувчилар кесимида билвосита ўлчанган молиявий воситачилик хизматларини баҳолаш ва тақсимлаш учун ахборот базасини такомиллаштириш;

- тўлов баланси бўйича қўлланма (ТБҚ-6) асосида 2010 йилдан буён бўлган давр учун ташқи сектор бўйича тарихий статистикани йиғиш;

- Халқаро валюта жамғармасининг портфель сармоя бўйича мувофиқлаштирилган шарҳни ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этилишини кўриб чиқишда иштирок этишини қўллаб-қувватлаш;

- маълумотларни йиғиш ва тузиш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш;

- Марказий банк, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси ходимларини ўқитиш;

- ташқи сектор статистикаси бўйича маълумотлар қамровини, даврийлигини ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш.

Пул-кредит ва молия сектори статистикасини такомиллаштириш

Сўнги йилларда пул-кредит статистикаси бўйича маълум ютуқларга эришилган бўлса-да, Стратегия Марказий банк ва Давлат статистика қўмитасининг сўнги халқаро стандартлар, таснифлар ва методологияларга мувофиқ пул-кредит ва молия статистикасини

сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ушбу йўналишда қуйидаги вазифалар кўзда тутилган:

- макроиқтисодий ва молиявий статистикани шакллантириш ва юритиш сиёсатини қайта кўриб чиқиш;
- Пул-кредит ва молиявий статистика бўйича ҳамда 2016 йилги уни тузиш бўйича қўлланмалар стандартларини жорий қилиш;
- Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ва молиявий имкониятлар кузатуви кўрсаткичларини шакллантириш бўйича ишларни такомиллаштириш.

Демографик статистикасини такомиллаштириш

Стратегиянинг бир қисми ушбу йўналишда қуйидагиларни назарда тутган ҳолда мавжуд тизимлар такомиллаштирилади (аҳоли сонини прогноз қилиш, маъмурий тизимлар ва сўровлар асосида шаклланадиган маълумот тизимлари натижаларини умумлаштириш усуллари ва ҳоказо), тартибга солинади ва рақамлаштирилади, жумладан:

- туғилиш, ўлим ва миграция тўғрисидаги маъмурий ва сўров асосида шаклланган маълумотларни тизимлаштириш;
- демографик статистика бўйича стандарт классификацияларни қабул қилиш;
- стандарт даврий ҳисоботларни ва нашр учун йиғма статистик маълумотларни ишлаб чиқиш.

Таълим статистикасини такомиллаштириш

Таълим бўйича статистик маълумотлар Давлат статистика қўмитаси ва таълим соҳасидаги вазирликлар (Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги) шакллантирилади.

Ҳукумат ҳар бир босқичда таълим соҳасини янгилашнинг ўрта муддатли (беш йиллик) стратегиясини тасдиқлаган ва ушбу стратегиялар доирасидаги ҳаракатларнинг натижаларини ўлчаш имконини берувчи асосий самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиққан.

Ушбу соҳада мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- Давлат статистика қўмитаси ва тегишли вазирликлар фаолиятида статистик жараёнларнинг такрорланишини олдини олиш учун маълумотларни шакллантириш тизимини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

- халқаро стандартларга мувофиқ таълим соҳасида стратегик режалаштириш ҳужжатлари ижросини мониторинг қилиш учун зарур бўлган статистик маълумотлар доирасини кенгайтириш ҳамда классификацияси ва методологиясини такомиллаштириш;

- таълим соҳасидаги барча вазирликларда статистик инфратузилмани ривожлантириш ҳамда долзарб ва сифатли маълумотларни ўз вақтида шакллантириш бўйича уларнинг потенциалини мустаҳкамлаш;

- статистик маълумотларни йиғиш, тузиш ва фойдаланиш бўйича салоҳиятни ошириш;

- ТБАТнинг ягона тузилмасини шакллантиришда кўмаклашиш.

Соғлиқни сақлаш статистикасини такомиллаштириш

Соғлиқни сақлаш статистикаси Давлат статистика қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тўпланади. Давлат статистика қўмитаси фаолияти ҳам давлат, ҳам хусусий тиббиёт муассасаларини қамраб олади, Соғлиқни сақлаш вазирлиги эса маълумотларни фақат тизим тасарруфидаги давлат муассасаларидан олади.

Мазкур йўналишдаги мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

- халқаро стандартларга мувофиқ аҳоли саломатлиги ва фаровонлиги тўғрисидаги статистик ҳисоботларга киритилиши керак бўлган асосий кўрсаткичларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда статистикани миллий ва халқаро ташкилотларнинг ҳисоботларида аниқ акс эттириш учун зарур ўзгартиришларни киритиш;
- соғлиқни сақлаш статистикаси ва маълумотларини тарқатиш амалиётини халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқиш;
- Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга ошириладиган ишларни такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида маълумотлар шакллантириш тизимини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;
- халқаро стандартларга мувофиқ соғлиқни сақлаш бўйича миллий стратегияларни амалга ошириш жараёнларини мониторинг қилиш учун зарур бўладиган соғлиқни сақлаш статистикасини кенгайтириш (шу жумладан фуқароликни рўйхатга олиш ҳужжатлари ва соғлиқни сақлашнинг бошқа манбаларидан олинishi мумкин бўлган маълумотлар) ва методологияларни такомиллаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг статистик инфратузилмасини ривожлантириш, маълумотларни шакллантириш ва таҳлил қилиш соҳасидаги салоҳиятини мустаҳкамлаш;
- соғлиқни сақлаш статистикаси соҳасида фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш учун маълумотларни йиғишнинг автоматлаштирилган тизимини ва идоралараро маълумотлар алмашиш тизимини ишлаб чиқиш.

Ижтимоий соҳа статистикасини такомиллаштириш

Ижтимоий соҳа статистикаси тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан тузилади.

Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги стратегик режалаштириш ҳужжатлари учун (масалан, БРМ) кўрсаткичлар

Давлат статистика қўмитаси томонидан уй хўжаликлари кузатувларини ўтказиш йўли билан шакллантирилади.

Ҳукумат, жамоатчилик ва халқаро ташкилотлар томонидан ижтимоий статистикага талаб тобора ортмоқда. Ушбу талабни қондириш учун Давлат статистика қўмитаси сўровномаларда саволлар ва фойдаланиладиган жадваллар ҳажмини кенгайтириб бормоқда.

Мазкур йўналишда мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

- турмуш даражаси, таълим, атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий масалалар бўйича қўшимча маълумотларни тўплаш учун уй хўжаликлари кузатувлари дастурини такомиллаштириш;
- ошқора ва ишончли маълумотларни олиш мақсадида танланма ва унинг методологиясини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш;
- кузатувларни ўтказиш жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларининг интеграциялашувини амалга ошириш ҳамда маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш жараёнларига замонавий дастурларни (STATA, SPSS) киритиш;
- бундан ташқари, уй хўжаликларида истеъмол ҳаражатларини аниқлаш учун МШИТ-2018ни жорий этилиши, шунингдек, ИНИ ва МҲТ-2008 кўрсаткичларининг сифатини сезиларли даражада яхшиланиши ижтимоий статистика бўйича маълумотларни халқаро статистикага мувофиқ шакллантирилишини таъминлайди.

Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) бўйича статистикани такомиллаштириш

Давлат статистика қўмитаси бошчилигидаги БРМ мониторинги бўйича Идоралараро ишчи гуруҳ томонидан миллий кўрсаткичлар рўйхати (206 та кўрсаткич) ишлаб чиқилган. Давлат статистика қўмитаси

БРМнинг махсус веб-порталида (nsdg.stat.uz) рус тилида статистик маълумотларни (миллий кўрсаткичлар) нашр эта бошлади.

Ҳозирда веб-порталда 98 миллий БРМ кўрсаткичлари мавжуд. Давлат статистика қўмитаси ва БРМ мониторинги бўйича Идоралараро ишчи гуруҳ томонида БРМ кўрсаткичларидаги муҳим бўшлиқларни тўлдириш учун БМТ бўлинмалари ва ҳамкорлар билан биргаликда ишлар олиб боришмоқда.

Мазкур йўналишдаги мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

- БРМ кўрсаткичларини тайёрлаш учун зарур бўлган маълумотларни шакллантириш жараёнларига халқаро стандартлар ва методологияларни жорий этиш;
- БРМ мониторинги бўйича илғор бўлган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;
- БРМ кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш учун масъул бўлган вазирлик ва идораларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш;
- БРМ миллий кўрсаткичлари учун методологияларни ишлаб чиқишни аниқ муддатлари кўрсатилган ҳаракатлар режаси ва мониторинг қилиш тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Илм-фан ва инновациялар соҳасида статистикани такомиллаштириш

Илм-фан ва инновациялар статистикасида бир қатор муаммоли жиҳатлар мавжуд. Хусусан, халқаро амалиётга мувофиқ классификациялар, методология ва инструментарийларни, масалан, “Осло Йўриқномаси 2018” ва “Фраскати Йўриқномаси 2015” ни амалиётга жорий этишда маълумотларнинг етишмаслиги ва услубий ёрдамга эҳтиёж сезилади.

Бу йўналиш илм-фан, тадқиқотлар ва инновациялар бўйича тегишли статистик маълумотларни тайёрлашни қўллаб-қувватлаш учун қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

- Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги масъул ходимларининг малакасини ошириш;
- Илм-фан ва инновациялар соҳасидаги статистик методологияларни ишлаб чиқиш ҳамда илм-фан ва инновациялар соҳасидаги статистикани тайёрлаш жараёнларига “Осло Йўриқномаси 2018” ва “Фраскати Йўриқномаси 2015” каби халқаро тан олинган стандартларни жорий этиш.

Гендер статистикасини такомиллаштириш

Жорий ва истиқболдаги статистик тадқиқотлар асосида халқаро стандартларга жавоб берадиган ва ўтган давр мобайнидаги Ўзбекистонда эркаklar ва аёллар ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган гендер статистикасининг сифатли миқдорий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш зарур.

Вақт ўтиши билан жамиятдаги гендер ўзгаришларни қайд этиш имконини берувчи гендер статистикасининг кенг ҳажмдаги кўрсаткичлар тўпламини ишлаб чиқиш зарур.

СРМС гендер статистикаси бўйича маълумотларни тўплаш ва статистикани ишлаб чиқишда қуйидаги йўналишларда ёрдам беради:

- гендер ва болалар статистикаси бўйича идоралараро ишчи гуруҳни ташкил этиш;
- БМТ Статистика бўлими томонидан ишлаб чиқилган “Гендер статистикасининг минимал базавий тўплами”ни амалиётга тўлиқ жорий

этиш бўйича қўшимча кузатувларни ўтказиш ва маълумотларни қайта ишлаш;

- халқаро мажбуриятлар, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича миллий стратегия ва дастурларнинг бажарилишини мониторинг қилиш бўйича миллий индикаторлар тизимини яратиш.

Меҳнат статистикасини такомиллаштириш

Амалиётда меҳнат статистикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан юритилади. Давлат статистика қўмитаси меҳнат бозори статистикасида Халқаро меҳнат ташкилоти стандартлари ва таснифларига амал қилади, айрим истиснолардан ташқари. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги эса Халқаро меҳнат ташкилоти меъёрларига қисман амал қилади, шу билан бирга ишсизликни аниқлашда сезиларли истиснолар мавжуд ҳамда “ишланган соат” тўғрисида маълумот тўплаш амалиёти мавжуд эмас.

Меҳнат соҳасида статистикани такомиллаштириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- бандлик ва меҳнат бозорининг бошқа асосий кўрсаткичларини аниқлашда ХМТ стандартларига мувофиқлигини таъминлаш, ХМТ кўрсаткичларини мослаштириш ва жорий қилиш;

- ишчи кучи кузатувларини ўрта муддатли истиқболда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан Давлат статистика қўмитасига ўтказиш режасини ишлаб чиқиш;

- энг сўнги “Машғулотларнинг халқаро стандарт классификацияси – 2008” ва “Таълим бўйича халқаро стандарт классификацияси – 2011”ни амалиётга тадбиқ қилиш;

- Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига мувофиқ, “Ишчи кучи кузатувлари”нинг услубиётини, танланма ва саволномаларни ҳам ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;
- “Ишчи кучи кузатувлари” доирасида маълумотларни электрон йиғишни ривожлантириш;
- “Ишчи кучи кузатувлари” доирасида ишлаган соатлар сони бўйича маълумотларни тўплаш ва нашр этиш;
- бўш иш ўринлари кузатувини халқаро стандартларга мувофиқ тўлақонли ўтказилишини таъминлаш;
- “Ишчи кучига харажатлар кузатуви”ни ўтказишда халқаро стандартларнинг қўлланилишини таъминлаш;
- Даромадлар статистикаси асосида меҳнатга ҳақ тўлашда гендер тафовути бўйича статистик маълумотларни шакллантириш.

Туризм соҳаси статистикасини такомиллаштириш

Давлат статистика қўмитаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси туризм соҳасидаги статистик маълумотларни йиғиш ишларида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганлар.

Стратегия доирасида қуйидаги тадбирларни амалга оширишга кўмаклашилади:

- туризм статистикасининг халқаро келишилган тизимини яратиш;
- туризм статистикасининг халқаро стандартларга мувофиқ (Туризм статистикаси бўйича халқаро тавсиялар-2008) классификациялар, усуллар ва методологияларни такомиллаштириш;
- маълумот ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг статистик салоҳиятини мустаҳкамлаш.

Транспорт статистикасини такомиллаштириш

Зудлик билан ҳал қилишни талаб қиладиган энг муҳим муаммолардан бири бу транспорт соҳасида кенг қамровли, ишончли ва аниқ маълумотларнинг етишмаслигидир. Давлат статистика қўмитаси яқинда ташкил этилган Транспорт вазирлиги билан транспорт статистикасини сўнгги халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқишда яқиндан ҳамкорлик қилади. Мазкур йўналишда қуйидаги тадбирларни амалга оширишга кўмаклашилади:

- халқаро қабул қилинган стандартлар ва илғор тажрибалар асосида транспорт статистикаси бўйича (масалан, транспорт фаолияти билан шуғулланадиган яқка тартибдаги тадбиркорларни (уй хўжаликларини) ҳисобга олиш, транспорт хизматлари нархлари ва тарифлари, транспорт инфратузилмаси ва логистика статистикаси, йўловчилар ва юкларни ташиш кўрсаткичлари, мамлакатнинг транспорт ва иқтисодий балансини шакллантиришда зарур бўладиган кўрсаткичлар) таснифлар ва методологияларни такомиллаштириш;
- планшет қурилмаларидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган шахсий интервью (АШИ) технологиясига асосланган замонавий маълумотларни йиғиш технологияларини жорий этиш;
- автоматлаштирилган маълумотларни йиғиш тизимларини жорий этиш;
- Транспорт вазирлигининг статистик салоҳиятини мустаҳкамлаш;
- транспорт турлари кесимида транспорт хизматлари нархлари ва тариф индексларини ҳисоблаш методологиясини такомиллаштириш;
- транспорт ва логистика инфратузилмаси, жумладан, трансчегаравий логистика маълумотларини тайёрлаш бўйича Давлат статистика қўмитаси салоҳиятини мустаҳкамлаш.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги статистикани такомиллаштириш

Ахборот-коммуникация технологиялари индустрияси иқтисодиётда катализатор ролини ўйнайди, чунки у анъанавий ва рақамли технологиялар орқали ўсиш ва ривожланиш омили сифатида тавсифланади, давлат органларининг ўзаро ва жамият билан, шу жумладан, таълим ва касбий тайёргарлик, шунингдек, фуқаролар ўртасидаги мулоқот йўналишларини очади. Бунинг натижасида иқтисодиёт учун АКТ маълумотларига эҳтиёж, сўнги технологик ютуқларга мос бўлиш ва янгиланишни таъминлаш нуқтаи назаридан энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида статистикани такомиллаштириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- электрон тижоратни шакллантириш ва ҳисобга олиш маълумотларини тайёрлаш соҳасида илғор тажрибалар ва методологияларни амалиётга жорий этиш;
- АКТ инфратузилмаси, АКТдан фойдаланиш, АКТ хизматларига тарифлар, АКТни ишлаб чиқариш сектори, таълимда АКТдан фойдаланиш, АКТ савдоси ва бошқа маълумотларни тайёрлаш бўйича қўлланма ва методологияларни халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш;
- АКТ соҳасида статистик маълумотларни шакллантириш ва тарқатиш бўйича Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги салоҳиятини ошириш.

Яширин иқтисодиёт бўйича статистикани такомиллаштириш

Иқтисодий ишлаб чиқаришни тўлиқ қамраб олиш сифатли миллий ҳисобларни юритиш ва ЯИМнинг тўлиқ ҳисобини таъминлаш учун зарурдир. Тўлиқликка эришиш жуда қийин, чунки айрим фаолият

турларини ҳисобга олинишини таъминлашда катта қийинчиликлар мавжуд бўлиб, уларни миллий ҳисоблар ва ЯИМни тузиш жараёнида статистиклар томонидан кузатиш ва ўлчаш имконияти мавжуд эмас. Тўғридан-тўғри кузатилмайдиган ва ўлчанмайдиган фаолият гуруҳлари (масалан, яширин, ноқонуний, норасмий ишлаб чиқариш ёки якуний истеъмол учун уй хўжаликлари томонидан амалга оширилаётган фаолият, маълумот тўплашдаги камчиликлар) кузатиб бўлмайдиган иқтисодиётни ўз ичига олади.

Расмий равишда фаолият юритишни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ишлаб чиқиш ва баҳолаб боришда, бандлик тенденцияларини аниқлашда ҳамда иқтисодий ўсиш билан бандлик ўртасидаги боғлиқликларни таҳлил қилишда кузатилмайдиган иқтисодиётнинг ҳажми ва хусусиятини акс эттирувчи статистика жуда муҳимдир. Ушбу йўналишда қуйидаги тадбирлар қўллаб-қувватланади:

- халқаро стандартлар ва илғор тажрибаларга мувофиқ норасмий сектор бўйича кенг қамровли статистик маълумотларни ишлаб чиқиш;
- ЯИМ баҳолашнинг яхлитлигини таъминлашга қаратилган қўлланма ва методологияларни такомиллаштириш.

Қишлоқ хўжалиги статистикасини такомиллаштириш

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг муҳим соҳаси бўлиб, унда ишчи кучининг 28 фоизи ишлайди ва мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 28,8 фоизни ташкил этади. Ишончли ва кенг қамровли миллий қишлоқ хўжалиги статистикасига эҳтиёж катта. Шу сабабли, ҳукумат 2023 йилгача қишлоқ хўжалигининг статистик тизимини яратишни ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни режалаштирмоқда, аммо 2022 йил ноябр ойида ўтказилиши режалаштирилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари ўртасидаги муддатларнинг қисқалигини ҳисобга олган

ҳолда, қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини 2024 йилнинг июл-август ойларида ўтказиш тавсия этилади. Лойиҳа доирасида қуйидаги тадбирлар қўллаб-қувватланади:

- ишончли ва кенг қамровли миллий қишлоқ хўжалиги статистикаси тизимини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат статистикасининг ишончилигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигида тенденциялар ва бозор нархлари бўйича маълумотларнинг мавжудлигини ошириш;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолияти унумдорлиги бўйича маълумотлар кўламини ошириш;
- қишлоқ хўжалиги кузатувининг ташкилий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш;
- рўйхатга олиш натижаларининг тўлиқлиги, ўз вақтида ва сифатини ошириш учун рўйхатга олишни ўтказишга зарур инфратузилмани яратиш ва янги технологиялардан (масалан, мобил қурилмалар, геоманзилли ахборот тизимлари ва бошқалар) жорий қилиш;
- қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишда иштирок этувчиларнинг салоҳияти ва малакасини ошириш мақсадида кадрларни тайёрлаш соҳасида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Уй-жой статистикасини такомиллаштириш

Уй-жой фондининг мамлакатдаги ҳолатини мониторинг қилиш, уй-жой бозорининг самарали ишлашини таъминлаш ва уй-жой сиёсатини фуқаролар эҳтиёжларига мослаштириш учун жуда муҳимдир. Давлат статистика қўмитасининг фаолияти доирасида статистик ҳисоботларни, маъмурий ва идоравий маълумотларни, шунингдек, уй хўжаликлари

кузатувларини ўтказиш орқали уй-жой бўйича муҳим маълумотлар тўпланади.

Мазкур ҳаракатлар режасига мувофиқ, ушбу тизимлар (танланма усуллари, яшаш майдонини ўлчаш, қурилиш материалларини аниқлаш, хавфсизлик ва бошқалар) такомиллаштирилади, соддалаштирилади ва рақамлаштирилади. Янги маълумотларни (шу жумладан бўш ер майдонлари бўйича) йиғиш бўйича ташаббуслар қолган бўшлиқларни тўлдирди. Лойиҳа доирасида қуйидаги тадбирлар қўллаб-қувватланади:

- уй-жойга бўлган эҳтиёжнинг янги даврий текширувини ўтказиш;
- маълумотларни таҳлил қилиш, аҳолини рўйхатга олиш ва уй хўжаликлари кузатувларини ҳамда маҳаллий маъмурий ҳисоботларни тизимлаштириш;
- уй-жой бўйича замонавий таснифларни қабул қилиш;
- эълон қилиш учун даврий ҳисоботлар ва йиғма статистик маълумотларни ишлаб чиқиш.

Адолат ва жинойтчилик статистикасини такомиллаштириш

Статистик мақсадларда жинойтларнинг халқаро таснифи (СМЖХТ) турли хил идораларда статистикани мунтазам равишда шакллантириш ва халқаро даражада солиштириб бориш учун асос яратади. Миллий даражада СМЖХТ статистикани тузилиши ва ташкил этилишини таъминлаш учун намуна сифатида ишлатилиши мумкин.

Бундан ташқари, СМЖХТ барча турдаги ҳуқуқ органларида (ички ишлар, прокуратура, суд, қамоқхоналар) ва турли хил маълумотлар манбаларида (маъмурий ёзувлар ва статистик тадқиқотлар) маълумотларни уйғунлаштириши мумкин.

Бу йўналиш қуйидаги фаолиятларни қамраб олади:

- СМЖХТни жорий этиш бўйича миллий йўл харитани ишлаб чиқиш;
- жинойтчилик бўйича миллий статистиканинг жорий ҳолатини баҳолаш;
- жинойтчилик бўйича статистикани ишлаб чиқарувчи идоралар ходимлари салоҳиятини ошириш.

Инвестициялар ва қурилиш соҳасидаги статистикани такомиллаштириш

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва қурилиш ЯИМнинг энг катта таркибий қисмларидан бири бўлиб, аксарият мамлакатларда иқтисодий фаоллик улушини таъминлайди. Шунингдек, уларга ҳукумат сиёсати бевосита таъсир кўрсатадиган ва ушбу секторнинг самарали ишлашини таъминлаш учун маълумотлар зарур бўлган тармоқлар киради. Ҳаракат режасига мувофиқ, маълумотларни тўплашни автоматлаштириш ва ўтмишдаги ёзувларни рақамлаштириш орқали мавжуд маълумотларни йиғиш тизимлари яхшиланади. Тизимда мавжуд бўлмаган қўшимча маълумотлар йиғилади. Бу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

- илғор халқаро амалиётга мувофиқ янги замонавий классификацияларни қабул қилиш ва мавжудларини янгилаш;
- қурилиш-монтаж ишларининг бошланиши ҳақида хабардор қилишлар бўйича янги даврий сўровларни ўтказиш;
- қурилиш лойиҳаларини молиялаштириш бўйича статистик маълумотларни тизимлаштириш;
- нашр қилиш учун қурилиш соҳасида даврий ҳисоботларни ва жамланма статистик маълумотларни ишлаб чиқиш.

Ердан фойдаланиш, мулкчилик ва баҳолаш статистикасини такомиллаштириш

Кадастр ҳисоби ва ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқлар вазирликларнинг маъмурий маълумот тизимларида қайд этилади. Ҳозирги вақтда Давлат статистика қўмитасига бу маълумотларни доимий равишда олиш имконияти мавжуд эмас ва жамоатчилик учун маълумотлар мунтазам равишда эълон қилинмайди.

Ҳаракат режасига мувофиқ, маълумотларни тўплашни автоматлаштириш ва ўтмишдаги ёзувларни рақамлаштириш орқали мавжуд маълумотларни йиғиш тизимлари яхшиланади. Тизимда мавжуд бўлмаган қўшимча маълумотлар йиғилади. Бу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

- ердан фойдаланиш/қамраб олиш бўйича янги турдаги кузатув жорий этилади ва вақти-вақти билан ўтказиб турилади;
- ер реестрида мавжуд маълумотларни рақамлаштиришни ташкил этиш;
- даврий ҳисоботларни ва эълон қилиб бориш учун жамлама статистикани ишлаб чиқиш.

5. АМАЛГА ОШИРИШ ТУЗИЛМАСИ

5.1. Умумий тамойиллар

СРМСни амалга оширишда ва ўринли деб топилган барча йўналишларда халқаро стандартлар, таснифлар ва методология ва илғор тажрибалар фойдаланилади. Барча ҳолларда тадбирлар халқаро ва миллий ҳамкорлар томонидан мувофиқлаштириб борилади. Тадбирларни амалга ошириш жараёнида уларнинг эҳтиёжлари, тақлифлари ва кўмаклари инобатга олинади. Янгича ёндашувлар, стандарт ва илғор тажрибалар мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан пухта ўрганилгандан сўнг тадбиқ этилади.

Барча янги тизим ва жараёнлар ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланишга тадбиқ этилгунга қадар синовдан ўтказилади. Ҳар қандай янги ишлаб чиқилган ёки такомиллаштирилган саволнома амалиётга жорий этилишига қадар синовдан ўтказилади, қайта қурилган тизим эса амалдаги тизим билан параллел равишда ишлатилади ёхуд саволномадан-саволномага, кузатувдан-кузатувга ўтиш принципи асосида босчиқма-босқич жорий этилади.

5.2. Хатарлар

Ҳозирги кунда миллий статистика тизими салоҳиятини ошириш масаласини ҳукумат ва бошқа манфаатдор томонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқдалар. Бироқ, ислохотлар жараёнида аниқ натижаларга эришилмас экан, бу қўллаб-қувватлашлар ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Давлат статистика қўмитаси миллий статистика тизимининг асосий бошқарувчи органи сифатида қўллаб-қувватлашнинг амалдаги даражасини сақлаб қолиш учун ҳукумат билан яқиндан ҳамкорликда ишлашни, тезкор ва самарали натижаларга эришишни ҳамда юқори сифатли статистикани етказиб беришни таъминлаши лозим.

Яна бир муҳим хавф сифатида зарур норматив-ҳуқуқий асосларнинг етишмаслигини кўриш мумкин (Статистика тўғрисидаги Қонун, қонун ости ҳужжатлар ва тартиблар). Ҳозирда ушбу хавфни камайтириш учун статистикага тўғрисидаги янги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда.

Давлат статистика қўмитасида соҳада кенг қўламли ислохотларни амалга оширишга етарли даражада тажриба мавжуд эмас, шу боис СРМСни амалга ошириш жараёнлари Давлат статистика қўмитаси ходимларидан қўшимча саъй-ҳаракатларни талаб қилиши мумкин. Табиийки, СРМСни самарали тадбиқ этиш учун рағбатлантириш механизмларини таъминлаш зарур бўлади.

Иш ҳақининг паст даражасини тажрибали ва салоҳиятли кадрларни сақлаб қолишдаги яна бир хавф сифатида кўриш мумкин.

5.3. Барқарорлик

Стратегик мақсадлар ва белгиланган устувор йўналишларнинг аксарияти статистик ва институционал инфратузилмани мустаҳкамлашга қаратилган. Табиийки, янги тартиботларни амалдаги тартиботлар ўрнига тадбиқ этилгандан сўнг ресурслар тежалишига эришилади. Янги тизимлар билан боғлиқ ҳолда, мавжуд тузилма ва ишларни оптималлаштириш орқали улар сезиларли самарадорликни ҳамда ресурсларни тежашни таъминлайди. Ўз навбатида, ушбу тежалган ресурсларни ўқитиш бўйича янги тадбирларга сарфлаш мумкин бўлади.

Самарадорликни ошириш ҳисобидан тежалган маблағларнинг бир қисмини малакали мутахассисларни жалб этиш ва сақлаш, уларнинг лозим даражада рақобатбардошлигини таъминлаш учун иш ҳақиға йўналтириш мумкин. Кенг қамровли ўқув дастурлари эвазига эса малакали мутахассислар қамровини оширишга эришилади.

Босқичма-босқич янгилаб бориш ва сифатли хизмат кўрсатиш орқали янги жиҳозлар ва дастурий таъминотларни қатъий равишда янгилаш зарур бўлган ҳолатга келгунига қадар фойдаланиш муддатини 10 йилгача узайтириш мумкин.


Шу ўринда, ахборот-коммуникация ва булутли технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бориши, шунингдек, маълумотларга бўлган талабнинг ошиши, дастурий таъминотнинг муайян компонентларини тез-тез алмаштириб турилишини тақозо этиши мумкин ва бу умумий бюджетни тузишда ҳисобга олиниши лозим.

5.4. Амалга ошириш графиги ва ресурслар

СРМСни муваффақиятли амалга ошириш узоқ муддатли жараён ҳисобланади ҳамда сезиларли миқдорда молиявий ва бошқа ресурсларни сафарбар этилишини талаб қилади. Харажатларнинг асосий компонентлари ўз ичига АКТ инфратузилмасига ҳамда тегишли компонентлар бўйича консалтинг хизматлар, ўқитиш, семинар-тренинглари ва тажриба алмашиш юзасидан хизмат сафарлари ташкил этиш учун техник қўллаб-қувватлашга қаратилган харажатларни қамраб олади. Йиллар ва компонентлар кесимида харажатлар тақсимооти 3-иловада батафсил келтириб ўтилган.

5.5. СРМСни амалга оширишни бошқариш тузилмаси

Лозим даражада тўғри ташкил етилган бошқарув тузилмаси СРМСни тартибли ва мувофиқлаштирилган тарзда муваффақиятли амалга оширишнинг асосий омилларидан биридир. Қуйида келтирилган тузилма мувофиқлаштириш, мониторингни олиб бориш ва баҳолаш учун етарли имкониятларни яратиб бериши мумкин.





Одатда Париж21нинг тавсия этиладиган бошқарув принципларига мувофиқ СРМСни шакллантириш ва амалга ошириш учун масъулият бу мақсадларда тақшил этилган Миллий қўмита зиммасига

юклатилади. Шу боис, СРМСни амалга оширишга масъул Миллий қўмита сифатида фаолият олиб бориши учун таркиби Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги ва Марказий банк раҳбарларидан ташкил топган **Идоралараро Кенгашни (Кенгаш)** Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши тавсия этилади.

Назорат бўйича мазкур Кенгаш иши Давлат статистика қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари бошчилигидаги Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг юқори лавозимдаги вакиллари ҳамда 4 та **тармоқ/соҳани қамраб олувчи ишчи гуруҳларининг (Ишчи гуруҳ)** раҳбарларидан ташкил топган **Техник котибият** кўмагида амалга оширилади.

Таклиф этилётган **Техник котибият** СРМСни амалга ошириш масалаларида **Кенгашнинг** ишчи органи ҳисобланади.

Бундай тузилма СРМСни амалга ошириш жараёнларига жалб этиш ва идораларо муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади, шунингдек, **Кенгашнинг** самарали фаолият олиб боришини таъминлайди. **Техник котибият** Давлат статистика қўмитасида фаолият олиб боради ва зарур ҳолларда фаолиятига ишчи гуруҳлар вакиллари жалб қилиши ёки бирлаштириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси мамлакатда қарорлар қабул қилишда асосий орган сифатида СРМСни эгаси ҳисобланади. Табиийки, Кенгаш СРМСни эгасининг вакили ҳисобланади. У СРМСни амалга оширишнинг турли босқичларида тайёрланадиган ҳисоботларни ўрганиб боради ва зарур ҳолларда тасдиқлаш ва қарорлар қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади.

Техник котибият амалда бошқарувчи ролини ўйнайди. У Давлат статистика қўмитаси бошчилиги остида тўрта тармоқ/соҳа ишчи гуруҳлари вакиллари бирлаштирилади. Турли ҳолатлар ва вақтларда

лойиҳага бошқа асосий маълумотларни ектизиб берувчи ва фойдаланувчиларни жалб этиши мумкин.

Техник котибиятга СРМС доирасида ишчи дастур бўйича устуворликларни аниқлаш ва тадбирларни ташкиллаш топширилади. Қуйидагилар унинг асосий вазифаси ҳисобланади:

- тўрта ишчи гуруҳнинг иш режаларини тузиш;
- ишчи гуруҳлар томонидан бажарилаётган ишларни бошқариш ва мувофиқлаштириш;
- натижаларни расмийлаштириш учун бажарилган ишлар бўйича хулослар тайёрлаш, стратегик масалаларни аниқлаш ва Кенгашга киритиш.

Ишчи гуруҳлар нафақат тегишли сектор бўйича статистикани тайёрлаш, балки бошқарув механизмлари, инфратузилмани яхшилаш, инсон ресурсларини бошқариш режалари, статистик фаолиятни молиялаштириш ва ҳоказоларни кўриб чиқиш учун мунтазам равишда ўз тармоқлари бўйича ишлар дастури ижроси ва мониторингига жавобгардирлар.

6. МОНИТОРИНГ ВА БАҲОЛАШ

СРМСнинг сифат даражасидан қатъи назар, уни амалга оширигандагина самарали бўлади ва бу асосан пухта ўйланган режалаштириш ҳамда мунтазам равишда ижро ҳолатини баҳолаб бориш ва мониторинг ўрнатиш билан боғлиқдир.

Мониторинг ва баҳолаш тизими амалга оширилаётган ишлар ҳолати юзасидан манфаатдор томонларни хабардор қилиш ва натижаларни мақсадли кўрсаткичлар билан солиштириш учун маълумотларни йиғиш ва ўрганишни таъминловчи узлуксиз жараёндир.

Мазкур жараён қарор қабул қилувчилар учун мувофиқлаштиришларни амалга ошириш имконини беради. Шу боис, мониторинг ва баҳолаш тизими СРМСни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнининг ажралмас қисмидир.

6.1. Кутилаётган натижалар

СРМСга киритилган барча тадбирлар сезиларли ва ўлчаш мумкин бўлган натижаларга олиб боради ва зарур ҳолларда, амалга ошириш жараёнларида тегишли тадбирларни амалга ошириш учун вақти-вақти билан ўрганиб борилиши мумкин.

“Стратегик мақсадлар” бўлимида қайд этилганидек, миллий статистика тизимининг СРМСни амалга оширишдаги мақсадларини бешта кенг ўлчамли стратегик натижаларда ифодалаш мумкин.

Улар натижаларни ўлчаш имконинини берувчи кўрсаткичлар билан биргаликда қуйида келтириб ўтилган. Якуний натижалар ва тегишли кўрсаткичлар биргаликда миллий статистика тизимининг барча муҳим жиҳатларини қамраб оладиган мувозанатлашган тизимни ташкил этади деб тахмин қилинади.

Фойдаланувчиларнинг талабини қондириш

- фойдаланувчиларнинг талабини қондириш юзасидан ўтказиладиган кузатувлар бўйича натижаларни яхшилаш;
- маълумотлар сифати ва жойлаштирилиши юзасидан мустақил ўрганишлар натижалари бўйича натижаларни яхшилаш;
- Давлат статистика қўмитаси веб-сайтига ташрифлар ва маълумотларни кўчириб олишлар сонини ошириш;
- маълумотларни жойлаштириш ва устуворликларни аниқлаш юзасидан фойдаланувчилар билан соҳа мутахассисларининг учрашувлари мунтазамлигини ошириш;
- оммавий ахборот воситаларида Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ёритиб боришлар сони ва вақтини ошириш.

Маълумотларни етказиб берувчиларни рағбатлантириш

- жавоблар даражасини ошириб бориш;
- рад жавоблар сонини камайтириш;
- ҳисобот юки бўйича эътирозларни камайтириш;
- оммавий ахборот воситаларида статистик маълумотлар бўйича салбий фикрларни камайтириш;
- электрон шаклда ҳисобот бериш даражасини ошириш.

Ҳукумат ва бошқа ҳамкорлар томонидан қўллаб-қувватланиш

- ҳукумат томонидан ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажми амалдаги даражада сақланиб қолади ёки бошқа давлат идораларига мос равишда ўсиб боради;
- соҳага доир махсус ишланмаларга олинаётган маблағлар амалдаги даражада сақланиб қолади ёки ошиб боради;

- халқаро ташкилотлар-ҳамкорлар томонидан олинаётган кўмак амалдаги даражада сақланиб қолади ёки ошиб боради.

Ходимлар малакасини ошириш ва рағбатлантириш

- ходимларнинг қониқиш даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган ўрганишлар ижобий натижаларни акс эттирмоқда;
- ёш ва салоҳиятли ходимларни соҳада сақлаб қолиш кўрсаткичлари яхшиланмоқда;
- бўш иш ўринлари сони қисқармоқда;
- касаллик сабаб таътилга чиқишлар сони қисқармоқда;
- лавозим даража ва йўналишлар бўйича кадрларни тайёрлаш ишлари ҳажми ошиб бормоқда;
- фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари яхшиланмоқда.

Миллий статистика тизимини самарали мувофиқлаштириш

- Статистика кенгаши фаолият олиб боради ва мунтазам йиғилади;
- Давлат статистика қўмитаси ва бошқа статистик маълумот ишлаб чиқарувчи вазирлик ва идораларнинг соҳага доир малалар бўйича учрашувлари мунтазам ташкил этилади;
- Давлат статистика қўмитаси ва бошқа статистик маълумот ишлаб чиқарувчи вазирлик ва идоралар ўртасидаги тегишли ҳамкорлик келишувлари тобора долзарб аҳамият касб этиб боради.

